

Таъсисчи:

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Ушбу сон муҳаррирлари:

С. А. Раззоқов, И. В. Солохина

Дизайнер ва саҳифаловчи

Д. Р. Джалилов

Ахборотнома Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йил 18 июнда қайд этилган. Оммавий ахборот воситаси давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома № 0568.

Ахборотнома фан доктори илмий даражасига талабгорларнинг диссертация ишлари илмий натижалари юзасидан илмий мақолалар эълон қилиниши мумкин бўлган республика журналлари рўйхатига киритилган (ОАК Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги 201/3-сон қарори).

Таҳририят манзили:

100197, Тошкент шаҳри, Интизор кўчаси, 68.

Тел.: 265-23-56, 265-23-52.

<http://akadmvd.uz/category/vestnik-akademii>

e-mail: info@akadmvd.uz

Оригинал-макет Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг таҳририят-ноширлик бўлимида тайёрланди.

Мақолалар ҳар қандай усулда тўлиқ ёки қисман кўчириб босилганида «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Таҳририят хатлар муаллифлари билан ёзишмайди. Қўлёзмаларга тақриз берилмайди ва улар қайтарилмайди.

Бичими 60x84 1/8. Нашр табағи 11,0. Офсет усулида босилди. Адади 300 нусха. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ноширлик марказида чоп этилди. Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Баҳоси келишилган нархда. Босишга рухсат этилди 30.12.2017.

Буюртма №

ISSN 2181-4872

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ИИВ АКАДЕМИЯСИНИНГ

АХБОРОТНОМАСИ

2010 йилдан чиқа бошлаган

Йилда тўрт марта чиқади

2017 йил, махсус сон

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси бошлиғи генерал-лейтенант Б.А.Матлюбовнинг «Конституция – инсон манфаатларини таъминлашнинг кафолати» мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси очилишидаги маърузаси.....	3
<i>Саидов А. Х.</i> Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг яратилиш жараёни.....	5
<i>Ғафуров А. Б.</i> Ўзбекистонда Конституциявий назорат институтининг ривожланиши.....	11
<i>Фармонов Р. Д.</i> Ўзбекистон Конституцияси ва жаҳон тажрибаси.....	14
<i>Мамадалиев Ш. О.</i> Конституция: тарихи, бугуни ва келажаги.....	16
<i>Адилходжаева С. М.</i> Конституционно-правовые основы миролюбивой внешнеполитической деятельности Республики Узбекистан.....	21
<i>Джавакова К. В.</i> Конституция: идеология и просвещение.....	26
<i>Мадумаров Т. А.</i> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – ҳаракатлар стратегиясининг ҳуқуқий кафолати.....	31
<i>Азизов Н. П., Умаров З. Р.</i> Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг эволюцияси: 25 йил эл хизматида.....	35
<i>Худойбердиев А. Қ.</i> Конституция – миллий давлатчиликнинг мустақкам ҳуқуқий асоси.....	41
<i>Хожаназаров И. Э.</i> Конституция – ҳуқуқий ислохотларнинг стратегик асоси.....	45

Учредитель:
Академия МВД Республики Узбекистан

Редакторы номера:
С. А. Раззаков, И. В. Солохина

Дизайн и верстка
Д. Р. Джалилов

Вестник зарегистрирован Узбекским агентством по печати и информации 18 июня 2009 г. Свидетельство о регистрации средства массовой информации № 0568.

Вестник включен в перечень республиканских журналов, рекомендованных для публикации научных статей, подготовленных по результатам диссертационных работ на соискание ученой степени доктора наук (Решение Президиума ВАК №201/3 от 30 декабря 2013 г.).

Адрес редакции:
100197, г. Ташкент, ул. Интизор, 68.
Тел.: 265-23-56, 265-23-52.
<http://akadmvd.uz/category/vestnik-akademii>
e-mail: info@akadmvd.uz

Оригинал-макет подготовлен в редакционно-издательском отделе Академии МВД Республики Узбекистан.

При перепечатке или воспроизведении любым способом полностью или частично ссылка на вестник «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси» обязательна.

Редакция не вступает в переписку с авторами писем, рукописи не рецензируются и не возвращаются.

Формат 60x84 1/8. Уч.-изд.л. 11,0. Печать офсетная. Тираж 300 экз. Отпечатано в Издательском центре Академии МВД Республики Узбекистан, г. Ташкент, ул. Интизор, 68.

Цена договорная.
Подписано в печать 30.12.2017.

Заказ № ISSN 2181-4872

© Академия МВД
Республики Узбекистан, 2017.

Воронина Н. В.
Конституция Республики Узбекистан – гарант социальной защищенности военнослужащих.....49

Акрамова Ф. А.
Конституцияда оила ва инсон манфаатлари.....53

Тургунов Н. А., Джаматов М. Х.
Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – мамлакатимизда ахборот ва сўз эркинлигининг ҳуқуқий асоси.....55

Худойбердиева А.
Конституционные основы совершенствования национальной государственности.....57

Қаландаров М.М.
Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – мулк дахлсизлигининг кафолати.....62

Расулова Н. С., Жуманазаров Д. Р.
Ҳокимиятнинг тақсимланиши конституциявий принципини рўёбга чиқаришда сиёсий партияларнинг роли.....65

Сафаров Ж.И., Нуридуллаев А.А.
Конституция – экология соҳасидаги қонун ҳужжатлари тараққиётини белгиловчи муҳим ҳужжат.....69

Фозилов У. Э.
Конституция – истиқлолнинг буюк неъматидир.....75

Юсунов С. Б.
Мурожаат қилиш – жисмоний ва юридик шахсларнинг муҳим конституциявий ҳуқуқи.....79

Махсадов М.И.
Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – мамлакатимизда миллатлараро тотувликни таъминлашнинг ҳуқуқий асоси.....85

Саитқулов Қ. А.
Конституциявий норма – ҳуқуқбузарликлар профилактикасида фуқаролар иштирокининг ҳуқуқий асоси.....90

Худайбердиев А. А.
Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосида маъмурий жавобгарликни таъминлашни такомиллаштиришнинг айрим жиҳатлари.....94

♦

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ АКАДЕМИЯСИ БОШЛИФИ
ГЕНЕРАЛ-ЛЕЙТЕНАНТ Б. А. МАТЛЮБОВНИНГ «КОНСТИТУЦИЯ —
ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ КАФОЛАТИ»
МАВЗУИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЧИЛИШИДАГИ МАЪРУЗАСИ**

**Ассалому алайкум, ҳурматли анжуман иштирокчилари,
азиз меҳмонлар!**

Аввало, Сизни мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуғ сана — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллик байрами билан чин қалбимдан муборакбод этаман!

Ушбу байрам арафасида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг яратилиш тарихи ва мамлакатимизнинг бугунги ривожиди тутган ўрни ҳақида қисқача тўхталишни жоиз деб билдим.

Мустақил Ўзбекистон Конституциясининг тарихи — 1990 йил 24 мартда Собиқ Иттифоқ Олий Советининг биринчи сессиясида янги орган — Конституциявий назорат кўмитаси тузилиши ҳамда Ўзбекистон Олий Советининг 1990 йил 20 июндаги қарори асосида Биринчи Президентимиз Ислом Абдуганиевич Каримов раислигида 64 кишидан иборат Конституциявий комиссия фаолият юритиши билан бошланган. 1992 йил 2 июлда эса Олий Кенгашнинг «Ўзбекистон Республикасининг янги Конституцияси лойиҳаси ҳамда Конституциявий комиссия таркибига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори билан мазкур комиссиянинг 71 нафар аъзодан иборат янгиланган таркиби тасдиқланди.

Мазкур Комиссия Конституция лойиҳаси устида икки йилдан ортиқ вақт мобайнида иш олиб борди. Конституция лойиҳаси 1992 йилги умумхалқ муҳокамасига қўйилиб, фуқаролар томонидан 5 мингдан ортиқ таклиф ва тавсиялар билдирилди. Уларнинг аксарияти Конституцияда инobatга олинди. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ҳеч муболағасиз Ўзбекистон халқининг ижод маҳсули деб ҳисоблаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тарихи биринчи Президентимиз Ислом Абдуганиевич Каримов номи билан чамбарчас боғлиқ. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Конституциямизнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқида: «Ислом Каримовни ҳақли равишда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муаллифи деб эътироф этиш учун барча асосларга эгамиз», — деган эди.

Мамлакатнинг биринчи раҳбари Ислом Каримовнинг саъй-ҳаракати билан «Инсон ва унинг қадр-қиммати» деган улуғ тушунча Бош қомусимизнинг мазмун-моҳиятини белгилиб, марказий ўринга қўйилди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон халқи манфаатларининг ҳуқуқий асоси ва ҳимоячиси бўлган суверен Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси халқимиз синовидан муваффақиятли ўтди. Шак-шубҳасиз, Конституциямиз халқимизнинг бугуни ва келажagini белгилаб берувчи ҳаракат дастурига айланди. У жамиятимизни бирлаштириб, мамлакатда тинчлик ва осойишталикни таъминлашга ҳамда халқ фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидланганидек, «Конституциямиз — халқимизнинг онгу тафаккури, дунёқарashi ва бутун ҳаётини ўзгартирган муҳим сиёсий ҳужжатдир».

Фуқароларнинг юксак ижтимоий-сиёсий фаоллигини Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган «Халқ қабулхоналари»га мурожаатларда ҳам кўриш мумкин. Бугун халқнинг

давлат ҳокимиятига ишончи юксак, чунки «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак», деган шиор фуқароларимиз қалбидан мустаҳкам ўрин олди.

Бугун Бош қомусимизнинг 25 йиллик байрами арафасида, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси дунёдаги энг демократик, энг инсонпарвар конституция сифатида Ўзбекистон халқи ва халқаро ҳамжамият синовидан муваффақиятли ўтди, деб айтишга тўла ҳақлимиз.

Бунинг тасдиғини Конституциямиз ҳақида халқаро субъект ва экспертлар томонидан ҳеч бир эътироз билдирилмаганлиги, камчилик кўрсатилмаганлиги, аксинча, унинг афзал жиҳатлари хусусида фикрлар билдирилганлигида ҳам кўришимиз мумкин. Конституциямизнинг хусусияти ҳақида гапирганда, аввало, унда инсон ва унинг кадр-қиммати сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий муносабатлар асосига қўйилганлиги, халқ ҳокимиятчилиги ғояси чуқур сингдирилганлиги, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги таъминлангани, ҳеч бир мафкура давлат мафкураси сифатида белгиланмаганлиги, зўравонликни тарғиб қилувчи жамоат тузилмаларининг фаолияти ман этилганлиги, тинчликсевар, тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли муносабатларга асосланган ташқи сиёсат юритилиши энг муҳим принциплар сифатида мустаҳкамланганлигини айтиб ўтиш жоиз.

Конституциямиз туфайли Ўзбекистонда тинчлик ва барқарорлик ҳукмрон, унинг асосида мамлакатимиз дунёдаги энг тез ривожланаётган 10 та давлат қаторидан ўрин олди. Бу билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Конституциямиз – миллий қонунчилигимизнинг негизи. Бугун унинг асосида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти юксалишига, давлат ва жамият бошқарувидаги иштироки янада кенгайишига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси доимий ривожланиб боровчи сиёсий-ҳуқуқий ҳужжатдир. Буни Конституция ва унинг асосида қабул қилинган қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш амалиётида ҳам кўриш мумкин. Ҳозиргача Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўнлаб ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

2017 йили Ҳаракатлар стратегияси доирасида Конституциянинг 80, 81, 83, 93, 107, 108, 109, 110, 111-моддаларига ўзгартишлар киритилгани, 40дан зиёд қонунлар, 700га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилингани, халқ қабулхоналари ташкил этилгани, Конституциявий суднинг ваколати кенгайиб бораётгани – буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон Конституцияси янги сифат босқичига кўтарилгани ва халқ манфаатларига хизмат қилаётганидан далолатдир.

Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ ички ишлар органларига доир 20дан зиёд қонун ва қарорлар қабул қилингани, конституциявий принципларнинг суд-ҳуқуқ амалиётига изчил татбиқ этилаётгани давлатимизнинг ички ишлар органларига бўлган ишончи ва эътибори ошиб бораётганини кўрсатмоқда.

Конституциямизнинг 25 йиллигига бағишланган бугунги конференциямиз жамият эҳтиёжи учун хизмат қиладиган қонунлар ишлаб чиқиш ва уларнинг ижросини таъминлаш, шунингдек ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш, ички ишлар органлари билан фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилиш жараёнида уларни ҳал қилишга қаратилган назарий ҳамда амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқади, деган умиддаман.

Ўрнатилган анжуман иштирокчилари!

Сизни яна бир бор Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллик байрами билан самимий муборакбод этиб, барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга файзу барақа, бугунги конференция ишида ҳаммангизга муваффақият тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

А. Х. Саидов,

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг
академиги, юридик фанлар доктори, профессор*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ ЯРАТИЛИШ ЖАРАЁНИ

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг яратилиш тарихи ҳамда бугунги давлат раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Конституциявий комиссия аъзоси сифатида мамлакат Асосий қонуни устида ишлаш жараёнидаги роли ҳақида ҳикоя қилинади.

Таянч тушунчалар: конституция, президент, парламент, сайлов, Конституциявий комиссия.

Процесс создания Конституции Республики Узбекистан

Аннотация. В статье повествуется об истории создания Конституции Республики Узбекистан и роли сегодняшнего Главы государства Шавката Мирзиёева в качестве члена Конституционной комиссии в процессе работы над Основным законом страны.

Ключевые слова: конституция, президент, парламент, выборы, Конституционная комиссия.

Creation process of the Constitution of the Republic of Uzbekistan

Annotation. The article is devoted to the history of creation of the Constitution of the Republic of Uzbekistan and the role of today's head of state Shavkat Mirziyoev as a member of the Constitutional commission in the course of work on the country's basic law.

Key words: constitution, president, parliament, elections, Constitutional commission

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мустақиллик йилларида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида босқичма-босқич ва тизимли равишда амалга оширилаётган кенг қамровли демократик ислохотларнинг мустақкам юридик манбаи ҳамда асосий ҳуқуқий кафолатидир. Шу маънода, Конституциянинг яратилиши тарихини атрофлича ўрганиш, бу муҳим ҳуқуқий ҳужжатнинг мазмун-моҳиятини чуқур таҳлил этиш мустақил Ўзбекистоннинг энг янги тарихини ўқиб-ўрганишнинг ажралмас қисми сифатида алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, Ўзбекистон Конституциясининг ишлаб чиқилиши, қабул қилиниши ва ривожлантирилиши жараёнлари мамлакат мустақиллиги тарихининг узвий қисмидир.

«1992 йил 8 декабрда мустақил Ўзбекистонимиз Конституциясининг қабул қилиниши мамлакатимиз ҳаётида муҳим тарихий воқеа бўлди. Конституциянинг яратилиши ва ҳаётимизга татбиқ этилишида замонимизнинг буюк давлат арбоби, улуғ Йўлбошчимиз, мухтарам Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг

хизмати беқиёс эканини барчамиз яхши биламиз»¹. Президент Ш.М.Мирзиёевнинг бу юксак баҳоси, бир томондан, ҳолис ва ҳаққоний эътироф бўлса, иккинчи томондан, самимият ва камтарлик ифодаси ҳамдир.

Бинобарин, ўша тарихий жараёнларда бўлгуси Ўзбекистон раҳбари ҳам самарали иш олиб борган. Бу ҳақда: **«Мен ҳам Конституциявий комиссия таркибида Бош қомусимизни яратиш ва қабул қилиш жараёнида бевосита иштирок этганимни доимо фахрланиб эслайман. Конституциямизнинг қандай қилиб ҳозирги мазмун ва шаклга келгани, бу мураккаб жараёнда кечган қизгин тортишув ва баҳс-мунозаралар бугунгидек ёдимда»²,** деб эслайди Президент Ш.М.Мирзиёев.

Бу бежиз эмас. Нега деганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Конституциянинг истиқлол арафасида ишлаб чиқилиши ва мустақилликнинг илк йилларида қабул қилиниши даврида ҳам, Конституцияни ривожлантириш ва унда белгиланган энг муҳим вазифаларни ҳаётга чуқур татбиқ этиш жараёнларида ҳам Йўлбошчимизнинг ёнида туриб елкама-елка

ишлаган, давлат сиёсатини юритиш бобида юксак маҳорат мактабини ўтаган.

Мен ҳам Конституциявий комиссия аъзоси бўлганимни ҳамиша фахру ифтихор билан эсламан. Ўша даврда Президент Ш.М.Мирзиёев парламент депутаты, Мандат комиссиясининг раиси ва Конституциявий комиссия аъзоси сифатида Асосий қонунимизни ишлаб чиқиш билан боғлиқ барча ишларда Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти ёнида, Йўлбошчимиз билан биргаликда фаолият юритганига гувоҳ бўлганман.

Президент Ш.М.Мирзиёевнинг Бош қомусимизни яратиш ва қабул қилиш жараёнидаги иштироки қуйидаги тўрт йўналишда амалга ошган:

1) Ўзбекистон Олий Советининг депутаты сифатидаги фаолияти;

2) Олий Совет Мандат комиссиясининг раиси сифатидаги фаолияти;

3) Олий Совет Конституциявий комиссиясининг аъзоси сифатидаги фаолияти;

4) Конституциявий комиссия 6-ишчи гуруҳининг аъзоси сифатидаги фаолияти.

Бу ҳақда сўз борганда, авваламбор, 1990 йил 18 февралда халқ депутатлари Ўзбекистон Олий Советига бўлиб ўтган сайловда мамлакат аҳолисининг 9 385 740 нафари ёки рўйхатга олинган сайловчиларнинг 98,5 фоизи иштирок этганини таъкидлаш жоиз³. Табиийки, бундай юксак даражадаги ижтимоий-сиёсий фаоллик, бир томондан, ижтимоий ҳаётдаги қийинчилик ва зиддиятларга қарамай, халқимиз уюшқоқлик намунасини кўрсатганидан далолат берса, бошқа томондан, фуқароларнинг ишончи ва муҳаббатига сазовор, ҳақиқий жонкуяр инсонларнинг Ўзбекистон Олий Совети депутатлигига сайланишида муҳим омил бўлди.

Халқ депутатларини сайлаш учун тузилган 500 та сайлов округидаги сайлов-олди курашларида 1 минг 94 нафар талабгор иштирок этган бўлса, шундан 326 та округда сайлов рақобатчилик негизида амалга оширилган. Натижада 1990 йил 18 февраль ва 4 мартда 463 та, 15 апрелдаги қайта сайловда эса яна 37 та округда депутатлар сайланган.

Давр талаблари асосида ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Олий Советига сайлов тўғрисида»-

ги янги қонун асосида ўтказилган ана шу сайловда **Тошкент шаҳар Қорасув сайлов округидан номзоди кўрсатилган Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон Олий Совети депутатлигига сайланган**⁴.

Энг муҳими, ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Олий Совети депутатлари эл-юртимиз тарихида гоят улкан аҳамият касб этган қарорлар қабул қилгани алоҳида диққатга сазовордир. Хусусан, ўша даврда парламент аъзоларининг тўғридан-тўғри иштирокида:

аввало, 1990 йил 24 мартда собиқ Иттифоқ ҳудудида биринчи бўлиб Ўзбекистонда президентлик лавозими таъсис этилди;

иккинчидан, 1990 йилнинг мартада илгари Ўзбекистон тарихида мавжуд бўлмаган янги орган — Конституциявий назорат қўмитасига асос солинди;

учинчидан, 1990 йил 20 июнда Мустақиллик декларацияси эълон қилинди;

тўртинчидан, истиқлол остонасида туриб, мустақил давлат байроғи, герби ва мадҳиясини яратиш йўлида илк қадамлар қўйилди;

бешинчидан, Мустақиллик эълон қилинишидан анча олдин, 1990 йил 21 июнда Ислом Каримов раислигида Конституциявий комиссия тузилиб, мустақил давлатнинг Асосий қонунини яратишга киришилди.

Ўша давр қонунчилиги талабига кўра, сайлов натижалари, депутатларнинг сифат таркиби ҳақидаги батафсил маълумотлар Олий Совет сайлайдиган Мандат комиссияси томонидан эълон қилинар, депутатларнинг ваколатларини аниқлаш учун зарур бўладиган барча ҳужжатларни ҳам сайлов комиссияси Мандат комиссиясига топширар эди.

Шу боис 1990 йил 24 мартда бўлиб ўтган ўн иккинчи чақириқ Олий Советнинг биринчи сессиясида депутатлар биринчи навбатда 24 кишидан иборат Мандат комиссияси таркибини сайладилар. **Депутат Шавкат Мирзиёев Мандат комиссиясининг раиси этиб сайланди**⁵.

Танаффусдан сўнг сессияда Ўзбекистон Олий Совети Мандат комиссиясининг раиси депутат Ш.М.Мирзиёев маъруза қилди. Маърузачи бўлиб ўтган сайлов Ўзбекистон

сиёсий тизими ислоҳотининг муҳим босқичларидан бирига якун ясаганини таъкидлади. Мандат комиссияси, Ўзбекистон ССР Конституциясининг 104-моддасига биноан, 1990 йил 18 февраль ва 4 март кунлари сайланган Ўзбекистон Олий Совети депутатлари ваколатларини текширди ва мазкур иш натижаларини сессия эътиборига ҳавола қилди⁶.

Реал муқобил сайлов тажрибасига асос солингани ўша сайловнинг алоҳида жиҳати бўлган эди. Яъни, ўшанда депутатликка номзодларни кўрсатиш борасида меҳнат жамоалари ва жамоат ташкилотларининг имкониятлари кенгайтирилди. Бу ҳуқуқ биринчи марта сайловчиларнинг истиқомат жойларидаги йиғилишларига берилди. Номзодларни рўйхатдан ўтказишга тавсия этиш учун 30 та сайлов округида округ сайловчилари вакилларининг конференциялари ўтказилди. Натижада 500 та мандатга жами 1 минг 490 киши халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатилган ва шундан 1 минг 134 киши номзод сифатида рўйхатга олинган эди.

Ўзбекистон Олий Совети Мандат комиссияси бу номзодларнинг рўйхатга олинишини қонуний деб топди. Шу билан бирга, Мандат комиссияси Марказий сайлов комиссияси сайлов мавсумида 600 га яқин хат ва телеграмма олганига ва сайловга доир масалалар юзасидан икки мингдан зиёд кишини қабул қилганига эътиборни қаратди. Айрим сайлов округларида сайловга тайёргарлик бир ёқлама тарзда ёритилган. Марказий сайлов комиссияси 168-Фурқат сайлов округида сайлов натижаларини шубҳа остига қўювчи қонунбузарлик бўлганини аниқлаган. Бу округдаги сайлов ҳақиқий эмас деб топилган.

Ушбу тарихий фактлар Ш.М.Мирзиёев ўша даврда ҳам қатъий ва адолатпарвар, принципиал ва ўз ишига ўта талабчан шахс бўлганини яққол тасдиқлайди.

Мандат комиссияси Олий Советнинг 463 нафар депутати ваколатини тўғри деб топди. Ўзбекистон Олий Совети Мандат комиссиясининг раиси депутат Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, **келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон халқ**

депутатлари таркиби давлат ҳокимияти янги олий органларининг самарали ишлаши учун имкон беради⁷.

Сессия Олий Советнинг сайланган депутатлари ваколатини тўғри деб топиш ҳақидаги қарорни тасдиқлади. Шундан сўнг халқ вакиллари Кенгаши биринчи сессияси Президиумининг 17 кишидан иборат ҳайъати тузилди. Ҳайъатга сайланган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И.А.Каримов сессия мажлисига раислик қилди.

Ўн иккинчи чақириқ Олий Советнинг биринчи сессиясида Ўзбекистоннинг янги Конституцияси лойиҳасини тайёрлаш учун комиссия тузиш, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг собиқ биринчи секретари **Шароф Рашидов** давридаги республика партия ташкилотининг фаолиятига берилган сиёсий баҳони қайта кўриб чиқиш ва тегишли махсус комиссия ташкил этиш ҳамда **Ўзбекистон ССР Президентини сайлаш** каби кўплаб муҳим масалалар муҳокама қилинди ва тасдиқланди⁸.

Ўзбекистон Олий Советининг 1990 йил 20 июндаги қарори билан Биринчи Президентимиз И.А.Каримов раислигида давлат арбоблари, депутатлар, мутахассислардан иборат 64 нафар аъзони ўзида жамлаган Конституциявий комиссия тузилди. **Ўзбекистон Олий Совети Мандат комиссияси раиси Ш.М.Мирзиёев ҳам Конституциявий комиссия таркибидан ўрин олди**⁹.

Олий Кенгашнинг 1992 йил 2-3 июль кунлари бўлиб ўтган ўнинчи сессиясида Конституциявий комиссия таркибига қисман ўзгартишлар киритилди. Яъни, республика ҳудудидан чиқиб кетган, Комиссия ишида фаол қатнашмаган аъзолар, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари раҳбарлари Конституциявий комиссия таркибидан чиқарилди.

Шу тариқа Олий Кенгашнинг 1992 йил 2 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг янги Конституцияси лойиҳаси ҳамда Конституциявий комиссия таркибига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори билан Конституциявий

комиссиянинг 71 нафар аъзодан иборат янгиланган таркиби тасдиқланди.

Ш.М.Мирзиёев Тошкент шаҳридаги Мирзо Улугбек тумани ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Мандат комиссиясининг раиси сифатида Конституциявий комиссиянинг янги таркибига кирган¹⁰.

Конституция лойиҳаси Конституциявий комиссия томонидан икки йилдан ортиқ вақт мобайнида тайёрланди. Конституциявий комиссия тўла таркибда уч марта мажлис ўтказган. Ш.М.Мирзиёев Конституциявий комиссиянинг барча мажлисларида иштирок этган.

Биринчи мажлис И.А.Каримов раислигида 1991 йил 12 апрелда бўлиб ўтган. Унда Конституция лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича 32 кишидан иборат Конституциявий комиссиянинг Ишчи гуруҳи тузилган¹¹.

Ишчи гуруҳ аъзолари 6 та кичик гуруҳ ишига бошчилик қилган. Бу гуруҳлар аъзолари жами 50 кишидан ташкил топган. Хусусан, **Ш.М.Мирзиёев 6-кичик гуруҳ таркибиде фаолият олиб борган¹².**

Мазкур гуруҳ аъзолари Конституция лойиҳасининг сўнгги бўлимига тегишли якуний қоидаларни ишлаб чиқиш билан шуғулланган. Якуний қоидаларда, **биринчидан**, Конституцияни ўзгартириш тартибини, **иккинчидан**, Конституциянинг кучга киришига доир нормаларни, **учинчидан**, Ўзбекистон пойтахти ва давлат рамзларига тегишли моддаларни акс эттириш кўзда тутилган эди¹³.

Шу ўринда Ш.М.Мирзиёев аъзоси бўлган ишчи гуруҳ томонидан илгари сурилган конституцияшунослик соҳасидаги бир янги ташаббуснинг қандай рўёбга чиққани ҳақида қисқача тўхталмоқчиман. Гап шундаки, собиқ Иттифоқ даврида унинг таркибиде бўлган Ўзбекистон пойтахти ва давлат рамзларига тааллуқли моддалар 1978 йилги Конституциянинг охирги бўлимида берилган эди.

Ўшанда 6-кичик гуруҳ аъзолари давлат пойтахти ва давлат рамзлари мустақил давлатнинг муқаддас тимсоллари эканини ҳисобга олган ҳолда, уларга доир қоидаларни Асосий қонун лойиҳасининг Биринчи бобига ўтказиш мақсадга мувофиқ экани ҳақида амалий

таклиф киритди. Конституциявий комиссия томонидан маъқулланган ушбу ташаббус икки марта ўтказилган умумхалқ муҳокама-ларида кенг жамоатчилик тасдиғидан ҳам ўтди. Натижада бугунги кунда Конституция-мизнинг 5-моддасида давлат рамзлари — байроқ, герб ва мадҳияга доир норма, 6-моддасида эса мамлакатимиз пойтахти — Тошкент шаҳрига тегишли қоида мустақамлаб қўйилган.

Шундай қилиб, Президент Ш.М.Мирзиёев ўз даврида қонун чиқарувчи ҳокимият намояндаси, яъни қарийб 15 йил давомида парламент депутаты, Мандат комиссияси раиси, Конституциявий комиссия аъзоси, ишчи гуруҳ эксперти сифатида Асосий қонунимизни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнларида бевосита иштирок этган бўлса, ўз навбатида, кейинги чорак аср давомида ижро этувчи ҳокимият тизимининг қуйидан юқоригача бўлган барча поғоналарида — туман ва вилоят ҳокими, Бош вазир лавозимларида самарали фаолият юритиб, конституциявий нормаларни ҳаётимизнинг барча соҳаларига изчил татбиқ этишда муносиб ҳиссасини қўшди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Конституциямизнинг 89-моддасига асосан, **давлат бошлиғи сифатида давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлаб келмоқда.**

Маълумки, Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 7 февралдаги фармонида мувофиқ, **2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси** тасдиқланди¹⁴. Ушбу муҳим дастуруламал ҳужжатга, Фармон шарҳида таъкидланганидек, Президент Ш.М.Мирзиёев томонидан сайловолди жараёни, жамоатчилик, ишбилармон доиралар вакиллари, бевосита фуқаролар ҳамда давлат органлари билан учрашувлар чоғида билдирилган мамлакатни ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маданий-гуманитар ривожлантиришнинг концептуал масалалари киритилган¹⁵.

Ҳаракатлар стратегияси, ўз моҳият-эътиборига кўра, дунёда туб ўзгаришлар юз

бераётган ҳозирги замонда давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, суд-ҳуқуқ, иқтисодий, ижтимоий соҳалар ва хавфсизликни таъминлаш бўйича бешта устувор йўналишда аниқ муддатга мўлжалланган том маънодаги миллий стратегия ҳисобланади. У беш босқичда, яқин беш йилда йиллар номларидан келиб чиқиб, ҳар бир йил бўйича давлат дастурлари қабул қилинишини назарда тутган ҳолда амалга оширилади.

Ушбу ҳужжат 1992 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нормалари ҳамда 2010 йилда Биринчи Президентимиз И.А.Каримов тақдим этган **«Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»**¹⁶да белгилаб берилган устувор йўналишлар доирасидаги демократик янгиланиш ҳамда модернизация жараёнларининг мантиқий ва қонуний, изчил ва узвий давомидир. Айни пайтда бу муҳим миллий стратегия давлат ва жамият-ни ривожлантиришнинг мутлақо янги босқичини бошлаб берди.

Президентимизнинг 2017 йил 20 июнда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма беш йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойиши**да таъкидланганидек, Конституциямизда белгилаб берилган қоида ва принциплар негизида мамлакатимизда самарали миллий қонунчилик тизими, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқаролик жамияти институтлари шаклланиб, ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида кенг кўламли ислоҳотлар амалга ошириляётгани, давлатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий салоҳияти юксалиб, халқимизнинг онгу тафаккури тобора ўсиб бораётгани айниқса аҳамиятлидир¹⁷.

Асосий қонунимизнинг чорак асрлик ёши кенг нишонланаётган шу кунларда Конституциямизнинг бошқа давлатлар конституцияларидан ажралиб турадиган қуйидаги ўзига хос жиҳатларини санаб ўтишни лозим топдик:

Биринчидан, 1992 йилги Конституциямиз ўзининг туб моҳияти ва фалсафаси, мақсад ва ғояларига кўра янги ҳужжатдир. Республикаимизнинг олдинги Асосий қонунлари биз собиқ Иттифоқ таркибида қоғоздагина мустақил бўлган давлатнинг конституциялари эди. Ушбу Қомусимиз эса биринчи моддасидан то охириги моддасигача мустақиллик ғояси билан суғорилган.

Иккинчидан, Конституциямиз ўзининг ички тузилиши ва янги конституциявий институтлари билан ажралиб туради. Бунда 1991 йилда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида»ги конституциявий қонун муҳим мезон бўлиб хизмат қилди.

Учинчидан, Асосий қонун, бошқа конституциялардан фарқли равишда, ўта мафкуралаштириш ва сиёсатлаштириш руҳи билан суғорилмаган. Унда коммунистик мафкура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ. Умумбашарий инсоний қадриятлар биз қураётган демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятининг асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Тўртинчидан, Конституциямиз жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган халқаро ҳуқуқ талаб ва қоидаларига жавоб берадиган тарзда тайёрланган. Чунки Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида ўзининг Конституциясида шундай талаб ва қоидаларни тан олган ва мустаҳкамлаган.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверенлиги, тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч сиёсий воситалар билан ҳал этиш, ички ишларга аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган бошқа қоида ва нормаларига амал қилиш заминига қурилган.

Бешинчидан, Конституциямиз жаҳон конституциявий тажрибасига кенг таяниши ва ижобий томонлардан атрофлича фойдаланганлиги билан ҳам ажралиб туради. Конституциямиз энг тараққий этган мамлакатлар, хусусан, АҚШ, Туркия, Франция, Германия, Швеция, Италия каби Фарб давлатлари,

руҳияти ва этник жиҳатлари бўйича бизга яқин бўлган Япония, Миср, Ҳиндистон ва бошқа Шарқ давлатларининг бой тажрибасидан энг демократик жиҳатларини, инсонпарварлик ғояларини тараннум этувчи халқаро ҳужжатларнинг талабларини ўзида жамлаган.

Ва ниҳоят, олтинчидан, Конституция-мизни мустақил давлатимиз равнақининг ҳуқуқий кафолати даражасига кўтарувчи энг муҳим белги шуки, унда жаҳоннинг илғор конституциявий тажрибаси миллий-маънавий ва ҳуқуқ қадриятларимизга, ўзбек халқининг бой тарихига уйғун ҳолда қўлланилган.

Хулоса қилиб айтганда, Биринчи Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида ва Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг бевосита фаол иштирокида мустақил давлатимизнинг мустақил Конституциясини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ҳамда ривожлантириш йўлидаги эзгу ишларни энг муҳим тарихий воқеалар сифатида қанча шарафласак, шунча муносибдир. Зотан, Конституцияни яратиш тарихи мустақиллик учун, конституциявий суверенитет учун курашнинг таркибий қисми ҳисобланади.

¹ *Мирзиёев Ш.М.* Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш — юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. — Т., 2017. — 48 б.

² Ўша жойда.

³ Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Олий Совети I сессиясининг стенографик ҳисоботи // Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Фонд Р-2454, 6-рўйхат, 7095-иш, 19-варақ.

⁴ ЎЗР МДА. Ф. Р-2454, 6-рўйхат, 7095-иш, 21–25-варақлар.

⁵ ЎЗР МДА. Ф. Р-2454, 6-рўйхат, 7086-иш, 4–6-варақлар.

⁶ ЎЗР МДА. Ф. Р-2454, 6-рўйхат, 7095-иш, 22–25-варақлар.

⁷ Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Олий Совети I сессиясининг стенографик ҳисоботи. Ўзбекистон Олий Совети Мандат комиссиясининг раиси депутат Ш.М.Мирзиёев доклади // ЎЗР МДА. Ф. Р-2454, 6-рўйхат, 7095-иш, 22–25-варақлар.

⁸ Ўша манба. 18–38-варақлар. Яна қаранг: *Саидов А.Х.* Эзуликнинг «Қудратли тўлқини»: ўз ҳаётини халқ хизматига бағишлаган инсонлар хотираси абадийдир // Даракчи. — 2017. — 11 май.

⁹ Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг 1990 йил 18–20 июнь кунлари бўлиб ўтган II сессияси материаллари // ЎЗР МДА. Ф. Р-2454, 6-рўйхат, 7091-иш, 62–67-варақлар.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 2 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг янги Конституцияси лойиҳаси ҳамда Конституциявий комиссия таркибига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори // Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 2–3 июль кунлари бўлиб ўтган X сессияси материаллари. ЎЗР МДА. Ф. М-69, 1-рўйхат, 3-иш, 61–66-варақлар.

¹¹ Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 8 декабрда бўлиб ўтган XI сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясига доир материаллари (изоҳлар, таклифлар, ёзишмалар) // ЎЗР МДА. Ф. М-69, 1-рўйхат, 149-иш, 132–134-варақлар.

¹² Ўша манба. 102–103-варақлар.

¹³ Ўша манба. 135–136-варақлар.

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони // Халқ сўзи. — 2017. — 8 февр.

¹⁵ Ўша жойда.

¹⁶ *Каримов И.А.* Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., 2010.

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма беш йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойиши // Халқ сўзи. — 2017. — 21 июнь.

А. Б. Гафуров,

*Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди
раисининг ўринбосари, юридик фанлар номзоди*

ЎЗБЕКИСТОНДА КОНСТИТУЦИЯВИЙ НАЗОРАТ ИНСТИТУТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Аннотация. Мақолада мамлакатда конституциявий тартиб кафолатларидан бири сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тараққиётининг асосий босқичлари таҳлил қилинган.

Таянч тушунчалар: конституциявий назорат, Конституциявий суд, ҳокимият.

Развитие института конституционного надзора в Узбекистане

Аннотация. В статье проанализированы основные этапы развития Конституционного суда Республики Узбекистан как одного из гарантов стабильности конституционного порядка в стране.

Ключевые слова: конституционный надзор, Конституционный суд, власть.

Development of Constitutional supervision institute in Uzbekistan

Annotation. The article analyses basic stages of development of constitutional court of the Republic of Uzbekistan as one of the guarantee of stability of constitutional order in the country.

Key words: constitutional supervision, constitutional court, authority.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганидан кейин ўтган чорак аср мобайнида ўзининг ҳаётлигини исботлаб келмоқда, мамлакатни ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларига мутаносиб равишда ривожланиб бормоқда. Чунончи, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддалари (80, 93, 108 ва 109-моддалари)га ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қонун қабул қилиниб, унга мувофиқ суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш вазибаларини амалга оширишга қаратилган янгиликлар киритилди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ҳужжатларининг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича доимий фаолият кўрсатувчи суд ҳокимияти органидир. Унинг вазибаси қонунлар ва Олий Мажлис палаталари қарорларининг, Президент фармон-

лари, қарорлари ва фармойишларининг, ҳукумат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг Конституцияга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслигини аниқлашдан иборатдир.

Асосий қонунимизнинг 25 йиллиги нишонланаётган дамда айнан Конституцияни муҳофаза қилиш, унинг устуворлигини таъминлаш фаолиятининг асосий йўналиши бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ривожланиши йўлига бир назар ташлаш фойдадан холи бўлмайди.

Ўзбекистонда конституциявий назорат институтининг ривожланиши босқичини шартли равишда тўрт босқичга бўлиш мумкин.

Биринчи босқич Ўзбекистонда 1990 йил март ойида конституциявий назорат институти ташкил этилиши билан боғлиқ. 1990 йил 20 июнда «Ўзбекистон Республикасида конституцион назорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилиниб, Конституциявий назорат кўмитаси ташкил этилди. Ўшанда Ўзбекистон Олий Совети томонидан Конституцион назорат кўмитаси

раиси, раис ўринбосари ва Қорақалпоғистон Республикаси вакилини қўшиб ҳисоблаганда тўққиз аъзодан иборат таркибда сайланди.

Қўмитанинг вазифаси давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинган ҳужжатларнинг Конституцияга мослигини ўрганишдан иборат эди.

Иккинчи босқич 1993 йил 6 майда «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилиниши билан боғлиқ. Мазкур қонунга кўра Конституциявий суд таркиби саккиз кишидан иборат бўлиб, раис, раис ўринбосари, котиб ва 5 нафар судьядан ташкил топди.

1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилиниши билан Ўзбекистон Республикаси суд ҳокимияти тизимига кирувчи Конституциявий суд ташкил этиш кўзда тутилган. Дастлаб янги Конституциявий суд шакллантирилгунига қадар унинг вазифасини бажариб туриш Олий Кенгашнинг қарори билан Конституциявий назорат қўмитасига юклатилган эди.

Учинчи босқичда «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги (1995 йил 30 август) қонун қабул қилинди. Мазкур қонун билан Конституциявий суднинг таркиби етти кишидан иборат бўлиши белгилаб қўйилди. Шунингдек, Конституциявий суднинг ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, судьяларнинг мақоми ва бошқа жиҳатлари аниқ белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг биринчи таркиби 1995 йил 22 декабрда шакллантирилиб, фаолият юрита бошлади.

Тўртинчи босқич «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги (2017 йил 31 май) конституциявий қонуннинг қабул қилиниши ва Конституциявий суд таркибининг янгидан қайта шакллантирилиши билан боғлиқ.

2017 йил 1 июндан кучга кирган «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги конституциявий қонунда мазкур суднинг фаолиятини

такомиллаштиришга қаратилган бир қанча муҳим янгиликлар ўз аксини топди¹.

Конституциявий суд таркибини шакллантириш янада демократлаштирилди. Конституциявий суд судьялари Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимида биноан Олий Мажлис Сенати томонидан Судьялар олий кенгаши тавсия этган шахслар орасидан, Қорақалпоғистон Республикасининг вакилини қўшган ҳолда сайланадиган бўлди. Айти пайтда, Конституциявий суд раиси ва унинг ўринбосари Конституциявий суд мажлисида унинг судьялари орасидан сайланиши белгилаб қўйилди.

Конституциявий судга конституциявий қонунларнинг, халқаро шартномаларни ратификация қилиш тўғрисидаги қонунларнинг Конституцияга мувофиқлигини улар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзолангунга қадар ўрганиш билан боғлиқ қўшимча ваколатлар юклатилди.

Бу конституциявий қонунийлик бузилишининг олдини олишга қаратилган чора бўлиб, бундай амалиёт ривожланган давлатлар тажрибасидан ўтган.

Конституциявий судга кўриб чиқиш учун масалалар киритиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар доираси кенгайтирилди. Бундай субъектлар қаторига Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳам киритилди.

Олий суднинг муайян ишда қўлланилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисида судлар ташаббуси билан киритилган мурожаатларини ҳам кўриб чиқиши белгилаб қўйилди. Аввалги қонун бўйича Конституциявий судга фақат Олий суд раиси масала киритиши мумкин эди.

Конституциявий қонундаги яна бир муҳим янгилик — бу Конституциявий судга ҳар йили Олий Мажлис палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Президентига мамлакатдаги конституциявий қонунийликнинг ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этиш вазифаси юклатилгани бўлди. Чунончи,

Конституциявий қонунийликнинг аҳволи тўғрисида ахборот бериш миллий қонунчилигимизда янгилик ҳисобланади. Айни пайтда, қатор хорижий мамлакатларда давлат раҳбари ва парламентга конституциявий қонунийликнинг аҳволи тўғрисида ахборот бериш конституциявий суднинг вазифалари сирасига киради. Бу моҳиятан қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини, умуман олганда, мамлакат ҳуқуқий тизими ривожланишининг аҳволини баҳолашдир.

Конституциявий қонунийлик, шубҳасиз, юртимизда Конституция ва қонунларнинг устуворлиги принципини амалга оширишнинг муҳим омили бўлиб, уни мамлакатимизни демократик ҳуқуқий давлат сифатида ривожлантириш шартларидан бири, десак бўлади.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида айни вақтда қонунларнинг тўлиқлиги, ҳаётийлиги ва тўғридан-тўғри амалга ошириш механизмларига эга экани ҳақида сўз юритиб, бу борада ҳали кўп иш қилишимиз кераклигини таъкидлаган эди.

Дарҳақиқат, қонунларнинг тўғридан-тўғри амалга оширилишини таъминлаш давлатнинг муҳим вазифаларидан биридир. Мазкур муаммонинг ечими мамлакатимизда конституциявий қонунийликни таъминлаш билан чамбарчас боғлиқ. Шунини эътиборга олиш лозимки, Конституциянинг устунлиги принципи, унинг тўғридан-тўғри, бевосита амал қилиши ўз-ўзидан рўй бермайди, албатта. Конституциявий қонунийлик мансабдор шахслар Конституция талаблари-

ни бажаришини, унинг қоидалари бузилишининг олдини олишни, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва айбдорларни жавобгарликка тортишни тақозо қилади.

Бундан ташқари, конституциявий қонунийлик Конституция нормаларининг устунлигини, уларнинг мамлакат ҳудудида тўғридан-тўғри амал қилишини, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг устуворлигини эътироф этиш билан бир қаторда, Конституция нормаларининг умум эътироф этган халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормаларига мувофиқлигини кўзда тутди.

Бу борада Конституциявий суд қарорлари ижросининг давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан тўлиқ таъминланиши ҳам мамлакатда конституциявий қонунийликка риоя қилиш натижаси ҳисобланади. Конституциявий суднинг қарорлари тўғридан-тўғри ижро қилиниши барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек корхона, муассаса, ташкилот ва жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

Мухтасар қилиб айтганда, Конституциявий суд Ўзбекистон Республикасида қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мослигини таъминлаш, бу борадаги ҳуқуқий бўшлиқни бартараф этиш ва пировард натижада юртимизда конституциявий қонунлиқликни мустақамлашга хизмат қилади. Мамлакатимизда конституциявий қонунийликни таъминлаш ва қонун устуворлигини қарор топтириш Ҳаракатлар стратегияси доирасида жадал амалга оширилаётган ислохотларнинг самардорлиги, юртимизни барқарор ривожланиши йўлида олға ташланган муҳим қадамдир.

¹ Изоҳ: Конституциявий суднинг мақомидан келиб чиқиб Конституциявий суд тўғрисидаги қонун конституциявий қонун сифатида қабул қилинди. Аввалги қонун бундай мақомга эга эмас эди.

Р. Д. Фармонов,

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси профессори, тарих фанлари доктори

ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ ВА ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ

Аннотация. Мақолада дунёнинг ривожланган давлатлари сиёсий ва конституциявий тизимларининг шаклланиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясини яратиш тарихи қиёсий таҳлил қилинган.

Таянч тушунчалар: давлат, сиёсий тизим, конституция.

Конституция Узбекистана и мировой опыт

Аннотация. В статье проведен сравнительный анализ истории формирования политических и конституционных систем развитых государств мира и создания Конституции Республики Узбекистан.

Ключевые слова: государство, политическая система, конституция.

Constitution of Uzbekistan and world experience

Annotation. The article deal with comparative analyses of history of formation of political and constitutional system of developed states of the world and creation of the Constitution of the Republic of Uzbekistan.

Key words: state, political system, constitution.

«Конституция» сўзи латинчадан келиб чиққан бўлиб, тузук, тузилма, ўрнатилган, шаклу шамойил, ташкиллаштириш, бунёд этиш, барпо этиш, қурилма, ишлаб чиқиш, асос солиш ва бошқа маъноларни англатади.

Шундай экан, ҳар бир давлатнинг конституцияси унинг асосий қонуни бўлибгина қолмай, балки унинг тузилиши, шаклу шамойили, ички ва ташқи сиёсати, жаҳон ҳамжамиятида туган ўрни каби жиҳатларини ҳам белгилайди. Ўзбекистон Конституциясини ишлаб чиқишда жаҳон тажрибаси қўл келди. Юздан ортиқ Шарқ ва Ғарб давлатларининг конституциялари ўрганиб чиқилди.

Энг аввало, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси миллий қадриятлар, анъаналар, Авесто, Қуръони карим, Ҳадислар, Форобий, Амир Темур, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, жадидлар ғояларига асосланган.

Иккинчи манба сифатида, юқорида айтиб ўтганимиздек, XX асрнинг ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларининг конституциялари тажрибаларидан унумли фойдаланилди.

Маълум маънода, Ўзбекистонда давлатчиликни қайта барпо этиш Шимолий Америкада янги давлатчиликка асос солиш тарихий жараёнларига ўхшаб кетади. Шимолий

Америка 1770 йилларнинг биринчи ярмигача Буюк Британиянинг мустамлакаси бўлган. Озодлик учун кураш 1775 йилдан 1782 йилгача давом этган. Озодлик учун кураш давомида истиқлол, мустақиллик ғояси кенг аҳоли қатламларини қамраб олган. 1776 йил 4 июлда Бенжамин Франклин тузган Мустақиллик декларацияси кучга кирди. 1782–1783 йиллар давомида АҚШ узил-кесил ташкил топди, бир қанча Европа давлатлари АҚШ мустақиллигини эътироф этди. Конституция 1787 йилда ишлаб чиқилган бўлса, 1789 йилда президентлик сайлови бўлиб ўтди ва Шимолий Америка мустақиллиги учун жонбозлик кўрсатган полковник Жорж Вашингтон АҚШ президенти этиб сайланди. АҚШда президентлик республикаси шаклланди.

Ўзбекистонда президентлик институти 1990 йил 24 мартда таъсис этилди. 1990 йил 20 июнда Мустақиллик декларацияси қабул қилинди ва шу даврдан бошлаб мамлакат конституциясини ишлаб чиқишга киришилди. Уни тайёрлаш ва қўпчилик аҳоли ҳукмига ҳавола этиш жараёни 2,5 йилга яқин давом этди.

Шундай қилиб, президентлик маҳкамаси замонавий кўринишда илк бор АҚШда таъсис этилди.

АҚШ Мустақиллик декларацияси 1776 йилда қабул қилинган бўлса, Францияда Инсон ва фуқаролар ҳуқуқлари декларацияси Буюк француз инқилобининг биринчи йили, аниқроғи, 1789 йил 26 августда қабул қилинди. Бу тарихий ҳужжат кейинчалик Франция ва умуман, Европада қабул қилинган конституцияларнинг асосини ташкил қилди.

религиозной толерантности. Благодаря этому у нас царит мир и межнациональное согласие. Так, ни одна статья Конституции не ущемляет права человека в зависимости от пола, национальности, расы, возраста, имущественного положения, религиозных убеждений и т.д. Сегодня в Узбекистане единой семьей живут представители более 130 наций и народностей, которые самоотверженно трудятся во всех сферах и отраслях и вносят достойный вклад в строительство правового демократического государства с развитой рыночной экономикой и сильным гражданским обществом².

В нашей стране обеспечены все возможности для сохранения и всестороннего развития народами своей этнокультуры, традиций и обычаев. В республике свободно осуществляют свою деятельность религиозные организации 16 конфессий. Им созданы все условия для полноценной духовной жизни, проведения национальных и религиозных праздников. К примеру, 94 процента населения Узбекистана — мусульмане, в основном сунниты, но есть и шииты, и примечательно, что между ними никогда не было конфликтов и противоречий³. Укрепление в нашем многонациональном и многоконфессиональном обществе атмосферы сотрудничества, взаимоуважения и солидарности входит в число главных направлений реализуемой нами в настоящее время Стратегии действий по дальнейшему развитию Узбекистана.

Большое значение придается религиозному образованию и просвещению молодежи. Функционируют Ташкентский исламский университет и институт, 9 медресе, православная и протестантская семинарии. Создаются Международный научно-исследовательский центр Имама Бухари в Самарканде и Центр исламской цивилизации в Ташкенте. В государственных образовательных учреждениях обучение ведется на 7 языках, на 12 языках транслирует свои передачи Национальная телерадиокомпания, более чем на 10 языках издаются газеты и журналы. Ведущую роль в

развитии этнического своеобразия и дальнейшей гармонизации межнациональных отношений в стране играют 137 национальных культурных центров.

Все это говорит о том, что на основе Конституции в нашей стране сформирована уникальная система неправительственных организаций в области межнациональных отношений. Их многогранная деятельность способствует обеспечению спокойной и благополучной жизни в республике, решению важных культурно-просветительских задач, а также развитию сотрудничества с зарубежными государствами. В Ташкенте созданы Дом и Парк дружбы. При Кабинете Министров Республики Узбекистан образован Комитет по межнациональным отношениям и дружественным связям с зарубежными странами. Это важно и актуально именно сейчас, когда в разных регионах мира усиливаются напряжение и радикализация, все с большей силой проявляют себя религиозный экстремизм и терроризм. Вполне закономерно, что на 72-й сессии Генеральной Ассамблеи ООН Узбекистан стал инициатором принятия специальной резолюции «Просвещение и религиозная толерантность». Ведь любая религия учит, что именно просвещение является ключом к терпимости, благим деяниям и процветанию.

Еще один важный аспект – Конституция – это гарантия всеобщего образования. Сегодня, когда наша страна находится на новом этапе реформ, в соответствии со Стратегией действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах во всех сферах осуществляются широкомасштабные преобразования. Разумеется, успех этих реформ, обретение нами достойного места среди современных развитых государств мира, прежде всего, связаны с развитием в стране сфер науки, образования и воспитания, нашей конкурентоспособностью в данных областях. Только за последний год было принято 74 указа, постановления и распоряжения Президента Республики Узбекистан и

Кабинета Министров, непосредственно касающихся развития сферы образования и воспитания. Проводятся кардинальные реформы в системе образования. Это, в частности, переход на 11-летнее общее среднее образование, оптимизация системы академических лицеев и профессиональных колледжей, организация 5 новых высших учебных заведений и филиалов вузов, вечерних и заочных отделений по 12 направлениям обучения в 16 университетах и институтах, расширение сети дошкольных образовательных учреждений и оказания негосударственных образовательных услуг, а также совершенствование системы подготовки педагогических кадров, переподготовки и повышения квалификации работников образования.

Не осталась в стороне от реформ и Академия МВД. На основе Постановления Президента Республики Узбекистан «О мерах по коренному совершенствованию системы подготовки, переподготовки и повышения квалификации сотрудников ОВД» от 16 августа 2017 г. организована новая по качеству система подготовки, переподготовки и повышения квалификации сотрудников ОВД, которая дает возможность для повышения потенциала кадров.

Одним словом, Узбекистан в решении важнейших проблем современности не ограничивается только борьбой с последствиями глобальных угроз (терроризма и экстремизма), а выступает за искоренение первопричин этих угроз на основе образования и воспитания молодежи, формирования ее мировоззрения на основе современных знаний, духовности и просвещения, воспитания молодежи в духе высоких идеалов гуманизма. Эта позиция Узбекистана была неоднократно озвучена на авторитетных международных саммитах, в том числе на 72-й сессии Генеральной Ассамблеи Организации Объединенных Наций, а выдвинутая инициатива «Просвещение против невежества и насилия» вызвала большой интерес и широкую поддержку в мировом сообществе⁴.

Таким образом, за годы независимости в Узбекистане произошли большие изменения, постепенно нормы Конституции воплощаются в нашей жизни. Конституция, способствуя творческой активности граждан, вместе с тем подчеркивает, что успешное развитие общества, демократии, прав и свобод может происходить только в рамках строгого соблюдения законности.

Сегодня на новом этапе развития правительство нашей страны системно и последовательно проводит большую работу по проведению в жизнь политико-правовой культуры. Актуальное значение приобретают регулярное ознакомление нашего народа с новыми законодательными актами, обеспечение их исполнения, повышение правовой культуры населения, особенно молодежи.

Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по коренному совершенствованию системы распространения актов законодательства» от 8 февраля 2017 г. предусматривает установление единого порядка распространения нормативно-правовых актов, определение принципиально новых подходов в данной сфере, закрепление механизмов организации исполнения вновь принимаемых законов и разъяснения среди населения их сути и значения. Отныне государственные органы, ответственные за организацию исполнения, доведения до исполнителей и разъяснение среди населения их сути и значения, будут указываться в текстах проектов законов, вносимых в Законодатель-

ную палату Олий Мажлиса Республики Узбекистан. Данный механизм способствует обеспечению эффективного и своевременного исполнения вновь принимаемых законов.

Таким образом, в нашей стране есть четкое понимание того, что процесс демократических преобразований в сфере государственного строительства не является одномоментным, он постоянно углубляется по мере развития общественно-политической, социально-экономической ситуации в стране, по мере повышения политико-правовой культуры, роста общественно-политической активности населения. За годы действия Конституции создан целостный правовой механизм реализации Основного Закона — приняты кодексы, законы, ратифицированы международные договоры, которые закрепляют и реализуют основополагающие принципы демократического развития. И вместе с тем, Конституция — это творческий документ, который постоянно совершенствуется во благо развития общества и государства.

Каждый человек, живущий в нашей стране, должен осознать, что все, что делается и предусмотрено сделать — все это осуществляется для него, его семьи, его детей, для процветания его страны. Для этого нам всем необходимо продолжить работу над собой, в первую очередь над повышением правовой культуры и правосознания, политической активности и гражданской ответственности.

¹ *Мирзиёев Ш.М.* Доклад на торжественном собрании, посвященном 24-й годовщине принятия Конституции Республики Узбекистан. — Ташкент, 2016.

² См.: *Мирзиёев Ш.М.* Выступление на встрече, посвященной 25-летию образования Республиканского интернационального культурного центра. — Ташкент, 2017.

³ См.: *Мирзиёев Ш.М.* Приветствие участникам международной конференции «Исламская солидарность на примере Узбекистана и Азербайджана». 18 окт. 2017 г. — Ташкент, 2017.

⁴ *Мирзиёев Ш.М.* Поздравление учителям и наставникам Узбекистана // Народное слово. — 2017. — 28 сент.

Т. А. Мадумаров,

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати
Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯСИ – ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ АМАЛГА ОШИРИЛИШИНING ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишнинг ҳуқуқий кафолати бўлган қоидалари таҳлил қилинади.

Таянч тушунчалар: конституция, Ҳаракатлар стратегияси, ҳуқуқий кафолат.

Конституция Республики Узбекистан – правовая гарантия реализации Стратегии действий

Аннотация. В статье анализируются нормы Конституции Республики Узбекистан, являющиеся правовой гарантией реализации Стратегии действий.

Ключевые слова: конституция, Стратегия действий, правовая гарантия.

Constitution of the Republic of Uzbekistan is a legal safeguard of Strategy actions

Annotation. The article analyses the norms of the Constitution of the Republic of Uzbekistan presenting legal safeguard of realization of Strategy actions

Key words: constitution, Strategy actions, legal safeguard.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг туб мақсади инсонга муносиб турмуш шароитини яратиш ҳамда жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларини демократлаштиришдан иборат.

Шу маънода мамлакатимизнинг мустақил тараққиёт йўлида давлатимиз Конституцияси ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг том маънодаги ҳуқуқий пойдевори, инсон манфаатлари ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишнинг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Конституция асосида бутунлай янги демократик бошқарув тизими яратилди, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи экани, давлат ҳокимиятининг тизими, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципи белгиланди. Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти ҳам демократик талаблар асосида қайта ташкил

этилди, уларнинг фаолиятида қонун устуворлигини таъминлаш, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш асосий мезон сифатида белгиланди.

Хусусан, Президентимизнинг қатор фармон ва қарорларида, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга олиб чиқувчи вазифаларни амалга ошириш ва рўёбга чиқаришда ҳуқуқий ислоҳотлар муҳим ўрин тутди. Чунки мустақам ҳуқуқий-демократик давлат барпо этиш жараёнида ислоҳотлар, албатта, ҳуқуқий асосларга таянади. Шу боис мамлакатни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар билан ҳамоҳанг равишда ҳуқуқий базани шакллантириб бориш, ҳуқуқий ислоҳотларнинг амалий ислоҳотлардан ортда қолмаслигини таъминлаш улкан аҳамият касб этади.

Жамиятда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланиши давлат томонидан

олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятига, энг аввало, давлат раҳбарининг бу борадаги қарашлари ва дастурига монанд равишда намоён бўлади.

Юртимизда кечаётган кенг кўламли ислохотлар, тарихий ўзгаришлар, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда эришаётган ютуқларининг энг муҳим ҳуқуқий асоси Асосий қонунимиздир. Конституциядаги ҳар бир норма, жамиятимизда инсон манфатлари ҳар нарсадан устун эканлигининг ҳуқуқий кафолатидир. У мамлакатимизнинг демократик тараққиётини таъминлаш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий принципларини белгилаб берди. Конституция – халқнинг, миллатнинг юзи, обрў-эътибори ва нуфузи. Шу маънода Конституция ўзбек халқи иродаси, эрки, руҳияти, ижтимоий-сиёсий тафаккури ва маданиятининг маҳсулидир.

Ўзбекистон Президенти таъкидлаганидек, бугун ҳаётимизнинг ўзи Конституциямизда ифодасини топган энг асосий мақсад – инсон манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш масаласини долзарб вазифа қилиб қўймоқда. Шу боис, аввало, «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак», деган ҳаётий қоида жамиятимизда бош шиорга айланиб улгурди.

Конституциямизнинг 19-моддасида Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан ҳуқуқ ва бурчлари билан ўзаро боғлиқлиги, фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлиги, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, юртимизда шу қисқа давр ичида қабул қилинган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар айнан шу мақсадлар рўёбига хизмат қилади.

Бу борада Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган «халқ қабулхоналари» фуқаро ва давлатнинг ҳамкорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди.

Шуни ҳам қайд этиш ўринлики, ўтган йиллар давомида мамлакатимизда судни

давлат ҳокимиятининг алоҳида тармоғи сифатида ташкил этиш, уни ўтмишдаги жазолаш органидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилувчи ҳамда ишончли ҳимоя қилувчи давлатнинг чинакам мустақил институтига айлантириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2017 йил 21 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ҳамда Ҳаракатлар стратегияси асосида 2017 йил 6 апрель ва 31 май кунлари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига (80, 81, 83, 93, 107, 108, 109, 110, 111-моддаларига) ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қонунлар қабул қилинди. Натижада Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик судининг фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иши юритуви соҳасидаги суд ҳокимияти ягона олий орган – Ўзбекистон Республикаси Олий судига бирлаштирилди, Судьялар олий кенгашига конституциявий мақом берилди, маъмурий судлар ташкил этилди ҳамда Конституциявий суд ваколатлари сезиларли даражада кенгайтирилди.

Шунингдек, суд тизимида иқтисодий ва маъмурий судлар ташкил этишни назарда тутувчи ушбу конституциявий ўзгартишлар мамлакатимизда олиб борилаётган маъмурий, иқтисодий ва бозор соҳасидаги ислохотларни суд-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш самарадорлигини оширишнинг, хусусий мулк ҳуқуқини, тадбиркорлик фаолиятини судда ишончли ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланади. Жумладан, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низоларни, давлат органларининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги, қарорлари устидан фуқаролар, тадбиркорлик субъект-

ларининг берган мурожаатларини кўриб чиқишга ваколатли бўлган турли даражадаги маъмурий судларнинг тузилиши жисмоний ва юридик шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини, манфаатларини судда ҳимоя қилиш самарадорлигини тубдан оширишга хизмат қилмоқда.

Жорий йилда Сенатнинг ялпи мажлисларида маъқулланган қонунлар, қабул қилинган қарорлар 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда Президентимизнинг кейинги бир қатор фармон ва қарорларида белгилаб берилган вазифалар ижросига қаратилгани билан эътиборга моликдир. Хусусан, «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (80, 93, 108 ва 109-моддаларига) ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қонун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолиятини тартибга солувчи амалдаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришдан иборат.

Конституциянинг 94-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Конституцияга ва қонунларга асосланиб ҳамда уларни ижро этиш учун, республиканинг бутун ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган фармонлар, қарор ва фармойишлар қабул қилади.

«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 5-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор ва фармойишлари ҳам норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади. Шу муносабат билан Конституциянинг 109-моддаси 1-банди «фармонлари» деган сўздан кейин «қарорлари ва фармойишлари» деган сўзлар билан ҳам тўлдирилди.

Шунингдек, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қонуннинг ҳам асосий мақсади амалдаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришдан иборат. Мазкур Қонун битта конституциявий қонун, 33 та қонун ва 6 та кодексга ўзгартиш ва қўшим-

чалар киритилишини назарда тутувчи 43 та моддадан иборат бўлади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 21 апрелдаги «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонларига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги конституциявий қонунга, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг регламенти тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида»ги, «Парламент назорати тўғрисида»ги, «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги, «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунларга ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритилди. Ушбу ўзгартишлар ерлардан хўжасизларча фойдаланганлик ёки уларни яроқсиз ҳолга келтирганлик, ер ости бойликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш талабларини, сув захираларини муҳофаза қилиш қоидаларини, саноат, рўзгор чиқиндилари ва ўзга чиқиндиларни ташиш, жойлаштириш, утилизация қилиш, қўмиб ташлаш чоғида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузганлик, шу жумладан ушбу ҳуқуқбузарликларни такроран содир этганлик учун жавобгарликни кучайтиришга қаратилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги қонунини (янги таҳрири)

ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги «Дори воситаларини ва тиббиёт буюмларини сотиш, фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини ижро этиш мақсадида қонун билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритилди. Хусусан, «дори воситалари», «тиббиёт учун мўлжалланган буюмлар» каби тушунчаларга янги таърифлар берилди, «тиббий техника», «доривор ўсимлик хомашёси» каби янги тушунчалар киритилди.

Конституциямизнинг биргина иккинчи бўлимида белгиланган фуқаролик, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, сиёсий ҳуқуқлар, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатларини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган ишларни таҳлил қилишга, бир неча докторлик диссертациялари ва илмий ишланмалар ёзилиши талаб этилади.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш фуқаро ва давлат ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ташкил этувчи жараёндр.

КОНСТИТУЦИЯ – ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ КАФОЛАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма беш йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойишида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида 2017 йил 25 ноябрь куни «Конституция – инсон манфаатларини таъминлашнинг кафолати» мавзусида республика илмий-амалий конференцияси ўтказилди.

Тадбирда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутатлари, Сенат аъзолари, Конституциявий суд, Бош прокуратура, давлат ва жамоат ташкилотлари, етакчи олий таълим ва илмий тадқиқот муассасалари ҳамда Ички ишлар вазирлиги соҳавий хизматларининг вакиллари, ИИВ Академиясининг профессор-ўқитувчилари, курсант ва тингловчилари, шунингдек оммавий ахборот воситаларининг ходимлари иштирок этишди.

Анжуманда таъкидлаб ўтилганидек, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси давлатимиз мустақиллигининг чинакам ҳуқуқий замини бўлиб, мамлакатда тинчлик ва осойишталикни таъминлашга, халқимиз фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Тадбирда сўзга чиққанлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тарихи, бугунги ҳолати, жамиятимизда тинчлик ва барқарорликни сақлашда, иқтисодиётни ривожлантиришда, ёшларни камол топтиришда туган ўрни ҳамда бошқа бир қатор долзарб мавзуларда маърузалар қилдилар.

Конференция давомида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳамда Ички ишлар вазирлиги Академияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, маъно-мазмун ва моҳиятини ўрганиш, ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини тарбиялаш ҳамда юксалтириш, шунингдек Конституцияни билиш, унинг мазмун-моҳиятини тарғиб ва ташвиқ қилиш мақсадида тайёрланиб, нашр этилган адабиётлар тақдимоти ўтказилди.

Тадбирнинг бадиий қисмида вазирлик Академияси бадиий ҳаваскорлик тўғраги аъзолари томонидан тайёрланган ҳамда она Ватан ва истиқлолни тараннум этувчи шеърлар ўқилди, куй-кўшиқлар ижро этилди.

Конференция якунида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг яратилиш тарихини ўрганиш, қоидаларини жамият ҳаётига татбиқ этиш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш, ички ишлар органлари билан фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

*Н. П. Азизов,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
давлат-ҳуқуқий фанлар кафедраси бошлиғи,
юримдик фанлар номзоди, доцент;
З. Р. Умаров,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
педагог кадрлар тайёрлаш курси бошлиғи,
иқтисод фанлари номзоди, доцент*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ ЭВОЛЮЦИЯСИ: 25 ЙИЛ ЭЛ ХИЗМАТИДА

Аннотация. Мақолада жамият тадрижий ривожининг, давлат ҳокимияти ва бошқарувининг, шунингдек фуқаролик жамияти институти тараққиётининг натижасида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига киритилган асосий ўзгариш ва қўшимчалар таҳлил қилинади.

Таянч тушунчалар: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ўзгариш ва қўшимчалар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви, демократлаштириш.

Эволюция Конституции Республики Узбекистан: 25 лет на службе народа

Аннотация. В статье анализируются основные изменения и дополнения, введенные в Конституцию Республики Узбекистан в результате эволюционного развития общества, демократизации государственной власти и управления, а также развития институтов гражданского общества.

Ключевые слова: Конституция Республики Узбекистан, изменения и дополнения, государственная власть и управление, демократизация.

Evolution of the Constitution of the Republic of Uzbekistan: 25 years on people service

Annotation. The article analyses the fundamental changes and additions introduced into the Constitution of the Republic of Uzbekistan as a result of evolutionary community development, democratization of state authority and development of institutions of civil society.

Key words: Constitution of the Republic of Uzbekistan, changes and additions, state authority and management, democratization.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ҳуқуқий рамзи, халқ хоҳиш-иродасининг олий ифодаси бўлмиш Конституциямиз қабул қилинганига йигирма беш йил тўлди. Эркин тараққиётимизнинг ўтган бутун даври мобайнида Асосий қонунимиз янги демократик ҳуқуқий давлатчилик ҳамда фуқаролик жамияти қарор топишининг кафолати, ушбу улуғвор мақсад йўлида амалга оширилаётган туб ислохотларнинг, мамлакатни модернизация этишнинг мустаҳкам қонуний замини бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёев таъкидлаганидек, «мустақил тараққиёт йилларида Конституциямиз юртимизда ҳуқуқий демократик давлат,

кучли фуқаролик жамияти, эркин бозор муносабатлари ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодиётни қуриш, халқимиз учун тинч, обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда»¹.

Истиклолнинг 26 йиллик тараққиёти ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясига 25 йил тўлиши эришган ютуқларимизни сарҳисоб қилишга, жамият ҳаётидаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий, маънавий ўзгаришларни чуқур, ҳар томонлама таҳлил этиш ҳамда ҳолисона баҳолашга имкон беради.

Конституция қабул қилинганидан буён ўтган давр жамиятимиз ҳаётида кенг қўлам-ли ўзгаришларга олиб келди. Ўзбекистоннинг сиёсий тизими ва давлат бошқаруви тубдан ўзгарди. Буларнинг барчаси Конституциями-нинг жамият тараққиётига мос равишда илдам ривожланаётганлигини кўрсатади.

Асосий қонун қабул қилинган кундан буён унга 10 мартаба (1993, 2002, 2007, 2008, 2011, 2014 ва 2017 йилларда) жамият ҳаёти учун ўта муҳим бўлган ўзгаришлар киритилди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов давлат бошқаруви ва парламент ислоҳотида оид таклифни умумхалқ муҳокамаси ва овоз беришига қўйиш ғоясини илгари сурди. 2002 йил 27 январда ўтказилган референдум натижа-лари Ўзбекистон сиёсий тизимининг жадал ривожланишига туртки бўлди. Ўзбекистон халқи референдумга қўйилган масалаларни, таклифларни маъқуллаб, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятини ислоҳ қилиш борасидаги фаолиятни давом эттириш зарурлигини тасдиқлади.

2002 йил 4 апрелда қабул қилинган «Референдум яқунлари ва давлат ҳокимиятини ташкил қилишнинг асосий принциплари тўғрисида»ги конституциявий қонунда қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятини ташкил қилишнинг асосий принциплари қайд этилди. Қонуннинг асосий вазифалари кўрсатилган 1-моддада демократия ва бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш йўлини тасдиқлаган умумхалқ овоз бериши натижаларидан келиб чиқадиган асосий қоидалар ва амалдаги қонун ҳужжат-ларига киритиладиган ўзгаришлар белгиланди.

Ушбу қонун Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моддаларига, шунингдек амалдаги қонун ҳужжатларига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш учун асос ҳисобланади. Унга конституциявий қонун мақомининг берилиши референдум қарор-ларини амалга оширишга қаратилган ҳуқуқий асосни яратиш ҳамда тегишли қонун ҳужжатларини тайёрлаш ва қабул қилиш имконини очди. Янги қонун ҳужжат-

ларининг қабул қилиниши Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш заруратини юзага келтирди.

Икки палатали парламентга ўтилиши қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ўртасидаги ваколатларнинг қайта тақсимланишига, умуман олганда, давлат механизмининг муайян даражада ўзгари-шига олиб келди. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатаси тўғрисида»ги (2002 йил 12 декабрь), «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тўғрисида»ги (2002 йил 12 декабрь), «Ўзбекистон Республикасининг Конституция-сига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги (2002 йил 12 декабрь) қонунлар Асосий қонунга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди.

«Референдум яқунлари ва давлат ҳокимиятини ташкил қилишнинг асосий принциплари тўғрисида»ги (2002 йил 4 апрель) конституциявий қонуннинг 2-моддасида демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятининг асосларини шакллантиришга доир қонун ҳужжатларини такомиллаштиришнинг қуйидаги бешта асосий принциплари белгиланди:

1) қонун устуворлигини, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд тармоқ-лари ўртасидаги мувозанатни, улардан ҳар бирининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш;

2) халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган принциплари ва нормалари асосида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатларини таъминлаш;

3) сиёсий ҳаётнинг, давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳаларини изчил эркинлаштириш;

4) нодавлат нотижорат тузилмалар, жамоат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа демократик институт-лари янада мустақамланиши ҳамда ривож-ланиши учун кафолат ва шароитларни таъминлаш;

5) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ҳар томонлама мустақамлаш

ва давлат ҳокимияти марказий органларининг ваколатларини жойлардаги бошқарув органларига босқичма-босқич ўтказиш, ижро этувчи ҳокимият органлари, шу жумладан, мудофаа ва хавфсизликни таъминловчи тузилмалар фаолияти устидан жамоат назорати механизмини шакллантириш ва кучайтириш.

Мазкур принциплар Конституциянинг кейинги тараққиёти учун мустақкам пойдевор бўлиб хизмат қилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Конституциянинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳуқуқий мақомини белгиловчи XVIII–XX боблари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти асослари тўғрисидаги XXI боби янги таҳрирда баён этилди.

Унга кўра, Ўзбекистон парламенти – Олий Мажлис – Ўзбекистон Республикасининг доимий амал қилувчи олий вакиллик ва қонун чиқарувчи органи бўлиб, қонунчилик палатаси (қўйи) ва Сенати (юқори палата)дан иборат. Конституциявий қоидаларда, қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзоларининг мақоми, энг муҳим ваколатлари, ички тузилиши каби масалалар мустақкамланган.

Профессор Х. Т. Одилқориев таъкидлаганидек, «... мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида икки палатали парламентнинг қарор топганлиги, *биринчидан*, том маънода профессионал парламентга ўтиш; *иккинчидан*, давлатчилик қурилиши ва сиёсий воқелигимизда замонавий парламентаризм анъаналари (тартиблари)ни шакллантириш ва янада ривожлантириш; *учинчидан*, давлат ҳокимиятининг мустақил тармоғи сифатида қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг мавқеи ва ҳуқуқий мақомини изчиллик билан мустақкамлаш ва шу тариқа ҳокимиятлар тақсимланиши принципини амалга ошириш механизмларини янада такомиллаштириш имконини бериши шубҳасиз»².

Конституциямизнинг мамлакат Президентининг ҳуқуқий мақомини белгиловчи моддалари ҳам замон талабларига мос

равишда ривожланди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган таҳририда 89-модданинг мазмуни қуйидагича эди: «Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро ҳокимияти бошлиғидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти айна вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади». Ушбу қоида Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустақкамлаш, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида мамлакатда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий барқарорликни, фуқаролар тинчлиги ва фаровонлигини таъминлашда мустақкам замин бўлди.

Мамлакатимизда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида ислохотларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши, ҳокимиятлар тақсимланиши принципининг янада чуқурлаштирилиши ҳамда олий ҳокимият органлари тизимида рўй берган муҳим ўзгаришлар туфайли мазкур қоидага тегишли ўзгаришлар киритилди.

Жумладан, 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунга биноан Конституциянинг 89-моддаси қуйидагича баён этилди: «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир».

Мамлакатимиз Президенти томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда 2006 йил 8 ноябрда Олий Мажлис қонунчилик палатасига «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг родини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг *иккинчи қисмига*) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари киритилди. Унда, *биринчи навбатда* давлат бошқарувини демократлаштириш, қонун чиқарувчи, ижро этувчи

тамроқлари ўртасида ҳокимиятнинг тақсимланишига эришиш; *иккинчидан*, давлат ҳокимияти органлари фаолиятини ташкил этиш ва назорат қилишда, жамият ва иқтисодийнинг барқарор ривожланишини таъминлаш орқали халқ турмуш шароитининг яхшиланишида сиёсий партияларнинг масъулиятини янада ошириш кўзда тутилди.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисидаги» конституциявий қонуни билан Конституциянинг 89-моддасига қуйидаги тузатишлар киритилди: «Ўзбекистон Республикасининг Президенти **давлат бошлиғидир** (*таъкид муаллифники*) ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритиши ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди».

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида баён этилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да илгари сурилган гоялар Конституциянинг ривожланиши учун навбатдаги туртки бўлди. Олий Мажлис қонунчилик палатаси томонидан 2011 йил 4 мартда қабул қилинган ва Сенат томонидан 2011 йил 25 мартда маъқулланиб, 18 апрелда Президент томонидан имзоланган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига) ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига киритилган мазкур ўзгартиш ва қўшимчалар «демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, давлат ҳокимиятининг

учта субъекти: давлат бошлиғи – Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларни янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш, шунингдек социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларни амалга оширишда, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишда сиёсий партияларнинг роли ҳамда таъсирини кучайтириш мақсади»ни кўзлайди.

Қонунда Вазирлар Маҳкамасининг ташкил этилиши, фаолият кўрсатиш тартиби, ваколатлари белгилаб берилди. Мамлакат олий вакиллик қонунчилик органи билан ижро ҳокимияти ўртасидаги мувозанатни таъминлашга қаратилган ишончсизлик вотуми билдириш тўғрисидаги ўта муҳим қоида мустаҳкамлаб қўйилди. Унда ишончсизлик вотуми тўғрисидаги масалани киритиш, кўриб чиқиш тартиби, Бош вазирга ишончсизлик вотуми билдиришдан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар, ишончсизлик вотуми билдириш натижасида Бош вазирни лавозимдан озод этиш, янги Бош вазир номзодини кўрсатиш ва уни сайлаш тартиблари белгиланди.

«Ҳокимият ва бошқарув тизимини янада демократлаштириш, «кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» принципининг босқичма-босқич амалга оширилишини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг давлат ҳокимияти органлари тизимидаги ролини, ички ва ташқи сиёсатнинг стратегик вазифаларини амалга оширишдаги ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда ижро этувчи органлар фаолияти устидан қонун чиқарувчи олий органнинг, ҳокимият вакиллик органларининг назорат функцияларини кучайтириш, шунингдек ҳукуматнинг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини рўёбга чиқариш борасидаги масъулиятини ошириш мақсадида» 2014 йил 16 апрелдаги қонун билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига қўшимча ва ўзгартишлар киритилди.

Конституциянинг 32-моддаси Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан ҳам амалга оширилиши ҳақидаги норма билан тўлдирилди.

Конституциянинг 78-моддасига янги 21-банд киритилиб, унда Олий Мажлис қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргалликдаги ваколатлари сирасига *парламент назорати* институти киритилди. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мустақиллигини ва айни вақтда вакиллик органи олдидаги масъулиятини кучайтириш мақсадида Конституциянинг 103-моддаси вилоят, туман ва шаҳар ҳокимининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботлар тақдим этиш мажбуриятини белгилайдиган норма билан тўлдирилди.

Шунингдек, Конституцияга ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги қонун билан Бош вазир лавозимига номзод Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида унинг номзоди кўриб чиқиладиган ва тасдиқланаётган пайтда Вазирлар Маҳкамасининг яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастурини тақдим этишини назарда тутадиган янги қоидалар белгиланди (98-модда). ҳукуматнинг фаолият (ҳаракат) дастурини таҳлил қилиш кўплаб демократик давлатлар тажрибасидан ўрин олган конституциявий институт ҳисобланади.

Конституцияга Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг фаолиятини ташкил этишнинг конституциявий асосларини мустаҳкамлайдиган тузатишлар киритилди. Жумладан, 117-моддага киритилган ўзгартишларга мувофиқ, асосий принциплари мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик ва адолатликдан иборат бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширадиган бўлди.

Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан 2017 йил 7 февралда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармон ҳам конституциявий қоидаларни ҳаётга янада тўлиқ татбиқ этишга, инсон ва жамият фаровонлигини оширишга, юрт ободлигини юксалтиришга қаратилган. 2017-2021 йилларга мўлжалланган стратегиядан кўзланган мақсад — олиб бориладиган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамият ривожини янги босқичга кўтариш, ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш бўйича энг муҳим устувор йўналишларни амалга оширишдан иборатдир.

Жамият ҳаётининг шиддат билан ривожланиши, ўз навбатида, Конституция қоидаларининг мунтазам равишда такомиллаштириб борилишини тақозо этади. Шу муносабат билан 2017 йил 6 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун билан Ўзбекистон Республикасида суд тизимини такомиллаштириш ва унинг фаолияти самарадорлигини ошириш, судьялар корпусини янада мустаҳкамлаш ва суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш мақсадида Асосий қонуннинг 80, 81, 83, 93, 107, 109, 110 ва 111-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Конституцияга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга биноан Олий ҳужалик суди тугатилди, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий ва маъмурий судлари, туманлараро, туман, шаҳар иқтисодий судлари ва туман, шаҳар маъмурий судлари ташкил этилди.

Конституциянинг 111-моддаси янги таҳрирда баён этилди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши судьялар ҳамжамиятининг органи бўлиб, у Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятининг мустақиллиги конституциявий принципарио этилишини таъминлашга кўмаклашади.

Шу билан бирга, 2017 йил 31 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (80, 93, 108 ва 109-моддаларига) ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қонуни экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мустақиллигини мустаҳкамлаш мақсадида қабул қилинди.

Унда, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимида биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тавсия этган сиёсат ва ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислар орасидан, Қорақалпоғистон Республикасининг вакилини қўшган ҳолда сайланиши, Конституциявий суд ўз таркибидан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раисини ва унинг ўринбосарини сайлаши белгилаб қўйилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ваколат ва вазифалари аниқлаштирилди. Унга кўра,

Конституциявий суд Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан имзолангунига қадар конституциявий қонунларнинг, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини ратификация қилиш тўғрисидаги қонунларнинг Конституцияга мувофиқлигини аниқлайди; Ўзбекистон Республикаси Олий судининг муайян ишда қўлланилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисида судлар ташаббуси билан киритилган мурожаатларини кўриб чиқади; конституциявий судлов ишларини юритиш амалиётини умумлаштириш натижалари юзасидан ҳар йили Олий Мажлис палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Президентига мамлакатдаги конституциявий қонунийликнинг ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Конституциясининг тараққиёти жамият ҳаёти билан ҳамоҳанг ва ўзаро боғлиқдир. Конституция жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётидаги туб ўзгаришларни ўзида мужассам этиб, жамиятнинг илгариланма ҳаракатини таъминлайди.

¹ *Мирзиёев Ш. М.* қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш — юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // Халқ сўзи. — 2016. — 8 дек.

² *Одилқориев Х. Т., Тультеев И. Т.* Икки палатали парламент. — Т., 2005. — Б. 20.

А. Қ. Худойбердиев,
*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси давлат-
ҳуқуқий фанлар кафедраси доценти, юридик фанлар номзоди*

КОНСТИТУЦИЯ – МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИКНИНГ МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Аннотация. Мақолада Конституциянинг демократик ҳуқуқий давлатчилик, инсон ҳуқуқлари, фуқаролик жамияти негизларини белгиловчи қоидалари таҳлил этилган.

Таянч тушунчалар: Конституция, конституциявий нормалар, демократия, инсон ҳуқуқлари, ташқи сиёсат, фуқаролик жамияти.

Конституция – прочная правовая основа национальной государственности

Аннотация. В статье анализируются нормы Конституции, регулирующие основы демократической правовой государственности, права человека и гражданское общество.

Ключевые слова: Конституция, конституционные нормы, демократия, права человека, внешняя политика, гражданское общество.

Constitution is a firm legal basis of national statehood

Annotation. The article analyses norms of the Constitution regulating the foundations of democratic law ruled state, human rights and civil society.

Key words: Constitution, constitutional norms, democracy, human rights, foreign policy, civil society.

Бундан 25 йил илгари Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг саъй-ҳаракатлари билан «Инсон ва унинг қадр-қиммати» деган улуғ тушунча Асосий қонунимизда марказий ўринга қўйилган эди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон халқи манфаатларининг ҳуқуқий асоси ва ҳимоячиси бўлган суверен Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси халқимиз синовидан муваффақиятли ўтиб, халқаро ҳамжамиятининг юксак эътирофига сазовор бўлди. Бунга сабаб, Конституциямизнинг ҳар бир нормаси жамият ҳаётига тўлиқ жорий этилаётгани, унга халқимиз манфаатлари ва халқаро ҳуқуқ нормаларига мос равишда ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб бораётганидир.

Шак-шубҳасиз, Конституциямиз халқимизнинг бугуни ва келажакни белгилаб берувчи ҳаракат дастурига айланди. У жамиятимизни бирлаштириб, мамлакатда тинчлик ва осойишталикни таъминлашга ҳамда халқ фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

«Конституциямиз асосида мамлакатимизда миллий қонунчилик тизими, давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари шаклланди. Бугунги кунда барча жабҳаларда кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий салоҳиятимиз юксалиб, фуқароларимизнинг дунёқараши тобора ўсиб бормоқда. Буларнинг барчаси, энг аввало, Бош қомусимизнинг ҳаётбахш кучқудрати натижасидир»¹.

Конституция халқимизнинг олий иродасини ўзида мужассамлаб, жамиятнинг илдам ривожланишини белгилаб берди. Асосий қонунимиз давлатчилик, ҳуқуқ тизими ва қонунчилик борасида инсоният тўплаган энг илғор тажриба ва ғояларни ўзида мужассамлантирган, олий юридик кучга эга бўлган ҳужжат ҳисобланади. Демократия, инсон ҳуқуқлари, ҳокимиятларнинг тақсимланиши, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти тўғрисидаги эзгу қоидалар ундан муносиб ўрин эгаллаган. Ўзбек халқининг кўп

минг йиллик давлатчилик ва ҳуқуқий тараққиёти ютуқлари, унинг эрк, озодлик ва мустақиллик хусусидаги азалий орзумидлари ўз аксини топган.

Мустақил тараққиётимиз йиллари мобайнида давлат ҳокимияти ва давлат бошқарувини демократлаштириш айнан Конституция асосида, унда мустаҳкамланган ҳокимиятлар тақсимланиши ва бошқа конституциявий принципларни ҳаётга изчил татбиқ этиш, ҳокимият тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш, қонун чиқарувчи ва маҳаллий вакиллик органларининг ваколатлари ҳамда назорат функцияларининг таъсирчанлигини кучайтириш, судлов тизимини либераллаштириш ва судларнинг мустақиллигини таъминлаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Конституциямизнинг беқиёс қадрқиммати шундаки, у нафақат истиқлолимизнинг бош ҳуқуқий кафолати, балки юксалиш ва камолат сари одимлаб боришимизнинг дастуриламалидир. Конституция ўзининг ҳуқуқий (қонуний) тартибга солувчи таъсир кучи билан жамият ҳаётига уюшқоқлик, барқарорлик ва батартиблик хусусиятларини киритиб келмоқда. Аслида, ҳар бир конституциявий норманинг мазмуни ижтимоий эҳтиёж ва талабларни акс эттиргани боис, уларни самарали қўллаш — ижтимоий тараққиёт, ривожланиш ва юксалиш омили бўлади.

Мустақил давлат сифатида йигирма беш йиллик тараққиётимиз мобайнида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси самарали амал қилди. Шу асосда эришган ютуқларимизни сарҳисоб қилиш, жамият ҳаётидаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий, маънавий ўзгаришларни чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилиш ҳамда ҳолисона баҳолаш имконига эгамиз.

Конституция қабул қилинганидан буён ўтган чорак аср мобайнида жамият ҳаётида кенг кўламли ўзгаришлар юз берди, Ўзбекистоннинг сиёсий тизими ва давлат бошқаруви тубдан ўзгарди. Буларнинг барчаси жамиятимиз Конституция асосида илдам ривожланаётганлигини кўрсатади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Конституцияси олий даражадаги қонун сифатида давлатимизнинг қиёфасини, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий тузумини, бошқарувнинг демократик принципларини, жамият ривожланишининг стратегик йўналишларини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатларини, маънавий қадриятларимиз асосларини мустаҳкамлаб берди. «Конституция ўзининг туб моҳияти, фалсафа, ғоясига кўра тамомила янги ҳужжатдир, — деб баҳо берганди Биринчи Президент Ислом Каримов. — Унда жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи — **инсон** деган фикрни илгари сурдик ва шу асосда **«фуқаро — жамият — давлат»** ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечимини топишга интилдик»².

Конституциянинг энг муҳим хусусияти шундаки, унда инсонни улуғлаш, унинг эркин камол топиши учун реал шароитлар яратиш ўз аксини топган. Конституцияда инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадрқиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас саналиб, улар давлат томонидан кафолатланиши ва муҳофазаланиши белгиланган. Дарҳақиқат, Конституция Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун демократик маърифий давлат фуқаролари эга бўлиши лозим бўлган барча иқтисодий, сиёсий ҳамда ижтимоий-маданий ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатлаб берган. Ўтироф этиш лозимки, Асосий қонунимиз Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг барча муҳим қоида ва нормаларини ўз мазмунига тўла сингдирган.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «биз Конституциямизнинг аҳамияти ва моҳияти ҳақида гапирар эканмиз, аввало, бир ҳақиқатни ўтироф этишимиз лозим. Яъни мамлакатимизда ҳуқуқий давлат, демократик жамият барпо этиш, инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини энг олий ва устувор қадрият сифатида қарор топтириш борасида ўтган давр мобайнида қонунчилик соҳасида ва амалий сиёсатимизда қандай натижа ва ютуқ-

ларни қўлга киритган бўлсак, уларнинг барчаси Конституциямизда муҳрлаб қўйилган талаб ва тамойиллар билан узвий боғлиқдир»².

Мустақил тараққиётимизнинг бошидан то ҳозиргача юртимизда фуқаровий тинчлик, миллатлараро тотувлик, баҳамжиҳатлик ва барқарорлик ҳукм сураётгани кўп жиҳатдан Конституциянинг ҳаётимизга изчил татбиқ этилаётгани билан бевосита боғлиқдир. Биз қураётган жамият Ўзбекистон халқи учун муносиб фаровон турмушни, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари адолат мезонлари асосида кафолатланишини, миллий қадриятларимиз ва маданиятимиз қайта тикланишини, шахснинг маънавий-ахлоқий камолотини таъминлаб бериши тайин. Айнан шу нарса Конституция қонуний тарзда акс эттирган улуғ ижтимоий қадриятдир. Зотан, ҳар қандай ижтимоий неъмат ва қадриятнинг мезони унинг инсон манфаатлари ва эҳтиёжларига хизмат қилиш даражаси билан белгиланади. Бугун биз Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси инсон учун яратилди, у инсон манфаатлари учун хизмат қилмоқда, дейишга тўла ҳақлимиз.

Конституциянинг ҳар бир қоидасини жамиятда умумий барқарорликни таъминлаш ва мамлакат тараққиётини кафолатлаш нуқтаи назаридан талқин этиш мумкин. Барқарорлик ҳодисаси «конституциявий тузум» тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ. Бошқача айтганда, конституциявий тузум ўрнатилган давлат ва жамият барқарор ижтимоий тузумдир.

Ҳозирги кунда Конституция мамлакатда кенг қамровли иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий ислоҳотларни амалга оширишнинг, тамомила янги қонунчилик тизимини вужудга келтиришнинг замини сифатида гавдаланмоқда. Унда белгиланган мақсад ва вазифалар, гоё ва принциплар мамлакатимиздаги ҳуқуқий ислоҳотларнинг асосий устуворликлари ва стратегик йўналишларини белгилаб бермоқда.

Конституциянинг ҳар бир қоидасини жамиятда умумий барқарорликни таъминлаш ва мамлакат тараққиётини кафолатлаш

нуқтаи назаридан талқин этиш мумкин. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси том маънода халқчил ва ижтимоий йўналтирилгандир. Унинг аксарият нормалари жамият ва фуқаролар манфаатини ифодалаб, оила, аёллар, кексалар, болалар, умуман фуқароларни ижтимоий ҳимоялашга сафарбар этилган (Конституциянинг 39, 46, 63, 64, 65, 66-моддалари).

Ўзбекистон Республикасининг Президенти 2017 йил 7 февралда эълон қилган «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармон конституциявий қоидаларни ҳаётга янада тўлиқ татбиқ этишга қаратилган. 2017–2021 йилларга мўлжалланган стратегиядан кўзланган мақсад – олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ривожини янги босқичга кўтариш, ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш бўйича энг муҳим йўналишларни амалга оширишдир.

Ҳозирги кунда Ҳаракатлар стратегиясининг ижроси юзасидан давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини ривожлантиришга қаратилган 20 та қонун ва 700 дан ортиқ бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди³.

Хусусан, давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш соҳасида замонавий талаблар ҳамда устувор йўналишларни инобатга олган ҳолда 16 та вазирлик, идора ва бошқа ташкилотларнинг тузилмаси, вазифа ва функциялари қайта кўриб чиқилди, 20 та давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар қайта ташкил этилди⁴.

Суд-ҳуқуқ тизими тубдан қайта кўриб чиқилди. Суд ҳокимиятининг ягона олий органи – Ўзбекистон Республикаси Олий суди, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низоларни, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган маъмурий судлар ташкил этилди.

Ички ишлар органлари тизими ислоҳ қилиниб, уларнинг асосий фаолияти фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини таъминлашга, халқ манфаатларига хизмат қилишга йўналтирилди.

Миллатлараро тотувликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ташкил этилди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси давлатимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларданоқ мамлакатимиздаги демократик тараққиёт йўлини ёритувчи, янги ҳаёт ва адолатли жамият яратишнинг ишончли асоси бўлиб хизмат қилмоқда. У Ўзбекистон давлати суверенлиги ва эркин тараққиётининг ҳуқуқий тимсоли сифатида гавдаланмоқда. Ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг ўзи Конституциямизнинг улкан бунёдкорлик салоҳиятига эга эканлигини тасдиқлаб турибди.

¹ Конституция — эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. — 2017. — 8 дек.

² Икки палатали парламент: Монография / Проф. Х.Т.Одилқориевнинг умумий таҳрири остида. — Т., 2005. — Б. 124.

³ Конституция — эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. — 2017. — 8 дек.

⁴ Ўша жойда.

◆

И. Э. Хожаназаров,

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жиноят-процессуал ҳуқуқ кафедраси бошлигининг ўринбосари, юридик фанлар номзоди, доцент

КОНСТИТУЦИЯ – ҲУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ СТРАТЕГИК АСОСИ

Аннотация. Мақолада ҳуқуқий ривожланишнинг истиқболга мўлжалланган мақсадларини белгилаш, қонунчилик ислоҳоти концепциясини ишлаб чиқиш, қонунчилик ривожланишини илмий башорат қилиш (прогнозлаш), қонунчилик стратегиясини аниқлаш каби масалалар назарий-методологик жиҳатдан таҳлил этилади.

Таянч тушунчалар: конституция, конституциявий ислоҳот, ҳуқуқий ислоҳот, Ҳаракатлар стратегияси, ҳуқуқий сиёсат, қонунчилик сиёсати, қонунчилик стратегияси, қонунчилик техникаси.

Конституция – основа стратегии правовых реформ

Аннотация. В статье с научно-методической точки зрения анализируются такие вопросы, как определение перспективных целей правового развития, разработка концепции законодательных реформ, научное прогнозирование законодательного развития, установление законодательной стратегии.

Ключевые слова: конституция, конституционная реформа, правовая реформа, Стратегия действий, правовая политика, законодательная политика, стратегия законности, законодательная техника.

Constitution is the foundation of strategy of legal reforms

Annotation. The article analyses scientific and methodical issues as definition of perspective aims of legal development, elaboration of conceptions of legislative reforms, scientific forecasting of legislative development and establishment of legislative strategy.

Key words: constitution, constitutional reforms, judicial reform, Strategy of actions, policy of law, legislative policy, strategy of rule of law, legislative technics.

«Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да қайд этилганидек, мамлатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди¹.

Шу маънода Конституциямизда жамият ривожланишининг устувор йўналишлари, давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти ўзининг

қонуний ифодасини топган. У ҳуқуқий ислоҳотларнинг бош стратегияси, янги-ланишларнинг пойдевори вазифасини ўтаб келмоқда.

Академик Ш. З. Ўразаев таъкидлаганидек, конституциявий ислоҳотларнинг зарурлигига, Конституциямизнинг дунёга келишига икки асосий омил сабаб бўлди. Улардан *биринчиси* — жамиятнинг бозор муносабатлари томон тутган йўли, яъни Ўзбекистоннинг жаҳон тараққиётидаги умумий қонуниятлар ва йўналишларга мувофиқ равишда дунё ҳамжамиятига кириб бориши бўлди. Айни пайтда Ўзбекистон аввал-бошданоқ бозор иқтисодиётига бирдан-бир мақсад сифатида эмас, балки жамиятнинг жадал ривожини таъминловчи восита тарзида қаради. Республика ва халқнинг

бозор муносабатлари қонунларига таянган ҳолда, бутун имкониятларини ишга солиб, замонавий маданиятли-маърифатли мамлакатлар сафидан муносиб ўрин олиши кўзда тутилди. Конституция ва қонунларни қайта кўриб чиқмай туриб, бозор иқтисодига ўтиб бўлмасди. Иккинчидан, мажозий қилиб айтганда, Конституция бутун қонунчиликнинг умуртқа суяги бўлиб хизмат қилмоғи лозим эди. Давр хусусиятларини, тараққиётнинг янги шароитларини ҳисобга олган Конституция негиздагина бозор иқтисодиётидан келиб чиқувчи ижтимоий муносабатларга ўтишни амалга ошириб бўларди².

Шундай қилиб, Конституция демократик ҳуқуқий давлатни муваффақиятли бунёд этиш учун ҳуқуқий пойдевор яратди.

Мамлакатимизда мустақкам қонунчилик стратегиясини фаол йўлга қўйиш мақсадида амалдаги қонун ҳужжатларининг ижроси юзасидан мониторингни амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ташкил этилганлиги бу борада ташланган муҳим қадам бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакат ҳуқуқий тизими, шу жумладан қонунчилигининг пойдевори, халқ иродасининг қонуний ифодаси, фуқаролар фаолиятининг ҳуқуқий кафолати сифатида юксак қадрият саналади³.

Конституция лойиҳасини яратиш, уни муҳокама этиш чоғида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И. А. Каримов республика ўз тараққиёт йўлини Конституцияга асосан белгилаб олиши лозимлигини қайта-қайта таъкидлаб: «Давлатимизнинг келажаги, халқимизнинг тақдири кўп жиҳатдан Конституциямиз қандай бўлишига боғлиқ»⁴, — деган эди.

Миллий парламентимиз томонидан қабул қилинган ҳар бир қонун илмий жиҳатдан асосланган концепцияга, умумий ва махсус принциплар ҳамда қоида-талаблар асосида ихчам тизимга эга бўлиши катта аҳамиятга эга. Бу, биринчидан, ижтимоий муносабатларни тартибга солиш самарадорлигини оширишга хизмат қилса, иккинчи-

дан, қонун ҳужжатларининг қоида ва талабларини жисмоний ва юридик шахслар томонидан ўрганишни осонлаштиради. Умуман олганда, қонунчилик стратегияси ҳуқуқий ҳаёт ҳамда ҳуқуқий сиёсатнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, уни кенг қўламда ишлаб чиқиш мамлакатимиз олдида турган долзарб муаммолар қаторига киради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида қуйидаги жиҳатга эътибор қаратди: «Афсуски, ҳозирги кунда қонунларнинг ислоҳотлар самарасига таъсири етарли сезилмаяпти. Уларнинг ижтимоий муносабатларни бевосита тартибга солишдаги роли пастлигича қолмоқда»⁵.

Ушбу камчиликларни бартараф этишда пухта ўйланган, илмий асосланган қонунчилик стратегияси бўлиши муҳим.

Қонунчилик стратегияси мамлакат ҳуқуқ тизимининг алоҳида таркибий қисмлари ва қонунчилик соҳалари ҳамда институтларининг ҳозирги ва келгуси тараққиёти йўналишларини белгилаб, қонунларни тайёрлаш жараёнини режалаштириш ва амалга оширишнинг назарий ва амалий масалаларини ўз ичига олади. Бу давлат сиёсати билан узвий бўлиб, муҳим принциплар асосида давлат томонидан жамиятга қонунлар орқали раҳбарлик қилиш санъати, айти пайтда сиёсатни ҳуқуқий муносабатлар мазмунига сингдириш, қонунларни мунтазам равишда такомиллаштириб бориш воситаси ҳамдир.

Шу асосда, ҳуқуқий ҳаётни либераллаштиришда қонунчилик стратегиясининг қуйидаги элементларини алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин:

- ҳуқуқий ривожланишнинг истиқболга мўлжалланган мақсадларини белгилаш;
- мавжуд бошланғич вазиятни чуқур таҳлил қилиш;
- қонунчилик ислоҳоти ўтказиш концепциясини ишлаб чиқиш;
- белгиланган мақсадга айнан мос келувчи восита ва чора-тадбирларни танлаб олиш;
- қонунчилик ривожланишини илмий башорат қилиш (прогнозлаш).

Либераллаштириш натижаларини қонун ҳужжатлари мазмунига сингдиришда қонунчилик стратегияси муҳим ўрин тутишини назарда тутган ҳолда, буларга қўшимча сифатида тегишли нормаларни яратиш учун қонун ижод этувчи мутасаддиларнинг ҳуқуқий тафаккурини юксалтириш зарурлигини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Чунки, ҳуқуқий тафаккур даражаси фуқароларнинг янги қонунларни қабул қилиш, давлат органларининг қонунни қўллаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш фаолияти билан боғлиқ фикр ва кайфиятларини, уларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ҳамда иқтисодий ўзгаришларга муносабатини белгилайди.

Маълумки, ҳуқуқий тафаккур ва ҳуқуқий таълим муаммолари ўзаро чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун ҳам улар қонун ижод этиш фаолиятида бевосита амалий аҳамият касб этади. Ҳуқуқий фан қонун лойиҳаларини тайёрлашда, уларни муҳокама қилиш ҳамда ҳаётга татбиқ этишда ўз ўрни ва аҳамиятига эга. Ҳуқуқий таълим эса амалиёт учун ҳам, юридик фан учун ҳам малакали мутахассислар тайёрлашга хизмат қилади.

Шунингдек, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мақсадига эришиши асосан қонунчилик техникаси, қонун ижодкорлиги, қонунларни жамият ҳаётини эркинлаштиришнинг бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда башорат қилиш, қонунчилик стратегиясини аниқлаш, қабул қилинажак қонунларимизни либераллаштиришга ҳам боғлиқ. Бунинг учун қонунларимизнинг халқаро стандартларга мувофиқ бўлиши, хорижий мамлакатлар норма ижодкорлиги тажрибаларини мамлакатимиз миллий қонунчилик тизимига жорий қилиш, республикамызда юзага келаётган ижтимоий заруратдан келиб чиқиб, қонунларимизни доимо такомиллаштириб бориш, уларнинг амалий қўлланилиши, жамият талабларига қай даражада жавоб бериши ҳолатларини тафтиш қилиш, парламент фаолиятида юридик фан соҳасидаги илмий

тадқиқот натижаларини, ҳуқуқшунослик фани таклиф ва тавсияларини қўллаш, илмий-назарий таҳлиллар хулосаларини инобатга олиш зарур.

Қонунчиликни такомиллаштириш ҳуқуқий ҳаётни либераллаштиришнинг бош талаби экан, либераллаштириш мамлакатимиз ҳаётида мутлақо янги жараён бўлгани боис қонунчилик стратегияси, ҳуқуқий тафаккур ҳамда парламент чиқарган қонунлар асосида ривожланиши лозим. Бошқача айтганда, либераллаштиришни мукамал қонунчиликсиз тасаввур этиб бўлмайди. Либераллаштиришнинг тўлиқ яқун топган вазибалари қонун ҳужжатларида ўз аксини топса, уларни бажариш давлат ҳокимияти органлари, мансабдор шахслар, фуқаролар ва нодавлат жамоат тузилмалари учун мажбуриятга айланади. Натижада мамлакатимиз ҳудудида қонун устуворлиги таъминланади.

Ҳуқуқий ислоҳотлар жараёнида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳам давр талаблари асосида ислоҳ этилиб, такомиллаштирилиб бормоқда. Бу борада сўнгги йиллардаги ўзгаришларнинг ўзини эслаш кифоя. Жумладан, 2014 йил 16 апрелда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (32, 78, 93, 103 ва 117-моддаларига) ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» қонун қабул қилинди. Бунинг натижасида жамоатчилик ва парламент назорати институтлари, ҳукумат ва маҳаллий ижроия органларининг вакиллик ҳокимият органларига ҳисобот тақдим этиш тартиблари конституциявий мақомга эга бўлди.

2017 йил эса Асосий қонунимизнинг 80, 81, 83, 93, 107, 108, 109, 110, 112-моддаларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Ушбу янгиликлар асосан мамлакатнинг суд тизимини такомиллаштиришга тааллуқли бўлди. Бунда Олий ва маҳаллий хўжалик судлари тугатилди. Ўзбекистон Республикасининг Олий суди суд ҳокимиятининг ягона олий органи этиб белгиланди. Шунингдек, суд тизимида иқтисодий ва маъмурий судларни жорий этиш бозор ислоҳотларини суд-ҳуқуқий

жиҳатдан таъминлаш самарадорлигини оширишнинг, хусусий мулк ҳуқуқини, тадбиркорлик фаолиятини судда ишончли ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланди.

Конституция ва амалдаги қонунчиликни ислоҳ қилиб, такомиллаштириш, бир томондан, ҳуқуқий тизим ислоҳотларининг таркибий қисми бўлса, иккинчи томондан, жамиятда иқтисодий, маънавий-маданий ислоҳотларнинг ҳуқуқий асослари мукамаллашиб боришини англатади.

Юқоридаги таҳлиллар асосида қуйидаги таклифларни илгари суриш ўринли бўлади. Шундай қилиб, жамият ва давлат ҳаётининг

устувор йўналишлари ҳамда бошқаришнинг муҳим принципларини ўзида мужассамлаштирган Конституциямиз истиқболга йўналтирилган дастурий ҳужжат сифатида мамлакатни ривожлантиришга хизмат қилувчи ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий ислоҳотларнинг стратегик асосини ташкил этади. Бинобарин, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишнинг истиқболларини белгилаш, қонун ҳужжатларини ҳар томонлама таҳлил этишга эътибор қаратиш ҳамда қонун лойиҳаларини пухта экспертизадан ўтказиш борасидаги ишларни янада жонлантириш мақсадга мувофиқдир.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги фармони. — Т., 2017. — Б. 3.

² *Ўразаев Ш. З.* Мустақил Ўзбекистон Конституцияси. — Т., 1993. — Б. 11–12.

³ *Одилқориев Х. Т.* Конституция ва баркамол жамият орзуси. — Т., 2012. — Б. 333.

⁴ *Каримов И. А.* Ўзбекистон — келажакдаги буюк давлат // Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. — Т., 1996. — Б. 124.

⁵ *Мирзиёев Ш.* Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш — юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови. — Т., 2017. — Б. 8.

Н. В. Воронина,

*доцент кафедры социально-экономических дисциплин Академии МВД
Республики Узбекистан, кандидат медицинских наук,
старший научный сотрудник, доцент*

КОНСТИТУЦИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН – ГАРАНТ СОЦИАЛЬНОЙ ЗАЩИЩЕННОСТИ ВОЕННОСЛУЖАЩИХ

Аннотация. В статье рассмотрена роль Конституции Республики Узбекистан в обеспечении социальной защиты военнослужащих.

Ключевые слова: Конституция Республики Узбекистан, социальная защита, военнослужащие.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси — ҳарбий хизматчилар ижтимоий ҳимояланганлигининг гарови

Аннотация. Мақолада ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг роли кўриб чиқилган.

Таянч тушунчалар: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ижтимоий ҳимоя, ҳарбий хизматчилар.

Constitution of the Republic of Uzbekistan — guarantor of social protection of servicemen

Annotation. The article deals with the role of the Constitution of the Republic of Uzbekistan in ensuring the social protection of servicemen.

Key words: Constitution of the Republic of Uzbekistan, social protection, servicemen.

Одним из знаменательных событий молодого независимого государства стал 1992 год, когда Указом Президента Республики Узбекистан было объявлено о том, что Республика Узбекистан сформировала собственные Вооруженные Силы. Правовой статус национальной армии был закреплен в Конституции, принятой 8 декабря 1992 г. В Основном Законе в статье 125 была определена функция вновь созданных Вооруженных сил: «Вооруженные Силы Республики Узбекистан создаются для защиты государственного суверенитета и территориальной целостности Республики Узбекистан, мирной жизни и безопасности ее населения»¹. В последующем с учетом социально-экономических возможностей и реалий общественно-политической обстановки была проведена колоссальная по масштабам работа по созданию национальной армии, оснащению ее современной техникой и вооружением, коренному реформированию сферы военного образования и др.

Рассматривая армию как социальный институт, выполняющий общественную функцию в обеспечении безопасности личности, общества и государства военными средствами², при разработке военной доктрины³ наряду с вопросами осуществления комплекса мероприятий, направленных на поддержание Вооруженных Сил в постоянной боевой готовности, обеспечение их необходимыми материально-техническими ресурсами, подготовку народного хозяйства, населения, территории к отражению агрессии, особое внимание уделялось вопросам оказания социальной поддержки военнослужащим.

Первый Президент Ислам Каримов в книге «Национальная армия — надежный гарант независимости, мирной и спокойной жизни» писал, что «...несмотря на сложную экономическую обстановку в 90-х годах, мы много и напряженно работали, чтобы решить стоящие перед нами актуальные и большие задачи военного строительства, изыскать материальные и финансовые

источники, необходимые для социальной защиты военнослужащих и их семей»⁴.

Необходимо отметить, что за последние десятилетия в стране принят ряд нормативно-правовых документов, гарантирующих социальную защиту военнослужащих. Знаковыми в этой области явились Постановление Президента Республики Узбекистан от 30 июня 2005 г. «О дополнительных мерах обеспечения социальной защиты военнослужащих Вооруженных сил Республики Узбекистан»⁵, Постановление Президента Республики Узбекистан 19 августа 2005 г. «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы социальной защиты военнослужащих Вооруженных сил Республики Узбекистан»⁶.

Нормативными документами были определены и постоянно индексируются размеры должностных окладов для различных категорий военнослужащих, установлены дополнительные виды денежного вознаграждения за отличную службу, классную квалификацию, выплаты территориальных коэффициентов за службу в местностях с тяжелыми климатическими условиями и др. В целях снижения материального бремени, связанного с наёмом жилья для проживания лицам рядового, сержантского и офицерского состава по контракту, необеспеченным жилыми помещениями, было принято Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан «О порядке выплаты военнослужащим Вооруженных Сил Республики Узбекистан ежемесячной денежной компенсации за наем (поднаем) жилых помещений»⁷. Практическим проявлением оказываемого государством внимания явилось строительство для военных, членов их семей современного жилья. В государственной программе, инициированной Президентом страны Ш.М. Мирзиёевым, которая рассчитана на 2016–2025 гг., к концу ее завершения сто процентов военнослужащих будет обеспечено жильем.

Необходимо отметить, что специфические условия прохождения военной службы в Вооруженных Силах предъявляют к здоровью

военнослужащих особые требования. Это обусловлено тем, что современная военно-профессиональная деятельность характеризуется физическими и психоэмоциональными нагрузками, сложностью и многообразием решаемых задач в условиях дефицита времени и информации, постоянным риском и наличием угрозы жизни, частым нарушением временного стереотипа трудовой нагрузки и несогласованностью ее с биологическими ритмами, выполнением учебно-боевых задач в неблагоприятных рельефно-климатических условиях обитания и др. Своеобразие военного труда в сочетании с воздействием природных и техногенных факторов окружающей среды мест дислокации предъявляет повышенные требования к функциональному состоянию и резервным возможностям организма военного специалиста.

В этой связи реализация механизма правового регулирования охраны жизни и здоровья военнослужащих является важным проявлением сильной социальной политики государства. Охрана здоровья военнослужащего сегодня рассматривается как совокупность мер правового, экономического, медицинского, санитарно-гигиенического и противоэпидемиологического характера, направленных на сохранение и укрепление физического и психического здоровья военнослужащего, поддержание его способности к выполнению обязанностей военной службы и долголетней активной жизни⁸. Последнее время в Вооруженных Силах проведены значительные по своему объему мероприятия с целью улучшения медицинского обслуживания военнослужащих. Главный принцип системы медицинского обслуживания кадрового состава вооруженных сил Узбекистана — это, в первую очередь, бесплатное медицинское обслуживание. Одно из эффективных лечебно-профилактических направлений деятельности ведомственного здравоохранения выражается в проведении регулярной диспансеризации, направленной на выявление и своевременное оказание заболевшим

военнослужащим необходимой медицинской помощи.

Следует отметить, что в соответствии с законодательством, правом на бесплатное медицинское обслуживание в ведомственных медицинских учреждениях обладают как сами военнослужащие и пенсионеры Вооруженных Сил, так и члены их семей. Расходы по лечению военнослужащих берет на себя государство⁹. Согласно Постановлению Кабинета Министров от 1 февраля 2011 г. № 26 «Об утверждении положения о медицинском и санаторно-курортном обеспечении в Вооруженных силах Республики Узбекистан»¹⁰ устанавливается порядок медицинского и санаторно-курортного обеспечения военнослужащих Вооруженных Сил Республики Узбекистан, а также членов их семей.

Проявлением социальной заботы о здоровье будущего кадрового пополнения армии в документе является положение, что граждане, поступающие в высшие военно-образовательные учреждения и на военную службу по контракту, проходят медицинское обследование и освидетельствование в районных, городских, областных врачебных комиссиях, альтернативных медицинских комиссиях за счет государственных средств.

Продовольственное обеспечение военнослужащих является одним из важных элементов социальной защищенности. Доказано, что полноценность пищевого рациона во многом определяет состояние здоровья военнослужащих, оказывая влияние на поддержание на должном уровне физического развития, боеспособности и трудоспособности, адаптационных возможностей, на снижение заболеваемости и повышение профессионального долголетия¹¹. С учетом современных достижений медицинской науки для обеспечения военнослужащих здоровым питанием приняты постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан, Санитарные нормы и правила, ведомственные приказы и инструкции.

Выполнившие гражданский долг юноши, вернувшись из армии, продолжают

ощущать на себе внимание государства. Согласно постановлению Президента от 31 мая 2012 г. «О дополнительных мерах по совершенствованию системы льгот гражданам, отслужившим срочную военную службу в Вооруженных Силах Республики Узбекистан»¹², начиная с 2012-2013 учебного года граждане, отслужившие срочную службу в Вооруженных Силах Республики Узбекистан, имеющие соответствующие рекомендации командования воинских частей, имеют льготы при поступлении во все высшие образовательные учреждения страны. Также по предложению Президента Узбекистана Ш. М. Мирзиёева создается Республиканская комиссия, возглавляемая Премьер-министром, которая займется всеми вопросами по трудоустройству граждан, прошедших срочную военную службу и службу в мобилизационном призывном резерве.

Сегодня, когда строительство Вооруженных Сил переживает кардинальные перемены, вопрос социальной защиты военнослужащих находится среди приоритетных направлений государственной политики. Так, Президент Узбекистана, Верховный Главнокомандующий Вооруженными Силами страны Шавкат Мирзиёев в праздничном поздравлении защитникам Родины по случаю 25-летия образования Вооруженных Сил отметил: «...необходимо сосредоточиться на повышении эффективности мер по социальной защите военнослужащих. Сегодня мы столкнулись с объективной необходимостью выработки новых механизмов реализации государственных программ в данной сфере. В этих целях важно ускорить разработку давно востребованных нормативно-правовых актов, направленных на совершенствование порядка прохождения военной службы, тылового, жилищного и медицинского обеспечения военнослужащих»¹³.

Резюмируя вышеизложенное, можно констатировать, что за короткий по историческим меркам промежуток времени Вооруженные Силы Узбекистана стали надежным гарантом обеспечения мира и

безопасности страны в современных условиях. Важным фактором успешного функционирования Вооруженных Сил является характер взаимодействия между военной и гражданской сферами жизнедеятельности государства. Это взаимодействие охватывает широкий спектр проблем, в том числе заботу государства о

Вооруженных Силах в виде социальной защищенности военнослужащих и членов их семей и др. В условиях военной реформы Вооруженных сил Республики Узбекистан усиливается социальная защита военнослужащих, возрастает роль конституционного правового регулирования социальных гарантий, охраны их жизни и здоровья.

¹ Конституция Республики Узбекистан. – Т., 2014.

² См.: *Образцов И. В.* Армия как социальный институт государства: Российский опыт в контексте мировых тенденций // Вестник МГЛУ. – 2013. – №2 (662).

³ См.: Военная доктрина Республики Узбекистан // Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан. – 1995. – № 9. – Ст. 180.

⁴ *Каримов И.А.* Национальная армия – надежный гарант независимости, мирной и спокойной жизни: О роли и значении усиления духовно-воспитательной работы в Вооруженных Силах нашей страны // Избранный нами путь – это путь демократического развития и сотрудничества с прогрессивным миром. Т. 11. – Т., 2003. – С.139-160.

⁵ Постановление Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах обеспечения социальной защиты военнослужащих Вооруженных сил Республики Узбекистан» от 30 июня 2005 г. // Собрание законодательства Республики Узбекистан. – 2005. – № 25-26. – Ст. 180.

⁶ Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы социальной защиты военнослужащих Вооруженных сил Республики Узбекистан» от 19 августа 2005 г. // Собрание законодательства Республики Узбекистан. – 2005. – № 32-33. – Ст. 245.

⁷ Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан «О порядке выплаты военнослужащим Вооруженных Сил Республики Узбекистан ежемесячной денежной компенсации за наем (поднаем) жилых помещений» // Собрание законодательства Республики Узбекистан. – 2005. – № 30-31. – Ст. 228; 2012. – № 16. – Ст. 183; 2017. – № 33. – Ст. 853.

⁸ См.: Охрана прав военнослужащих (гражданско-правовой аспект): Монография / М. В. Палехин. – Волгоград, 2009. – 240 с.

⁹ См.: Постановление Президента Республики Узбекистан «Об утверждении Положения о порядке прохождения военной службы гражданами Республики Узбекистан» // Собрание законодательства Республики Узбекистан. 2006. – № 4-5. – Ст. 23; 2010. – № 13. – Ст. 92; № 52. – Ст. 513; 2014. – № 30. – Ст. 365; 2017. – № 19. – Ст. 334; № 34. – Ст. 874.

¹⁰ Постановление Кабинета Министров № 26 «Об утверждении положения о медицинском и санаторно-курортном обеспечении в Вооруженных силах Республики Узбекистан» от 1 февраля 2011 г. // Собрание законодательства Республики Узбекистан. – 2011. – № 4-5. – Ст. 37; 2016. – № 17. – Ст. 176.

¹¹ См.: *Воронина Н.В.* Основы здорового питания военнослужащего: Учебно-методическое пособие. – Т., 2016. – 60 с.

¹² Постановление Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по совершенствованию системы льгот гражданам, отслужившим срочную военную службу в Вооруженных Силах Республики Узбекистан» от 31 мая 2012 г. // Народное слово. – 2012. – 31 мая.

¹³ Праздничное поздравление защитникам Родины по случаю 25-летия образования Вооруженных сил Республики Узбекистан: Доклад Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева // Народное слово. – 2017. – 15 янв.

Ф. А. Акрамова,

*Ўзбекистон Республикаси «Оила» илмий-амалий маркази
бош мутахассиси, психология фанлари номзоди, доцент*

КОНСТИТУЦИЯДА ОИЛА ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИ

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг оила институтини мустаҳкамлашга, тенг ҳуқуқли оилавий муносабатларни шакллантиришга қаратилган ҳамда оила аъзоларининг асосий ҳуқуқ ва бурчларини мустаҳкамлайдиган қоидалари таҳлил қилинади.

Таянч тushunchалар: конституция, оила, ҳуқуқлар, бурчлар.

Семья и интересы человека в Конституции

Аннотация. В статье рассматриваются нормы Конституции Узбекистана, направленные на укрепление института семьи, формирование равноправных семейных отношений и закрепляющих основные права и обязанности членов семьи.

Ключевые слова: конституция, семья, права, обязанности.

Family and human interests in the Constitution

Annotation. The article analyses the norms of the Constitution of Uzbekistan as a way of strengthening family institutes, formation of equitable family relations and strengthening fundamental rights and duties of family members.

Key words: family, rights, duties, constitution.

Фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечирिशларини, тинч-тотувлигини таъминлашни асосий мақсадлардан бири деб эълон қилган Конституциямиз босиб ўтган даврига назар ташлайдиган бўлсак, шу қисқа вақт мобайнида мамлакатимизда асрларга татигулик ишлар амалга оширилганлигига гувоҳ бўламиз.

Оила ва унинг жамият ҳаётидаги ўрни беқиёс бўлиб, Конституциянинг 14-боби айни шу мақсадларга бағишланган. Чунончи, Асосий қонунимизнинг 63, 64, 65, 66-моддаларида оила масканининг жамият ва давлат муҳофазасида эканлиги, оила тузишда томонлар ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилиги, ота-оналарнинг фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурликлари, оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилиниши, вояга етган ва меҳнатга лаёқатли фарзандларнинг ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишлари юзасидан мажбуриятлари аниқ кўрсатиб берилган.

Мамлакатимизда оиланинг барқарорлиги жамият барқарорлиги сифатида эътироф этилиб, бунинг учун барча ҳуқуқий асослар яратилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида оила жамиятнинг асосий бўғини эканлиги ҳамда жамият

ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эгаллиги белгилаб қўйилган.

Оила тинч, мустаҳкам ва фаровон бўлсагина, жамиятда ривожланиш бўлади. Бу эса, ўз навбатида, маънавий ва руҳий муҳитнинг соғломлигига замин яратади. Оиладаги муҳит ота-оналар ва бошқа катта ёшдаги кишилар олиб борган тарбиявий ишларнинг натижаси, оила аъзоларининг ўзаро ахлоқий муносабатларининг йиғиндиси ва катталарнинг ижобий таъсир кўрсатиш намунаси натижасидир.

Эътиборга молик томони Бош қомусимизда миллий ва инсоний қадриятларимизнинг инобатга олинганлигидир. Анъанага кўра, оилада фарзанд туғилгач, унинг вояга етиши, ўсиши ва камолотга етишишига ота-она масъулдирлар ва бундан, ўз навбатида, давлат ҳам манфаатдордир. Конституциянинг 64-моддасида: «Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар», — деб белгилаб қўйилган. Қарангки, гўдаклик даврида ота-она фарзандига ғамхўрлик қилса, улар кексайганида эса фарзандлар ўз ота-оналари учун масъул бўлишлари келтирилганлиги табиат ва жамиятда ҳамма қонуниятлар акс таъсир — «бумеранг» каби эканлигини

кўрсатади. Шунинг учун ҳам 66-моддада: «Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар» деган қоида мустаҳкамланган. Ҳаётда шундай ота-она ва фарзанд орасидаги муносабатлар алмашиниш характерига эга экан, ота-оналар ёшлик даврларида фарзанд учун имкон қадар меҳр-муҳаббат кўрсатишга ҳаракат қилишлари керак.

Психологиядан маълумки, «муносабатлар ойнаси» деган ҳодиса бор. Психолог олим Эрих Фромм айтганидек, «ўзаро муносабатларда ёши катталар қанчалик меҳр-муҳаббатни ифодасалар, келажак авлод бу таъсирларни ўзига шунчалик сингдиради ва ўз навбатида, бу таъсирларни бошқаларга узатади». Шунинг учун бу борада сахийлик қилиш, бағрикенглик ниҳоятда зарурдир.

Асосий қонунимизда инсон омили, оилани муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлашнинг эътиборли масалалари инobatга олинганлиги барча ислохотлар инсон учун эканлигини билдиради. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг иккинчи ва учинчи бўлими, 10 боби, 39 та моддаси айнан инсон шахси, унинг фуқаро сифатидаги асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларига, ижтимоийлашув маскани ҳисобланган оила муҳитидаги вазифаларига бағишланган.

Қолаверса, ёши кексаларнинг меҳнат фаолиятида лаёқатлари сусайганда ижтимоий таъминот олишга имкониятлари мавжудлиги 39-моддада кўрсатиб берилган: «Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга». Конституцияда инсоннинг бошқалар билан муносабатларда амалга ошириши лозим бўлган мажбуриятлари ҳам қайд этилган: «Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар» (48-модда). Донишмандлар таъбири билан айтганда, бошқаларга эътибор билан муомалада бўлиш, иззат-ҳурматини жойига қўйиш, андишасизлик, қўполлик қилмаслик ўзаро муносабатларнинг мўътадиллашувига, бу эса, ўз навбатида, инсонларнинг «тарбия кўрган киши» даражасига етишларига ва жамияти-

миз тараққий этишига олиб келади.

Инсонларнинг фуқаро сифатидаги шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари 7-бобда ифодаланган. Бунда биз жамиятдаги инсон омилига яшаш ҳуқуқи, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи кафолатланганлигини кўрамиз (24, 25-моддалар).

Инсон омилига бўлган эътибор нафақат унинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари борасида, балки сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда ҳам кўринади. 37-моддада қайд этилганидек, «ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир». Ҳақиқатан ҳам, ҳар бир инсон ўз хоҳиши билан танлаган соҳасида, адолатли меҳнат шароитларида бор қобилиятини намоён этиб ишлаш имкониятига эга.

Ўзбекистон ҳуқуқий-демократик давлат сифатида фуқароларнинг жинси, миллати ва динидан қатъи назар, тенг ҳуқуқлар ва бир хил имкониятлар билан таъминланишини эълон қилган мамлакатдир. Конституциянинг 18-моддасида таъкидланганидек, «Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва жамиятдаги мавқеидан қатъи назар қонун олдида тенгдирлар».

Хотин-қизлар ва эркалар ўртасидаги тенгликнинг қўшимча кафолати сифатида 46-моддада хотин-қизлар ва эркалар тенг ҳуқуқли эканлиги қатъий белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикасининг қонунларида эр ва хотинларнинг тенг ҳуқуқли эканлиги ҳақидаги Конституцион тамойил асос қилиб олингани мамлакатимизда муҳим аҳамиятга эгадир.

Маълумки, жамики неъматлар орасида энг улуғи — инсондир. Конституциямизда инсон омилига оид моддалар барча моддаларнинг 34 фоизини ташкил этади. Шундай экан, инсон омилига юксак ишонч, умид бахш этган Конституциянинг узоқ йиллар давомида энг зарур, энг инсонпарвар ҳужжат бўлиб қолиши, шубҳасиз. Зеро, Конституция ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори ҳисобланади. У давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомусдир.

*Н. А. Тургунов,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ахборот технологиялари
кафедраси доценти, физика-математика фанлари номзоди;*

*М. Х. Джаматов,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ахборот технологиялари
кафедраси катта ўқитувчиси, физика-математика фанлари номзоди*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯСИ – МАМЛАКАТИМИЗДА АХБОРОТ ВА СЎЗ ЭРКИНЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида акс этган миллий ва умуминсоний ғоя ва қадриятлар, шунингдек унда мустақамланган ахборот ва сўз эркинлиги кўриб чиқилган.

Таянч тўшунчалар: конституция, қонун, ҳуқуқ, сўз ва ахборот эркинлиги, оммавий ахборот, ахборот-коммуникация технологиялари, интернет.

Конституция Республики Узбекистан – правовая основа свободы слова и получения информации в нашей стране

Аннотация. В статье рассмотрены национальные и общечеловеческие идеи и ценности, отраженные в Конституции Республики Узбекистан, а также закрепленные в ней права на получение информации и свободу слова.

Ключевые слова: конституция, закон, право, свобода слова и информации, общественная информация, информационно-коммуникационные технологии, интернет.

Constitution of the Republic of Uzbekistan is a rightful principle of freedom of speech and information acquisition in our country

Annotation. The article distinguishes national and common to all mankind ideas and values reflected in the Constitution of the Republic of Uzbekistan and vested rights to information acquisition and freedom of speech.

Key words: constitution, law, right, freedom of speech and information, public information, information-communication technologies, internet.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси халқимизнинг адолатли фуқаролик жамияти барпо этишдек эзгу мақсадларини ўзида мужассам этган. У жамият ва давлат қурилишининг барча жабҳаларидаги муносабатларни, миллий қонунчилигимизни тартибга солувчи аниқ ҳуқуқий механизмни яратишга хизмат қилиб, халқимиз хоҳиш-иродаси, фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларининг ишончли кафолатини ифода этувчи муҳим ҳужжатдир. Бош қомусимиз мамлакатимизда суверен демократик давлат барпо этиш, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, иқтисодиётимиз ривож ва турмушимиз фаровонлигини юксалтиришнинг асосий ҳуқуқий кафолати ҳисобланади.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма беш йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойиши Бош қомусимизнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини кенг тарғиб этиш, юртдошлари-

миз, айниқса, ёшларимиз қалбида қонунга ҳурмат, Ватанга меҳр ва садоқат туйғусини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишга хизмат қилади.

Конституциямиз миллий ва умуминсоний эзгу ғояларни ўзида ифода этган нуфузли қонундир. Унинг халқаро демократик андозаларга мос эканлиги хорижлик таниқли сиёсатчилар, давлат арбоблари ва ҳуқуқшунос олимлар томонидан эътироф этилган. Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» номли маърузасида таъкидланганидек, демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини оширишга мамлакатимизда ахборот эркинлигини таъминламасдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантIRMасдан туриб эришиб бўлмайди.

Юртимизда демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият сифатида қарор топтириш борасида эришилаётган ютуқлар Асосий қонунимизда ифодаланган қоида ва принциплар билан боғлиқ. Мустақилликнинг ўтган даври мобайнида Конституциямизга ривожланган хорижий давлатларнинг илғор тажрибасидан келиб чиқиб, давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада такомиллаштириш мақсадида бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Бу эса, ўз навбатида, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, халқимизнинг тинч-осуда, фаровон ҳаётини таъминлашнинг муҳим гарови.

Асосий қонунимизнинг 2-моддасига «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар» деган принципнинг киритилиши унинг нақадар халқчил эканлигини ифодалайди. Шунингдек, Конституциямизда инсон ва фуқаролар эркинликлари ва бурчларини қонуний мустаҳкамлаш, аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги, бепул умумий таълим олиш, ҳар бир инсоннинг малакали тиббий хизматдан фойдаланиши, оналик ва болаликнинг муҳофаза қилиниши масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Бугунги кунда юртимизда ягона миллий ахборот маконини шакллантириш орқали замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш масаласи долзаб тус олган. Ахборот ва сўз эркинлиги демократик давлат қуриш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим омили бўлиб, мамлакатимизда бу борада ишлаб чиқиляётган янги қонун лойиҳалари ахборот бозори иштирокчилари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлаш ҳамда кенгайтириш имконини беради. Конституциямизнинг 29-моддасида: «Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир», деб белгилаб қўйилган.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини барча соҳалар, жумладан, давлат бошқаруви органларига жорий қилиш бўйича изчил ислохотлар амалга оширилди. Юртимизда халқаро стандартларга мувофиқ рақобатбардош дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, ахборот-коммуникация технологиялари маҳсулотлари экспортини кўпайтириш мақсадида шу йил 30 июнда Президентимизнинг «Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони қабул қилинди.

Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш, улардан фойдаланишни кенгайтириш юртимизда амалга ошириляётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ахборотни тезкор тарқатиш имконини берадиган интернет журналистикаси ҳам бугунги кунда юртимизда жадал ривожланмоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ва ушбу йўналишда юқори малакали мутахассислар тайёрлаш масалаларига катта эътибор қаратиляётгани алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур соҳада олиб бориляётган ислохотлар натижасида мамлакатимизда миллий ахборот хавфсизлигини таъминлаш, миллий ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларини ривожлантириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Электрон давлат хизматларини кўрсатиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органларига электрон мурожаатларини кўриб чиқиш масалаларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш борасидаги фаолият янада такомиллашиб бормоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Конституциямиз халқимизнинг иродаси ва руҳиятини ўзида ифода этиб, мустақил давлатимиз тараққиётининг гарови бўлиб хизмат қилмоқда. Энг муҳими, юртимизда истиқомат қиляётган ҳар бир инсоннинг ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқи ҳамда бошқа бир қатор ҳуқуқларини ҳам таъминлаб келмоқда.

А. Худайбердиева,
*самостоятельный соискатель кафедры теории и истории государства и права
Ташкентского государственного юридического университета, кандидат юридических наук*

КОНСТИТУЦИОННЫЕ ОСНОВЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ НАЦИОНАЛЬНОЙ ГОСУДАРСТВЕННОСТИ

Аннотация. В статье анализируются конституционные основы совершенствования национальной государственности и формулируются конкретные предложения по дальнейшему повышению эффективности общественного управления.

Ключевые слова: конституция, гражданское общество, общественное управление, эффективность.

Миллий давлатчиликни такомиллаштиришнинг конституциявий асослари

Аннотация. Мақолада миллий давлатчиликни такомиллаштиришнинг конституциявий асослари таҳлил қилинади ҳамда ижтимоий бошқарувнинг самарадорлигини оширишга доир аниқ таклифлар ифодаланади.

Таянч тушунчалар: конституция, фуқаролик жамияти, ижтимоий бошқарув, самарадорлик.

Constitutional foundations improvement of national statehood

Annotation. The article analysis constitutional foundations improvement of national statehood and specific proposals on further enhancement of efficiency public management.

Key words: constitution, civil society, public management, efficiency.

Конституция – правовой фундамент государства, продукт политической мудрости и мышления народа, который отражает волю, дух, общественное сознание и культуру. Основным закон страны – Конституция Республики Узбекистан не только определяет демократическое устройство нашего государства, но и является стратегическим правовым документом, на основе которого возродилась, сформировалась и продолжает совершенствоваться национальная государственность Узбекистана. Эволюция конституционализма в Узбекистане в полной мере отражает непрерывный процесс демократизации государства, развитие демократических институтов и гражданского общества, совершенствование государственности в целом. Эффективность государственности определяется не только наличием спектра демократических институтов, но и их взаимодействием, взаимовлиянием, адекватно общественному развитию, а именно это

обеспечивает Конституция страны, являясь правовым фундаментом прогрессивных преобразований в Узбекистане. Конституция заняла приоритетное место в общей системе источников права и стала основой всех законов и других юридических нормативных актов. Конституция Узбекистана базировалась на основополагающих международно-правовых документах ООН, Всеобщей Декларации прав человека, впитала в себя мировой опыт конституционного развития и достижения демократических стран. Вместе с тем, она опиралась на многовековое политико-правовое наследие, исторические культурные и национальные традиции узбекского народа.

При принятии Конституции суверенного Узбекистана было обращено особое внимание на воплощение демократических принципов формирования государственной власти, их эффективной работе, так как от этого зависела реализация стратегии государства. В

то же время были воссозданы самобытные институты, имеющие исторические корни и сохранившиеся в народной памяти, такие, как кенгаши, хокимияты, махалли.

Конституционное закрепление прав человека, демократическое устройство власти и обеспечение судебной защиты заложили правовой фундамент построения правового государства в Узбекистане. Народ является действительным источником всей государственной власти — этот принцип закреплен в ст.7 Конституции Республики Узбекистан [1]. Президент, представительные органы власти избираются народом путем всенародного, прямого, равного, тайного голосования, что полностью соответствует международным стандартам демократических выборов, и это признают зарубежные эксперты. В частности, механизмом реализации данного принципа является формирование Сената и Законодательной палаты Олий Мажлиса посредством всенародных выборов.

В Конституции Республики Узбекистан был закреплен широко принятый в демократических странах мира принцип разделения государственной власти на законодательную, исполнительную и судебную, и провозглашена независимость каждой из них. Так, согласно ст. 11 Конституции страны: «Система государственной власти Республики Узбекистан основывается на принципе разделения властей на законодательную, исполнительную и судебную» [1]. Принцип разделения власти является одним из неотъемлемых принципов, лежащих в основе всех конституций демократических государств. Особое значение в реализации этого принципа имеет статья 89 Конституции Республики Узбекистан, в соответствии с которой Президент страны является главой государства и обеспечивает согласованное функционирование государственной власти. А это укрепляет баланс между ветвями власти и способствует стабильности страны при координированном функционировании и взаимодействии законодательной, исполнительной и судебной ветвей власти. В соответствии с Указом Президента Рес-

публики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» была утверждена Государственная программа по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 — 2021 гг. По первому из пяти направлений Стратегии действий — совершенствование государственного и общественного строительства, предусматривается демократизация государственной власти, совершенствование государственных институтов[2].

Верховенство Конституции и закона закреплено в ст.15 Конституции Республики Узбекистан. Верховенство закона означает, что закон, принятый в законодательном органе представителями народа, является основополагающим в обществе, а все другие подзаконные акты должны соответствовать закону, при этом высшей юридической силой обладает Конституция.

В Конституции Республики Узбекистан обеспечено признание, соблюдение и защита прав и свобод человека, отражены все принципиальные положения Всемирной декларации прав человека: личные права и свободы человека, политические и экономические права. Личные гражданские права: право частной собственности; свобода совести; весь комплекс прав, обеспечивающих личную безопасность и неприкосновенность человека, защиту его частной жизни (право на жизнь, неприкосновенность личности, неприкосновенность жилища, тайна переписки и пр.); право на защиту своих прав в суде; право на свободное передвижение и выбор места жительства и другие. Политические гражданские права: свобода мысли; свобода придерживаться своих мнений и убеждений; свобода искать, получать и распространять информацию; свобода шествий, митингов и собраний; свобода образовывать ассоциации и общественные объединения; право избирать и быть избранным и т.д. Государство защищает законные интересы политических партий, общественных объединений, создает

равные правовые возможности для их участия в общественной жизни. Экономические, социальные и культурные права — это права на социальную помощь со стороны государства, право на образование, свободу любой творческой деятельности, право на интеллектуальную собственность, право на свободное использование своих способностей и имущества, право на благоприятную окружающую среду, право на охрану здоровья и медицинскую помощь, право на жизнь, достойную человека, и т.п. В Конституции открыта дорога для предпринимательской инициативы и свободных рыночных отношений. А люди, являющиеся хозяевами своей собственности, будут служить опорой социальной и политической стабильности.

Демократия — это, прежде всего, поступательно развивающийся процесс [3]. Так, в Конституцию были внесены ряд прогрессивных изменений. Расширены полномочия Парламента, который утверждает кандидатуры Премьер-министра и Председателя Счетной палаты. В соответствии с дополнениями в ст.78 Конституции Парламент страны заслушивает и обсуждает отчеты Премьер-министра по актуальным вопросам социально-экономического развития страны. Эта норма позволит в рамках совместных полномочий Сената и Законодательной палаты Олий Мажлиса заслушивать отчеты главы исполнительной власти — Премьер-министра по мере необходимости, обсуждать их народными представителями. Это реально способствует расширению демократии, потому что сенаторы и депутаты, являясь избранными на демократических выборах представляют народ Узбекистана, а значит, у Премьер-министра усилится связь с народом через парламентариев. Введение института «вотума недоверия Премьер-министру» на конституционном уровне также существенно совершенствует механизм сдержек и противовесов между законодательной и исполнительной ветвями власти.

Следует особо отметить, что развитие государственности современного Узбекистана

происходит эволюционно, с учетом многовековых традиций, сложившихся на нашей древней земле и лучшего достояния мировой цивилизации, демократического опыта и достижений мирового сообщества. Внесённые изменения и дополнения в статьи Конституции Республики Узбекистан 32, 78, 93, 98, 103 и 117 стали прогрессивным шагом для дальнейшей демократизации государства, совершенствования механизма сдержек и противовесов между законодательной, исполнительной и судебной ветвями власти и активизации субъектов гражданского общества.

Во-первых, Закон совершенствует систему разделения власти и механизм сдержек и противовесов между ветвями, особенно между законодательной и исполнительной ветвями власти. Во-вторых, Законом предусмотрено введение ряда демократических институтов на уровне Конституции страны, в том числе общественного контроля, парламентского контроля, обращения Президента к парламенту страны, объявления вотума недоверия Премьер-министру. Так, статья 32 Конституции Республики Узбекистан дополняется введением института общественного контроля, в статье 79 Конституции Республики Узбекистан закрепляется институт парламентского контроля и его осуществление палатами парламента страны — Сенатом и Законодательной палатой Олий Мажлиса. Парламентский контроль — это деятельность, осуществляемая палатами Олий Мажлиса Республики Узбекистан по контролю за исполнением законов со стороны государственных органов, должностных лиц, с целью обеспечения соблюдения и должного исполнения законов, повышения эффективности их реализации, укрепления законности, слаженности и координации государственного механизма при исполнении законов. Целью парламентского контроля является обеспечение соблюдения и исполнения законов на территории Республики Узбекистан всеми субъектами права, предот-

врашение нарушений прав и свобод человека.

Весьма значимым для последовательной реализации стратегии развития государства и устойчивого развития страны является введение института обращения Президента к Олий Мажлису. Норма вводится в статью 93 Конституции Республики Узбекистан. Институт обращения Президента к Парламенту страны действует в таких странах, как США, Франция, Россия и является одной из значимых форм общения Главы государства с представителями народа, а через них и со всей нацией. Такая практика уже существует в Узбекистане и является действенным механизмом для озвучивания стратегии развития государства лидером страны и формирования на ее основе законодательной стратегии.

Вводимые изменения и дополнения в статьи 93, 98 и 103 Конституции Республики Узбекистан направлены на дальнейшее совершенствование механизма сдержек и противовесов, усиление парламента и повышение ответственности исполнительных органов перед представительными органами власти. На Кабинет Министров возложена ответственность за проведение эффективной экономической, социальной, финансовой, денежно-кредитной политики, разработку и реализацию программ по развитию науки, культуры, образования, здравоохранения и других отраслей экономики и социальной сферы; осуществление мер по защите экономических, социальных и других прав и законных интересов граждан и т.д. Кроме этого, кандидат на должность Премьер-министра при рассмотрении и утверждении его кандидатуры в Олий Мажлисе Республики Узбекистан представляет программу действий Кабинета Министров на ближайшую и долгосрочную перспективу. Согласно последним изменениям, Премьер-министр страны наделен широким кругом полномочий. В частности, Премьер-министр организует и руководит деятельностью Кабинета Министров и несет персональную ответственность за эффективность его работы; председатель-

ствует на заседаниях Кабинета Министров, подписывает его решения; представляет Кабинет Министров в международных отношениях и подписывает межправительственные договоры и соглашения и т.д.

Дополнения, вводимые в статью 103 Конституции, являются логическим продолжением демократизации общества в регионах. Согласно этим дополнениям хоким области, района и города представляет соответствующему Кенгашу народных депутатов отчеты по важнейшим и актуальным вопросам социально-экономического развития области, района, города, по которым депутаты принимают соответствующие решения, что является важнейшими элементами системы сдержек и противовесов в сфере осуществления собственной деятельности местными органами государственной власти и управления. В ходе реализации этой конституционной нормы Кенгаши народных депутатов на местах получают право заслушивать отчеты и осуществлять контроль над деятельностью соответствующих хокимов. Осуществление общественного контроля над деятельностью хокимов позволит обеспечить эффективность работы органов исполнительной власти, что является подлинным проявлением принципа народовластия, закрепленного в Конституции страны.

На более высокий – Конституционный уровень поднялся статус Избирательной комиссии Республики Узбекистан.

Государственность – сложный комплекс элементов, структур, институтов публичной власти, обусловленных самобытностью социально-экономических, политических, духовно-нравственных условий жизни народа на определенном этапе развития общества[4]. За годы суверенного развития Конституция Республики Узбекистан восстановила национальную государственность, а также стимулировала прогрессивные общественные отношения. Эволюция конституционализма в Узбекистане в полной мере отражает непрерывный процесс демократизации государства, развитие

демократических институтов и гражданского общества, совершенствование государственности в целом. Политическая мудрость заключается в предвидении будущего, в обеспечении законодательных и экономических гарантий для благополучия народа, стабильности и суверенитета государства, безопасности общества и в закреплении этого в Конституции. Инициативность молодежи, воодушевление от достигнутых успехов, надежды и планы на будущее —

это те составляющие, которые придают уверенность в завтрашнем дне Узбекистана.

Таким образом, Основной закон страны — Конституция Республики Узбекистан не только определяет демократическое устройство нашего государства, но и является стратегическим правовым документом, на основе которого возродилась, сформировалась и продолжает совершенствоваться национальная государственность Узбекистана.

¹ Конституция Республики Узбекистан // Ведомости палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан. — 2011. — №12/1. — Ст. 343; Собрание законодательства Республики Узбекистан. — 2007. — № 15. — Ст. 152; 2008. — № 52. — Ст. 510; 2011. — № 16. — Ст. 159; 2014. — № 16. — Ст. 176; 2017. — № 14. — Ст. 213; № 22. — Ст. 406; № 35. — Ст. 914.

² Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» // Народное слово. — 2017. — 8 февр.

³ *Merkel W.* Embedded and Defective Democracies // *Democratization*. — 2004. — Vol. 11. — No 5. P. 33 .DOI:10.1080/135

⁴ *Адилходжаева С.М.* Эволюция национальной государственности Узбекистана (древний период). — Т., 2014.

М. М. Қаландаров,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ташкилий
ва ахборот-таҳлил бўлими бошлиғи, юридик фанлар номзоди

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯСИ — МУЛК ДАХЛСИЗЛИГИНИНГ КАФОЛАТИ

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон иқтисодиётининг асосини ташкил қилувчи барча шакллардаги мулкнинг тенг ҳуқуқлилиги конституциявий принципига асосланган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш муаммолари кўриб чиқилади.

Таянч сўзлар: конституция, мулк, дахлсизлик, иқтисодиёт, бозор муносабатлари.

Конституция Республики Узбекистан — гарантия неприкосновенности собственности

Аннотация. В статье рассматриваются проблемы совершенствования норм законодательства, базирующихся на конституционных принципах равноправия всех форм собственности, составляющих основу экономики Узбекистана.

Ключевые слова: конституция, собственность, неприкосновенность, экономика, рыночные отношения.

Constitution of the Republic of Uzbekistan is a safe conduct of ownership

Annotation. The article distinguishes problems of improvement of lawmaking norms based on constitutional principles equality of all forms of ownership constituting the foundation of economy of Uzbekistan.

Key words: constitution, ownership, inviolability, economy, market relations.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси — мамлакатимизнинг ички ҳаёти ва халқаро ҳамжамият ривожининг субъекти сифатида тўлақонли жавоб бера оладиган миллий давлатчилигимизнинг юридик табиати ва тарихига эга бўлган кўп асрлик маҳсулидир. Унда асосий принциплар, инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлари, жамият ва шахс, маъмурий-ҳуқуқий ва давлат тузилиши, давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши ҳамда конституцияга ўзгартишлар киритиш тартиби белгилаб берилганлиги халқимизнинг бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсадини, қатъий иродаси, давлатимиз қиёфаси, унинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий тизимининг демократик табиати, умуминсоний қадриятларга содиқлиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари юридик жиҳатдан қатъий муҳофаза этилишини намоён қилади.

Албатта, ҳар қандай Конституция жамият ва давлат олдида турган муҳим масалаларни

ҳал этиш учун яратилиб, ўз мазмун-моҳиятига кўра, сиёсий, тарбиявий-маърифий ва юридик функцияларни бажаради.

Конституциянинг сиёсий, тарбиявий-маърифий функцияси билан бирга унинг юридик функцияси ҳам муҳим бўлиб, Конституция давлатнинг асосий қонуни сифатида жамият ва давлатдаги энг муҳим ижтимоий муносабатларни, яъни инсон ҳуқуқларини кафолатлаш, жамиятни бошқариш, давлат ҳокимиятини амалга ошириш, **мулкчилик ва иқтисодий муносабатларни** ҳуқуқий тартибга солишда намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасига мувофиқ, «давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир».

Мустақиллик йилларида бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий демократик давлатни барпо этишни ўз олдига мақсад қилган суверен давлатимиз хусусий мулкчиликни расман тан олган ҳолда, фуқароларнинг иқтисодиёт, тадбиркорлик ва кичик бизнес фаолиятида мулкдан эркин фойдаланиш ҳуқуқининг устуворлигини таъминлаш имкониятини яратди. Хусусан, Олий Мажлис томонидан 2012 йил 24 сентябрда «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунининг қабул қилиниши хусусий мулк дахлсизлигига ва ҳар кимнинг мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига оид конституциявий қонидани ҳаётга татбиқ этиш тартибларини белгилаб берди. Бу эса, мамлакатимизда иқтисодий эркинлик қарор топиб борган сайин мулкдорлар синфи субъектлари ўртасидаги муносабатлар эркин, тенг ва ўзаро шартномавий характерга эга бўлишига замин яратди.

Бугун Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлиги остида ўтган бир йил давомида хусусий мулкнинг ҳуқуқий ҳимоясини янада мустаҳкамлаш, ҳар қайси мулкдор (шу қаторда чет эл сармоядорлари ҳам) қонуний йўл билан қўлга киритган ёки яратаётган ўз мулкнинг дахлсизлигига асло шубҳа қилмаслигини таъминлайдиган ишончли кафолатлар тизимини янада мустаҳкамлаш ва келгусида бу борадаги ишларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан узвий ва узоқни кўзланган ислоҳотлар изчил давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон Президентининг 2016 йил 5 октябрда эълон қилинган «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони, энг аввало, хусусий мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай шарт-шароитлар яратишга ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, республиканинг инвестициявий жозибдорлигини оширишга йўналтирилган давлат сиёсатининг сифат жиҳатидан янги даражага ўтиши-

ни бошлаб берди. Бугун давом эттирилаётган иқтисодий ислоҳотлар ҳар бир тадбиркор ва кичик бизнес субъекти ўз бизнесига беҳавотир сармоя киритиши, ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириши, маҳсулот ҳажми ва олаётган даромадини кўпайтириши, ўз мулкига эга бўлиши, ундан фойдаланиши, уни тасарруф этиши, хусусий мулкка нисбатан давлат томонидан берилаётган асосий кафолатларнинг мустаҳкамланишига қаратилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 15 майда қабул қилинган «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун мамлакатимиз иқтисодиётида хусусий мулкнинг ўрни ва ролини тубдан ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, тадбиркорлар ҳуқуқларини бузиш ҳолатларига йўл қўйган давлат идоралари ходимларининг маъмурий ва жиноий жавобгарлигини кучайтириш, айбдорларга нисбатан жазо муқаррарлиги принципини сўзсиз таъминлаш борасидаги ўта муҳим ҳужжатдир.

Шундан келиб чиққан ҳолда Жиноят кодексига янги «Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашиб билан боғлиқ жиноятлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа жиноятлар» ҳақида алоҳида боб киритилди. Натижада тадбиркорлик субъектларининг хусусий мулк ҳуқуқини бузиш, фаолиятини текшириш тартибини бузиш ёки қонунга хилоф равишда текшириш ташаббуси билан чиқиш, банкдаги ҳисобварақ бўйича операцияларни қонунга хилоф равишда тўхтатиш ёки пул маблағлари

ҳақидаги ахборотни талаб қилиш, ҳомийликка ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этиш, лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини бузиш ёки рухсат бериш тартиб-таомилларининг янги турларини жорий этиш, имтиёзлар ва преференцияларни қўллашни рад этиш, қўлламаслик ёки қўллашга тўсқинлик қилиш, пул маблағлари беришни банклар томонидан асоссиз равишда кечиктириш каби ҳаракатлар янги қонун бўйича айбдор мансабдор шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш учун қонуний асос яратади.

Конституция қоидаларидан келиб чиққан ҳолда, мулкнинг хилма-хил шакллари бир хилда муҳофаза қилиш талаби Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслари ва бошқа қонунларда ҳам ўз ифодасини топган. Бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектларининг мулкларини муҳофаза қилишнинг янги босқичга йўналтирилганлиги бу борада қабул қилинган қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга ҳам хизмат қилмоқда.

Зеро, мамлакатимизда хусусий мулкчиликнинг муҳофазасини таъминлайдиган ҳуқуқий механизмларнинг яратилиши ва такомиллаштирилиши билан бирга ҳамда уларни жамият ҳаётида амалий жиҳатдан рўёбга чиқариш мақсадида, ўзимизнинг тадбиркорлар ҳамда ўз бизнесини Ўзбекистон Республикасида амалга ошираётган хорижий компанияларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институти таъсис этилди. Ушбу янги институт кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳимоя қилишга ва унинг дахлсизлиги кафолатларининг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлашга, тадбиркорликни

ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқларнинг бартараф этилишига хизмат қилади.

Бу эса, ўз навбатида, юридик шахслар, тадбиркорлар ва кичик бизнес вакилларига эркин ишлаб чиқарувчи, эркин истеъмолчи ва эркин фуқаро ўртасида тенг шартномавий алоқалар ўрнатувчи субъектга айланиб бораётганидан далолат беради.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, Конституция қоидалари шахсга ҳуқуқ бериши билан бирга мажбурият ҳам юклайди. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 54-моддасига мувофиқ, «мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиши унинг узвий мулкӣ ҳуқуқи бўлиши билан бирга, ўз мулкидан фойдаланиши жараёнида экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт».

Албатта, мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш борасидаги ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда бошқа қонунларда белгиланган тартибларга ҳам қатъий амал қилиши шарт. Акс ҳолда қонунчиликда белгиланган турли (экология соҳасидаги, жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигига қарши) ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқариши билан бирга, жавобгарлик ҳам юзага келишига сабаб бўлади.

Шунинг учун ҳам бундай ҳолатларнинг барвақт олдини олиш (профилактик) чораларини кўриш ҳамда аҳолининг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш мақсадида мазкур конституциявий қоидаларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтириш, ҳуқуқий тарғибот ва ташвиқот ишларини янада жадаллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, республикамизда амалга оширилаётган ҳар қандай ислохотнинг замирида Конституция қоидалари мужассам десак, асло муболаға бўлмайди.

Н. С. Расулова,

*Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник
институтининг доценти, тарих фанлари номзоди;*

Д. Р. Жуманазаров,

*Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник
институтининг бошлигининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари*

ҲОКИМИЯТНИНГ ТАҚСИМЛАНИШИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ПРИНЦИПНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ РОЛИ

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда демократик жамият қуриш жараёнида ҳокимиятнинг тақсимланиши конституциявий принципни амалга оширишда сиёсий партияларнинг роли таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: давлат ҳокимияти, сиёсий партиялар, конституция, ҳокимиятлар тақсимланиши, демократия.

Роль политических партий в претворении конституционного принципа разделения властей

Аннотация. В статье проанализирована роль политических партий в претворении конституционного принципа разделения властей в процессе формирования демократического общества в Узбекистане.

Ключевые слова: государственная власть, политические партии, конституция, принцип разделения властей, демократия.

Role of political parties in realization of constitutional principles of separation of powers

Annotation. The article analyses the role of political parties in realization of constitutional principles of separation of powers in the process of formation of democratic society in Uzbekistan.

Key words: state authority, political parties, constitution, principles of separation of powers, democracy.

Давлатимизнинг Асосий қонуни, халқимиз азалий орзу-умидининг ифодаси бўлган Конституциямиз қабул қилинганига 25 йил тўлди. Бу қисқа давр ичида мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси келажаги буюк давлатнинг ишончли ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлади. У бизга инсон ҳуқуқлари, демократия, эркинлик, барқарорлик ва тараққиёт принциплари мажмуини ифодалайдиган ҳуқуқий ва адолатли давлат қуриш йўллари кўрсатди. Умуминсоний ва миллий қадриятларга, умум эътироф этган халқаро ҳуқуқ нормаларига асосланган Ўзбекистон Конституцияси мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуришнинг мустаҳкам ҳуқуқий асосини, устқурмасини яратиб берди.

Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси келажаги буюк давлатнинг

ишончли ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаб, инсон ҳуқуқлари, демократия, эркинлик, барқарорлик ва тараққиёт принциплари мажмуини ифодалайдиган ҳуқуқий ва адолатли давлат қуриш механизмларини белгилаб қўйди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси бир қанча асосий хусусиятларга эга. Жумладан: 1) уни яратишда ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таянган; 2) унда демократия ва ижтимоий адолатга садоқатнинг намоён қилинган; 3) халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган қоидалари устунлиги тан олинган; 4) инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини, фуқароларнинг тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсади белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «биз бугун, демократик ўзгаришлар даврида мамлакатимизнинг сиёсий, ижтимоий ҳаётида бевосита ва фаол иштирок этиш истагида бўлган фуқароларимизнинг салоҳияти тўла намоён бўлишини таъминлашимиз лозим»¹. Бу вазифа эса биринчи навбатда сиёсий партиялар томонидан бажарилади.

Ривожланган давлатларда ҳуқуқий демократик давлатнинг асосий белгиларидан бири сифатида эътироф этилган жамоат бирлашмаларининг, хусусан сиёсий партияларнинг ташкил этилиши ва фаолият принциплари илдишлари минг йилликларга бориб тақалган ўзбек давлатчилиги тарихида илк бор 1992 йил қабул қилинган мустақиллик Конституциясида ўз ифодасини топди. Унинг 12-моддасига асосан, «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади».

Кўппартиявийлик тизими мамлакатда ижтимоий-сиёсий барқарорлик ҳамда фикрлар плюрализмини таъминлаб, жамиятни янада демократлаштириш учун асосий омил бўлиб хизмат қилади. Шу боис, «...кўппартиявийлик тизими, партиялараро баҳс-мунозара, фикрлар ва дастурлар ўртасидаги рақобатни жадал ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга»².

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8-боби (32–35-моддалари) фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларига бағишланган бўлиб, уларнинг негизини фуқаронинг давлат ҳокимиятини шакллантиришда, давлат ишларини бажаришда бевосита ва ўз вакиллари орқали иштирок этиш, ижтимоий фаолликларини қонун доирасида митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш, касаба уюшмаларига, сиёсий партия ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда қатнашиш, давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқлари ташкил қилади. Бу ҳуқуқлар,

мазмун жиҳатдан, Ўзбекистонда шаклланиб бораётган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг сиёсий асоси ҳисобланади.

Жумладан, Конституциянинг 34-моддасига мувофиқ, «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи муҳолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қиммати ни ҳеч ким камситиши мумкин эмас».

Конституциянинг 60-моддасига кўра, «сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар. Сиёсий партиялар ўз фаолиятларини молиявий таъминлашни манбалари ҳақида Олий Мажлисга ёки у вакил қилган органга белгиланган тартибда ошқора ҳисоботлар бериб турадилар».

Кўриниб турибдики, Асосий қонунимизда фуқароларнинг сиёсий партияларга бирлашиш ва партиявий кураш орқали сиёсий ҳокимиятга даъвогарлик қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон фуқаролари сиёсий ҳуқуқларининг муҳим бир кўриниши сифатида белгилаб қўйилган. Ўзбекистонда қарор топиб бораётган кўппартиявийлик демократик тараққиётнинг асосий белгиси бўлиб, ҳар бир фуқарога у ёки бу партия томонидан таклиф этиладиган муайян мафкурани танлаш, қўллаб-қувватлаш, сайлов ва референдумлар воситасида давлат ҳокимиятини шакллантиришда иштирок этиш ҳуқуқини беради.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда тўртта сиёсий партия, яъни Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, «Миллий тикланиш» демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон

Либерал-демократик партияси фаолият кўрсатмоқда. Уларга 1 миллион 150 мингга яқин фуқаро аъзо³. Ҳар бир партиянинг ўз мустақил органи – газетаси нашр этилмоқда, Интернет тармоғида сайтлари мавжуд.

Ўзбекистон сиёсий партиялари ўз дастурларида белгиланган мақсад ва маслакларни давлат ҳокимиятининг олий ва маҳаллий вакиллик органлари фаолиятида иштирок этиш орқали ҳаётга татбиқ этиш имкониятига, ҳокимият учун курашнинг легитим (қонуний, ошқора) механизмларига эга бўлди. Шу боис, сиёсий партиялар ва ижтимоий ҳаракатларнинг халқ билан ҳокимиятни боғловчи асосий бўғин, яъни демократик институт, давлат ҳокимиятининг муҳим тармоғи бўлмиш парламентдаги фаолияти, қонунларни амалга оширишда партия фракцияларининг ролини ошириш ҳозирги вақтда долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Бугун сиёсий партияларнинг мамлакатимиз қонунчилик органи ҳамда жойлардаги ҳокимият вакиллик органлари фаолиятидаги роли ва таъсири сезиларли даражада ошди. Қонунчилик палатасида парламентдаги кўпчиликни ташкил этувчи Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда Миллий тикланиш демократик партияси фракцияларини бирлаштирган Демократик блок шаклланди. Айни вақтда Ўзбекистон Халқ демократик партияси ва Адолат социал-демократик партияси фракциялари тимсолида парламентдаги муҳолифат ташкил топди.

Ўзбекистонда демократик жамият қурилаётган бугунги босқичда республикаимиз сиёсий партиялари деярли шаклланиб бўлганлигини айтишга ҳақлимиз. Бироқ кўппартиявийликнинг ҳозирги ҳолати демократия институти нуқтаи назаридан баҳоланар экан, сиёсий партиялар ўз мақомига эга бўлиш вазифасини қисман ҳал қилганлигини эътироф этишга тўғри келади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон

экологик ҳаракати вакиллари билан видео-селектор йиғилишидаги маърузасида бугунги кунда сиёсий партиялар фаолиятидаги бир қатор камчиликларга тўхталиб ўтди. Жумладан, сиёсий партияларнинг ўз электорати-га берган ваъдаларини, сайловолди дастурларини тўлиқ ва самарали бажармаётгани, сиёсий партиялар дастурларини доимий такомиллаштириб бориш ишлари талаб даражасида йўлга қўйилмагани, уларнинг аҳоли билан мулоқоти, тарғибот-ташвиқот ишлари, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиги етарли даражада эмаслиги, партиялар «Ёшлар қанотлари»нинг фаолияти қониқарли эмаслиги таъкидланди. Шунингдек, мазкур камчиликларни бартараф этиш учун сиёсий партияларнинг ўз фракциялари билан алоқасини кучайтириши, йилда бир марта сиёсий партиялар раҳбарларининг Ўзбекистон Президенти билан учрашуви ўтказилиши, қонунларни қабул қилиш жараёнида аҳоли билан муҳокама қилиш тизимининг жорий этилиши, Олий Мажлис ҳузурида Қонунчилик муаммоларини ўрганиш институти ташкил этилиши мақбул эканлигига оид таклифлар илгари сурилди⁴.

«Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» сиёсий концепциясининг амалга ошишида сиёсий ташкилотларнинг аҳамияти катта. Зеро, фуқароларнинг ҳуқуқий ва сиёсий онги, ҳуқуқий ҳамда сиёсий маданияти, ижтимоий ҳаётдаги фаолликлари юксалиб бориши билан давлат ўзининг муайян вазифаларини нодавлат тузилмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич бериб боради.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, бугун республикаимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар ўз дастурларида жамиятдаги муаммоларни ҳал қилишнинг, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг муқобил йўллари кўрсатмаяпти. Партиялар замон талабларига жавоб бериши учун:

биринчидан, ўз дастурлари ва ҳаракат режаларини доимий равишда такомиллаштириб боришлари зарур;

иккинчидан, омма билан ишлашнинг илғор технологияларини ўзлаштиришлари ва шу орқали ўз сафларидаги илғор фикрловчи, ташаббускор, фидойи кишилар доирасини имкон қадар кенгайтириб боришлари лозим; учинчидан, сиёсий партиялар нафақат ўзаро рақобатлаша оладиган бўлишлари, балки амалдаги ҳукуматнинг сиёсатига танқидий баҳо бера олишлари, муқобил дастурлар ва гоёларни илғари суришлари, қонунларнинг жойларда ижро этилишига доир тавсиялар ишлаб чиқишлари, қабул қилинаётган қонунларни тарғиб қилиш, уларнинг мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида тушунти-

риш, оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш борасидаги ишларни кучайтиришлари мақсадга мувофиқ.

Зеро, машҳур француз сиёсатшунос олими М.Дюверже ўзининг «Сиёсий партиялар» асарида тўғри таъкидлаганидек, «сиёсий тизимда кўппартиявийлик қарор топган тақдирдагина давлат халқ манфаатларини ифодалаш, умуммиллий манфаатларни, синфлар, ижтимоий гуруҳлар манфаатлари устунлигини таъминлаш ва жамиятдаги барқарорликнинг мустаҳкам негизини ташкил қилиши мумкин»⁵.

¹ Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2017. – 8 дек.

² Ўша манба.

³ Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузаси. 2017 йил 8 июль // prezident.uz/uz/lists/view/

⁴ *Мирзиёев Ш.М.* Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак (Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маъруза. 12.07.2017) // www.prezident.uz

⁵ *Duverger M.* Les parties politiques. – Paris, 1967. – P. 29.

Ж. И. Сафаров,

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳуқуқий экспертиза
бўлими бошлиғи, юридик фанлар номзоди, доцент;*

А. А. Нуридуллаев,

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси давлат-ҳуқуқий фанлар
кафедраси ўқитувчиси, юридик фанлар номзоди*

КОНСТИТУЦИЯ – ЭКОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТАРАҚҚИЁТИНИ БЕЛГИЛОВЧИ МУҲИМ ҲУЖЖАТ

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг экология соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи нормаларини таҳлил қилиш асосида атроф муҳитни яхшилаш ва мамлакат табиий бойликларини сақлаб қолишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ифодаланган.

Таянч тушунчалар: конституция, атроф муҳит, экология, табиий ресурслар, муҳофаза, қонун ҳужжатлари.

Конституция – важный документ, определяющий развитие актов законодательства в сфере экологии

Аннотация. В статье на основе анализа норм Конституции Республики Узбекистан, регламентирующих общественные отношения в сфере экологии, сформулированы рекомендации и предложения, по совершенствованию актов законодательства, направленных на улучшение окружающей среды и сохранение природных ресурсов страны.

Ключевые слова: конституция, окружающая среда, экология, природные ресурсы, охрана, акты законодательства.

Constitution is an important document defining development of the acts of legislation in the sphere of ecology.

Annotation. The article on the basis of the analysis of norms of the Constitution of the Republic of Uzbekistan regulating public relations in ecology sphere, recommendations and the offers directed on perfection of certificates of the legislation directed on improvement of environment and preservation of natural resources of the country are formulated.

Key words: Constitution, environment, ecology, natural resources, protection, lawmaking acts.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси экологик қонун ҳужжатлари тизимида алоҳида ўрин эгаллайди. Зеро, Конституция давлатнинг асосий қонуни сифатида миллий қонунчилик, жумладан, экологик қонунчиликнинг ривожланиши, хусусан, тизимлаштирилиши учун муҳим ҳуқуқий асос ҳисобланади.

Шу билан бирга, Конституциямизнинг Асосий қонун сифатида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимида устуворлик қилиши, авваламбор, унинг ўзида, хусусан, 15-моддасидаги («Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституция-

си ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади») ҳамда 16-моддасининг иккинчи қисмидаги («Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас» деган) қоидаларнинг мазмунидан келиб чиқади.

Қолаверса, бутун қонун ҳужжатлари, шу жумладан, экологик қонун ҳужжатлари шаклланишида ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши муҳим қадам бўлди. Ушбу ҳужжатнинг экологик муносабатларни тартибга солишдаги аҳамияти беқиёс бўлиб, Конституция бошқа норматив-

ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан олий юридик кучга эга ва Ўзбекистон ҳудудида тўғридан-тўғри амал қилади¹.

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидаги экологик масалаларни тартибга солувчи нормаларни икки гуруҳга, яъни умумий ва махсус нормаларга бўлиш мумкин. Экологияга оид умумий конституциявий нормаларга (улар 20 дан ортиқ) демократик ҳуқуқ ва эркинликлар (жумладан, экологик ҳуқуқлар) Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилиниши (13-модда), давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида (давлат экологик сиёсатининг асоси ҳам табиий ресурсларни келажак авлод учун асраб-авайлашга қаратилган) амалга ошириши (14-модда), Конституция ва қонунларнинг (хусусан, экологик қонун ҳужжатларининг) устунлиги сўзсиз тан олинishi, давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар ўз фаолиятида қонунларга (шу жумладан, экологик қонунларга ҳам) риоя этишлари (15-модда) кабиларни киритишимиз мумкин. Шу сингари, барча ҳуқуқ соҳалари, шу жумладан, экологияга ҳам тааллуқли конституциявий қоидалар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17, 20, 24, 29, 30, 32, 34, 35, 42, 43, 44, 56, 78, 79, 80, 93, 98, 103, 104, 118-моддалари мазмунидан ҳам англашилади.

Ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган умумий тусдаги конституциявий нормаларнинг аҳамияти шундаки, уларда гарчанд, экологик муносабатлар тўғридан-тўғри тартибга солинмаган бўлса-да, ушбу нормалар экологик қонун ҳужжатларининг шаклланишида алоҳида аҳамиятга эга бўлган муҳим қоидаларни белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида давлатнинг экологик сиёсати соҳасидаги асосий махсус қоидалар ҳам мустаҳкамланган. Унда инсоннинг экология соҳасидаги уч қиррали фаолияти — табиатдан фойдаланиш, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизликни

таъминлаш — тартибга солинган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Конституциясида фуқароларнинг экология соҳасидаги бурчлари (50-модда), мулкдан фойдаланишда экологик талабларни инобатга олиш (54-модда), табиий ресурсларга нисбатан мулк ҳуқуқи (55-модда), маҳаллий давлат ҳокимият органларининг ваколатлари (100-модда) каби масалалар ҳам ўз аксини топган.

Мустақил давлатимиз Конституциясида мустаҳкамланган шахс, жамият ва давлатнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маданий-маърифий каби ижтимоий муносабатлар билан бирга, ҳар бир мустақил давлатнинг муҳим белгиси саналган табиат ресурсларига нисбатан мулк ҳуқуқи, ундан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш муносабатларини тартибга солишнинг асосий шarti сифатида эътироф этилди. Чунончи, Асосий қонунимизнинг 50, 54, 55 ва 100-моддаларида табиатни муҳофаза қилиш, табиий бойликларимиздан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ ҳуқуқий қоида ва талаблар мустаҳкамланди. Конституциядаги қоида ва талаблар атроф табиий муҳитга доир ҳуқуқий муносабатлар тизимидаги асосий тамойилларни белгилаб беради. Ушбу конституциявий тамойиллар асосида атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди².

Ушбу нормаларнинг аҳамияти қуйидагиларда намоён бўлади: 1) улар республика табиий ресурсларининг «умуммиллий бойлик» сифатидаги ҳуқуқий ҳолатини мустаҳкамлайди, яъни юридик маънода табиий ресурслар халқ мулкини ташкил этади ҳамда улар номидан давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари қонунда белгиланган ваколатлари доирасида иш юритади; 2) табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш зарур бўлиб, экология ҳуқуқида «оқилона» деганда «табиий ресурслардан экологик норматив ва стандартларга қатъий риоя этган ҳолда фойдаланиш» тушунилади; 3) табиат объект-

лари ва ресурслари давлат томонидан қўриқланади, яъни давлат атроф муҳитни муҳофаза қилишни таъминлаш орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг экологик ҳуқуқ ва манфаатларига, шунингдек, экологик ҳуқуқ-тартиботга риоя этилишини кафолатлайди; 4) Конституциямизнинг 100-моддасида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг устувор йўналиши сифатида ўз ҳудудида «атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш» бўйича ваколатлари мустақамланган бўлиб, бу «атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш бўйича асосий вазибаларни белгилаб беради ҳамда барча даражадаги ҳокимларга ўз ҳудуди доирасида экологик қонунчиликка риоя этилиши борасида шахсан жавобгарлик маъсулиятини юклайди»³.

Тизимлаштириш, шу жумладан, кодификациялаш натижасида янги қонун ҳужжати яратилиши кўзда тутиладиган бўлса, у конституциявий талабларни кафолатлашга қаратилган нормаларни қамраб олиши лозим бўлади. Яъни, «ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти Конституцияни амалга оширишнинг ҳуқуқий воситаси ҳисобланади»⁴. Бошқача айтганда, Конституциямизда белгиланган экологик нормалар экологик қонунчиликни кодификациялашда инобатга олиниши лозим. Умуман олганда, амалдаги экологик қонунчилик таҳлили унинг аксарият қисми конституциявий нормаларга мувофиқлигини кўрсатади, бу аввало, Конституциянинг олий юридик кучи ва бошқа қонун ҳужжатларининг унга зид бўлиши мумкин эмаслиги билан изоҳланади.

Табиийки, экологик қонун ҳужжатларини тизимлаштириш ва кодификациялашда Конституциянинг қонун ҳужжатларига таъсири ўз кучини сақлаб қолади. Зеро, «Конституция тизимлаштиришнинг ҳар қандай шаклида ҳам қонунчилик тизимини белгилаб берадиган объектив омил ҳисобланади»⁵.

Бу борада О.Г.Асмарян таъкидлаганидек, Конституция давлатнинг асосий қонуни сифатида ҳуқуқ ва қонунчилик, хусусан,

экологик қонунчилик соҳасининг ривожланиши, шу жумладан, тизимлаштирилиши учун ўзига хос ҳуқуқий асос вазифасини ўтайди. Экологик қонунлар аксар ҳолларда Конституцияга мос бўлиб, унинг қоидаларига асосланади, бу аввало, Конституциянинг олий юридик кучи ва қонунларнинг унга мос бўлиши лозимлиги талабидан келиб чиқади. Шу тариқа экологик қонун ҳужжатлари тизимлаштирилганда уларнинг Конституция билан таққосланиши ва унга қатъий мослиги текширилиши лозим⁶.

Конституцияда давлат фаолиятининг ҳамда ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий принципларидан бири сифатида экологизация принципини босқичма-босқич акс эттириш мақсадида унинг бир қатор қоидаларини аниқлаштириш ва ривожлантириш зарур. Бу борада адабиётларда Конституция даражасида ҳар бир фуқаронинг қулай атроф муҳитда яшаш ҳуқуқи ҳамда ушбу ҳуқуқи бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплатиш ҳуқуқини мустақамлаш, шунингдек иқтисодий фаолиятни тартибга солишда айнан табиий муҳитни сақлаш вазибалари устуворлигини акс эттириш мақсадга мувофиқлиги асосланади⁷.

Бир гуруҳ ўзбек олимлари эса, конституциявий моддалар мазмунидан келиб чиқиб, табиат ва унинг ресурсларини ҳам ҳаёт асоси (экологик жиҳат), ҳам фаолият асоси (иқтисодий жиҳат) сифатида тавсифлагани ҳолда экологик қонунчилик экология ва иқтисодиётнинг ўзаро чамбарчас ва узвий алоқадорлигини, Ўзбекистон Республикаси халқлари иқтисодий ва экологик манфаатларини илмий асосланган ҳолда уйғунлаштириш заруратини мустақамлашини ёзадилар⁸.

Бошқа бир гуруҳ ўзбек олимлари эса Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида фуқароларнинг қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи кафолатини таъминлаш билан боғлиқ нормаларнинг киритилиши ҳам фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг муҳим

омили бўлиб хизмат қилишини қайд этадилар⁹.

Конституция табиий ресурсларга нисбатан алоҳида конституциявий-ҳуқуқий мақом — «умуммиллий бойлик» мақомини белгилайди. Айни дамда экология соҳасидаги қонун ҳужжатларида ушбу ёндашув бироз кенгайтирилган ҳолда талқин этилишини ҳам кузатишимиз мумкин. Аксарият қонунларда, масалан, Ер кодекси, «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида» ва «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунларда конституциявий нормалар мазмунидан келиб чиқиб, табиий ресурсларга нисбатан умуммиллий бойлик мақоми мустақамланган. Бошқа бир гуруҳ қонунларда умуммиллий бойлик ёки «давлат мулки» билан айнанлаштирилган, бирхиллаштирилган (масалан, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги конституциявий қонунда, «Ўрмон тўғрисида» ҳамда «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунларда) ёхуд «умуммиллий бойлик» тушунчасидан воз кечилгани ҳолда фақат «давлат мулки» белгиланган (Фуқаролик кодекси, «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги ва «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги қонунлар). Фикримизча, «умуммиллий бойлик» «давлат мулки»га нисбатан кенгроқ тушунча бўлиб, мулкчиликнинг бошқа шакллари, яъни жамоат мулки ва хусусий мулкчиликни ҳам қамраб олади.

Шу сингари ёндашув Ю.А. Жўраев томонидан ҳам илгари сурилган: умуммиллий бойлик омма онгида умумий халқ мулки сифатида гавдаланади. Табиий ресурслар, айниқса, ер давлатга, фуқароларга, ташкилотларга тегишли бўлиши мумкин. Табиий ресурсларга нисбатан мулк ҳуқуқи ижтимоий маънода халққа тегишли бўлса-да, шаклига кўра, давлат, жамоат, хусусий мулк ҳуқуқи шаклларида амалга оширилади¹⁰.

Учинчи гуруҳга қонунларда давлат мулки билан бирга табиий ресурсларга нисбатан хусусий мулк ҳуқуқи асослари тан олинган. Хусусан, 2016 йил сентябрь ойида янги

таҳрирда қабул қилинган «Хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги ҳамда «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунларда сунъий яратилган шароитларда етиштириладиган ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликлар ҳамда ярим эркин шароитда, сунъий яратилган яшаш муҳитида ёки тутқунликда сақланаётган ва (ёки) етиштирилган ёввойи ҳайвонлар юридик ёки жисмоний шахсининг мулки бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги қоида белгилаб қўйилган.

Хорижий мамлакатлар конституцияларини таҳлил қилиш асосида атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишга оид қўйидаги асосий нормалар белгиланганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин:

— давлатнинг табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш сингари функциялари (ГФР Конституцияси 15-моддаси, Болгария Конституцияси 31-моддаси ва бошқалар);

— табиий объектлар ва ресурсларга нисбатан давлатнинг мутлақ мулк ҳуқуқи (Венгрия Конституцияси 8-моддаси, Руминия Конституцияси 12-моддаси, Болгария Конституцияси 18-моддаси ва бошқалар). Масалан, Болгария Конституциясининг 18-моддасига кўра, ер ости бойликлари, соҳил бўйи қиргоқлар, республика йўллари, шунингдек миллий аҳамиятга эга сув, ўрмон ва парклар, табиий резерватлар фақат давлатнинг мулки ҳисобланади. Давлат ушбу мулкдан фуқаролар ва жамият манфаатлари йўлида фойдаланади ва уларни бошқаради¹¹;

— халқ хўжалигини ва табиатдан фойдаланишни ривожлантиришда режалилик, яъни халқ хўжалигини режалаштириш, хомашё ва ресурсларга бўлган эҳтиёжни инобатга олиш, уларни режали тақсимлаш ва улардан оқилона фойдаланиш (Венгрия Конституцияси 7-моддаси ва бошқалар);

— атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш бўйича давлатнинг мажбуриятлари (Албания, Болгария, Венгрия, Германия, Греция,

Италия, Литва, Польша, Словакия, Словения, Украина, Хорватия, Ҳиндистон, Чехия ва Эстония конституциялари). [Масалан, Италия Конституциясининг 9-моддасида давлат табиатни муҳофаза қилади, деб ёзилган. ГФР Конституциясининг 20-а-моддасида ҳам давлат атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиши, бугунги авлод келажак авлод олдида маъсул эканлиги таъкидланган. Ҳиндистон Конституциясининг 48-а-моддасида давлат атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишга ва яхшилашга ҳаракат қилиши шартлиги ҳамда бу ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлиги белгиланган. Эрон Конституциясининг 50-моддасида ҳам табиатни асраб-авайлаш ҳозирги ва келажак авлоднинг қулай атроф муҳитга эга бўлишини ва ижтимоий мавжудлигини кафолатлаш давлатнинг бурчи эканлиги, табиатни ифлослаши ёки унга тиклаб бўлмас зарар етказиши мумкин бўлган ҳар қандай иқтисодий ва бошқа фаолият тақиқланиши белгилаб қўйилган]¹²;

— юридик ва жисмоний шахсларнинг экология соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари (ГФР Конституцияси 34-моддаси, Корея Конституцияси 35-моддаси). [Жумладан, Болгария Республикаси Конституциясининг 55-моддасида эса фуқароларнинг белгиланган стандарт ва меъёрларга мувофиқ қулай атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқлари кафолатланган ва айни вақтда фуқаролар зиммасига атроф муҳитни асраб-авайлаш мажбурияти юкланган. Шунингдек, Конституциянинг 61-моддасида фуқароларнинг давлат ва жамиятга табиий офатлар шароитида ёрдам кўрсатиш мажбурияти ҳам белгиланган. Ҳиндистон Конституциясининг 51-а-моддасида атроф табиий муҳитни, шу жумладан, ўрмон, кўл, дарё ва тирик табиатни муҳофаза қилиш ва яхшилаш ҳамда тирик мавжудотларга гамхўрлик қилиш фуқароларнинг мажбурияти сифатида кўрсатилган. Корея Конституциясининг 35-моддасига мувофиқ, барча фуқаролар ҳаёт учун қулай ва инсон соғлиги учун мақбул бўлган атроф муҳитда яшаш ҳуқуқига эга, давлат ва унинг

барча фуқаролари атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш учун барча зарур чораларни кўрадилар]¹³;

— табиатни муҳофаза қилишда жамоат бирлашмалари ва ҳаракатларининг ўрни (ГФР Конституцияси 29-моддаси, Руминия Конституцияси 24-моддаси);

— табиатни муҳофаза қилиш бўйича давлатнинг ички ва ташқи сиёсатига оид принциплар (Венгрия Конституцияси 20-моддаси ва бошқ.);

— табиий ресурслардан фойдаланишнинг асосий принциплар қоидаларини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш (Корея Республикаси Конституциясининг 120, 121, 122 ҳамда 123-моддалари) [Корея Республикаси Конституциясининг 120-моддаси табиий бойликларга, 121-моддаси — қишлоқ хўжалигига, 122-моддаси — ер мулкчилигига, 123-моддаси эса фермер хўжалиги ва балиқчиликка бағишланган]¹⁴ ва ҳ.к.

Профессор Ш.Х.Файзиев таъкидлаганидек, турли мамлакатлар конституциявий-экологик нормаларининг қисқача таҳлили Конституцияда давлат экологик сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаш, уларни норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда янада аниқлаштириш ҳамда қонунни қўллаш маданияти экологик барқарор ривожланишга имкон беришини яна бир қарра тасдиқлайди¹⁵.

Мухтасар қилиб айтганда, Конституция экология ҳуқуқи тармогининг ҳамда қонун ҳужжатлари тизимининг ривожланиши учун энг муҳим концептуал қоида ва принципларни белгилаб беради. Айни дамда конституциявий нормаларнинг бир хилда қўлланишини таъминлаш мақсадида уларни амалдаги экологик қонунларда аниқ ифодалаш бўйича тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шу жумладан, табиий ресурсларга нисбатан умуммиллий бойлик мақомини белгилаш, улардан оқилона фойдаланиш мезонларини акс эттириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг атроф муҳит соҳасидаги ваколатларини алоҳида акс эттириш мақсадга мувофиқ.

¹ Багафсил маълумот учун қаранг: *Усмонов М.Б.* Табиатни муҳофаза қилишнинг конституциявий асослари. — Т., 2002. — Б. 3–4; *Файзиев Ш.Х.* Атроф табиий муҳит муҳофазаси дастаклари. Республикада экологик хавфсизликни таъминлашнинг конституциявий муаммолари // *Ҳаёт ва қонун.* — 1998. — №4. — Б. 38–40; Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ / Масъул муҳаррир: проф. А.А.Азизхўжаев. — Т., 2008. — Б. 69–71.

² *Нажимов М. К.* Глобализация жараёнлари ва давлатнинг экологик функцияси // Давлат қурилиши ва бошқарувининг долзарб муаммолари / Масъул муҳаррир проф. Ҳ.Т.Одилқориев. — Т., 2015. — Б.145–146.

³ *Файзиев Ш. Х.* Теоретические проблемы правового обеспечения экологической политики Республики Узбекистан: Дис. ... д-ра юрид. наук. — Ташкент, 2004. — С. 88.

⁴ *Хабриева Т. Я.* Правовая охрана Конституции. — Казань, 1995. — С. 11.

⁵ *Забельиенский А. А.* О системе экологического законодательства // Проблемы совершенствования экологического законодательства и эффективность его реализации: Мат-лы межресп. науч. конф. — М., 1993. — С. 44.

⁶ *Асмарян О. Г.* Особенности систематизации экологического законодательства России // Вестник Российского государственного аграрного заочного университета. — 2009. — №1.

⁷ *Карпович Н. А.* Теоретические проблемы реализации экологической функции государства: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. — Минск, 2012. — С.32–33.

⁸ *Алихонов Б. Б.* Развитие и совершенствование экологического законодательства Республики Узбекистан: Монография. — Ташкент, 2013. — С.14.

⁹ *Қурбонов Э., Махмудов Ш.* Табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилишда Конституциянинг ўрни // Ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятида шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масалалари. — Т., 2016. — Б. 158.

¹⁰ *Жураев Ю. А.* Право и управление в области использования и охраны природной среды Республики Узбекистан: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. — М., 1996. — С.32–33.

¹¹ Қаранг: Конституции государств Европы. — М., 2001.

¹² Қаранг: Конституции зарубежных государств / Сост. проф. В.В.Маклаков. — М., 2003; *Люббе В.Г.* Основные характеристики права окружающей среды Германии // Государство и право. — 2000. — № 11. — С. 90; *Лапина М.А.* Нормативное правовое обеспечение экологической безопасности в зарубежных государствах // Экологическое право. — 2001. — №1. — С.38; Constitution of Iran / Adopted: 24 Oct 1979 / Effective: 3 Dec 1979 / Amended: 28 July 1989 / Status: 1992.

¹³ Қаранг: Конституции государств Европы. — М., 2001; Конституция Индии // www.constitution.garant.ru; Конституция Республики Корея // www.constitutions.ru/archives/67.

¹⁴ Қаранг: Конституция Республики Корея // www.constitutions.ru/archives/67.

¹⁵ Қаранг: *Файзиев Ш. Х.* Теоретические проблемы правового обеспечения экологической политики Республики Узбекистан: Дис. ... д-ра юрид. наук. — Ташкент, 2004. — С. 89.

У. Э. Фозилов,

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси касбий тайёргарлик факультети
ҳуқуқий фанлар цикли катта ўқитувчиси, юридик фанлар номзоди, доцент*

КОНСТИТУЦИЯ – ИСТИҚЛОЛНИНГ БУЮК НЕЪМАТИ

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидаги фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини мустақамловчи ҳамда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш учун асос бўлиб хизмат қилуви нормалар таҳлил қилинган.

Таянч тушунчалар: конституция, қонун, демократик давлат, адолатли фуқаролик жамияти, инсон ҳуқуқларига оид қонунчилик.

Конституция – великое достижение независимости

Аннотация. В статье проанализированы нормы Конституции Республики Узбекистан, закрепляющие права и законные интересы граждан и служащие основой для построения демократического правового государства.

Ключевые слова: конституция, закон, демократическое государство, справедливое гражданское общество, законодательство о правах человека.

Constitution is a great achievement of independence

Annotation. The article analyses norms of the Constitution of the Republic of Uzbekistan strengthening rights and legal interests of citizens and serving the foundation for building democratic law ruled state.

Key words: constitution, law, democratic state, equitable civil society, law about human rights.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси бундан роппа-роса 25 йил муқаддам, яъни 1992 йил 8 декабрда халқимиз томонидан «...инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети гоёларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англаган ҳолда, ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб, демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоён қилиб, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда» қабул қилинган эди. Конституциямиз Ўзбекистон халқи хоҳиш-иродасининг олий ифодаси, давлатимиз мустақиллигининг ҳуқуқий рамзи, фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларининг ишончли кафолатидир. Республикамизда ҳуқуқий давлат, демократик жамият барпо этиш, инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини энг олий ва устувор қадрият сифатида

қарор топтириш борасида кўпгина ютуқлар қўлга киритилди. Буларнинг барчасига Конституциямиз ҳамда қонунларимизда белгилаб қўйилган талаб ва принципларга оғишмай риоя қилиш орқали эришилди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида «1992 йил 8 декабрда қабул қилинган мамлакатимизнинг Асосий қонуни – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бугунги кунда ҳаётимизда қандай улкан, ҳал қилувчи ўрин тутаётгани ҳақида ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ...

Конституциямиз бугунги кунда юртимизда мустақил, суверен демократик давлат барпо этиш, кўп укладли бозор иқтисодиёти таркибида хусусий мулк устуворлигини мустақамлаш ва унинг ҳимоясини кафолатлаш, шунингдек, инсон

манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари олий кадрият ҳисобланган фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий ҳуқуқий ва қонунчилик пойдеворига айланди»², деган эди.

Инсон ҳуқуқлари мураккаб ва кўпқиррали бўлиб, одамнинг туғилиши ва инсон ҳуқуқларига оид ҳуқуқий нормаларнинг яратилиши билан боғлиқдир.

Маълумки, инсон ҳуқуқларига оид асосий халқаро ҳуқуқий ҳужжат — бу 1948 йилда Сан-Францискода қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясидир. Муқаддима ва 30 та моддадан иборат мазкур декларацияда инсоннинг асосий ҳуқуқлари, кадр-қиммати, шахснинг беназирлиги ва эркактар билан аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги тўғрисидаги қоидалар ўз ифодасини топган. Унда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларни тўрт гуруҳга ажратиб таснифлаш мумкин: 1) шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар; 2) фуқаровий ҳуқуқлар; 3) сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар; 4) иқтисодий, ижтимоий-маданий ҳуқуқлар.

Демократик тараққиёт йўлини танлаган ва жаҳон ҳамжамиятига аъзо бўлган ҳар бир давлат ўз фуқаролари учун юқорида санаб ўтилган ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлашни ўз зиммасига олади. Ўзбекистон Республикаси ҳам ҳуқуқий демократик ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш йўлидан бориб, инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида ижобий ишларни амалга оширмоқда.

Конституциямизнинг қабул қилиниши халқимиз тарихида туб бурилиш ясади, янги демократик ҳуқуқий давлат қуриш асосини яратди. Бунда бажарилиши лозим бўлган вазифалардан бири мамлакатда яшовчи ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ кафолатлашдир. Асосий Қомусимизнинг ҳар бир моддаси инсон учун, унинг моддий ва маънавий талаб, эҳтиёжлари ва манфаатларини қондириш, халқимизнинг равнақи учун хизмат қилади. Унда, биринчи навбатда, шахс манфаати устун деб белгиланган, инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий кадрият деб муҳрланган. Шунингдек, шахс ва жамият

муносабатларининг барча қирралари акс эттирилган. Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини эътироф этиш, таъминлаш, ҳимоялаш, уларга риоя қилиш, ҳар қандай ноқонуний аралашув ёки чеклашдан муҳофаза қилиш вазифасини давлат ўз зиммасига олган.

Конституцияда фуқароларнинг белгиланган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва шахсий ҳуқуқлари жаҳондаги ривожланган давлатлар, умум эътироф этган халқаро ҳужжатлар талабларига монанд равишда кафолатланган. Бош қомуснинг ҳар бир нормасида ўзбек менталитети, тарихи, кўп миллатли халқимизнинг иродаси, инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети ғояларига содиқлиги, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган қоидалари устунлиги тан олинган ҳолда улуг халқимиз тафаккури дурдоналари билан бойитилган юксак маънавият ғояларига асосланган.

Республикамизнинг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов: «...Бугунги шиддатли даврда чинакам маънавиятли ва маърифатли одамгина инсон кадрини билиши, ўз миллий кадриятларини, миллий ўзлигини англаши, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаши учун фидойилик билан кураша олиши мумкин»³, — деб таъкидлаганди.

Жамиятда шахснинг тутган ўрни ва мавқеи, фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда бурчлари конституциявий ҳуқуқ нормаларида ўз ифодасини топган. Инсон ва жамият, шахс, давлат муносабатларидаги қатор муаммолар ечимини топишда, авваламбор, шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатига қанчалик эътибор берилаётгани катта аҳамиятга эга. Шахс ҳуқуқий ҳолатининг асослари, унинг таркибий қисмлари ҳар бир тараққий этган мамлакатнинг конституцияси ва конституциявий қонунларида мустаҳкамлаб қўйилган.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Конституциямизнинг асосий принципи бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси

ижтимоий-сиёсий тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг инсон ҳуқуқлари соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган беш стратегик йўналиши белгилаб берилган. Булар:

1) инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмини вужудга келтириш;

2) инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган принциплари ва нормалари асосида миллий қонунчиликни такомиллаштириш;

3) қабул қилинган қонунларга оғишмай амал қилиш механизмини ишлаб чиқиш ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида қонун устунлигини таъминлаш;

4) одил судлов ислоҳотини амалга ошириш орқали бутун суд тизимини демократлаштириш;

5) аҳоли, ёшлар ва мансабдор шахслар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ўртасида ҳуқуқий-тарбиявий ишларни тубдан яхшилаш, уларнинг онги ва маданиятини юксалтириш.

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш ҳозирги замоннинг энг долзарб муаммоларидандир. Инсон ҳуқуқлари — жамиятнинг олий қадрияти, муҳим конституциявий институт. «Инсон ҳуқуқлари» бутун инсониятнинг интилишлари, орзу-умидларини ўзида жамлаган кенг қамровли тушунчадир. Инсон ҳуқуқлари ҳозирги замон тараққиётининг асоси ва давр талаби, демократик ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгиси, ҳар бир давлатнинг демократик тараққиёти даражасини кўрсатувчи мезондир. Шунинг учун ҳам инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқда ва миллий ҳуқуқий тизимда муҳим ўрин тутади.

Инсоният ўз тарихий ривожланиши жараёнида инсон ҳуқуқларига оид қонунчилик тизимини яратган. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик — инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари ҳақидаги қонунлар мажмуидир. Бу қонунлар қаторига инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатлар ва миллий қонунлар киради.

Ўзбекистон Республикаси ўз Конституциясида инсон ҳуқуқларига оид қуйидаги

муҳим халқаро-ҳуқуқий қоидаларни мустаҳкамлаган:

1) инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тан олиш ва ҳимоя қилиш — давлатнинг мажбурияти;

2) инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тизимнинг халқаро ҳуқуқий андозаларга мос келиши ва бу соҳада халқаро ҳуқуқнинг устунлиги;

3) инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари унга туғилганидан бошлаб тааллуқли эканлиги, яъни табиий ҳуқуқ ғояси ва назариясининг эътироф этилиши;

4) ҳаммага ва ҳар кимга инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларининг тенг ва баробар тааллуқлилиги;

5) инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари давлат идоралари фаолиятининг мазмунини ташкил этиши;

6) фуқароларнинг кафолатланган суд ҳимояси билан таъминланиши;

7) инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахслар ҳуқуқларининг бузилмаслиги зарурлиги.

Адолатли фуқаролик жамияти барпо этилиши барча фуқароларнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига оид билимларни етарли даражада эгаллашларини тақозо этади. Ҳозирги вақтда инсон ҳуқуқлари БМТнинг 80 дан ортиқ халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларида мустаҳкамланган. Эндиликда дунёда инсон ҳуқуқларини халқаро-ҳуқуқий нормалар тизими ҳамда уларнинг кафолатлари механизмларини ялпи ҳолатда мустаҳкамлашга йўналтирилган халқаро гуманитар ҳуқуқ шаклланмоқда.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича барча нормаларни бажариш давлат идоралари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг мажбурияти ҳисобланади. Унда жамият кенг қатламларининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳақидаги билимларга эга бўлиши катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларига оид қонунчиликнинг ўзига хос жиҳатларига: а) инсон ҳуқуқларини тўла

амалга оширишнинг ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш; б) одил судловни ривожлантириш; в) инсон ҳуқуқларига оид халқаро ва миллий институтларни ривожлантириш; г) янги демократик институтларни, яъни нодавлат ва нотижорат ташкилотлари фаолиятини янада ривожлантириш киради.

Давлатимизнинг Биринчи раҳбари Ислон Каримов таъкидлаганидек, «Конституция-мизда бизнинг бош мақсадимиз — фақат ҳуқуқий демократик давлат эмас, балки адолатли жамият қуриш экани аниқ-равшан белгилаб берилган. Бу мақсад ҳаётимизда мустаҳкам қарор топган оддий ҳақиқат... Бизнинг Конституциямиз, эски совет конституциясидан фарқли ўлароқ, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг манфаатлари давлат манфаатларидан устун эканини муҳрлаб қўйиш орқали одамлар учун муносиб ҳаёт шароитини яратишни ўзининг муҳим мақсади қилиб белгилади»⁴.

Модомики, жамият муайян ҳудуд (давлат)да яшаётган шахслар уюшмасидан ташкил топар экан, у ҳолда ўша ҳудудда ўша даврда яшовчи ҳар бир шахс шу жамиятнинг хавфсизлиги ва барқарорлиги учун масъулдир. Ушбу масъулиятни ҳар бир инсон виждон амри ва қонунлар таъсирида ҳис қилади. Бу эса инсонларда пок виждонни шакллантириш ва салмоқли таъсир кучига

эга жамият қонунларини ишлаб чиқиш ҳамда ижтимоий ҳаётга жорий этиш талабини қўяди».

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг: «Айни вақтда қонунларнинг тўлиқлиги, ҳаётийлиги ва тўғридан-тўғри амалга ошириш механизм-ларига эга экани ҳақида сўз юритганда, бу борада ҳали кўп иш қилишимиз кераклигини таъкидлаш зарур. Афсуски, ҳозирги кунда қонунларнинг ислоҳотлар самарасига таъсири етарлича сезилмаяпти. Уларнинг ижтимоий муносабатларни бевосита тартиб-га солишдаги роли пастлигича қолмоқда»¹, деган сўзлари фикримиз тасдиғидир.

Конституцияда мустаҳкамланган, юксак маънавий-ахлоқий қадриятлар ва миллий анъаналарнинг ҳаётга татбиқ этилиши жамиятимизнинг янгиланишига кўмаклашадди, мамлакатимиз фуқароларида янгича турмуш тарзи ва тафаккурни шакллантиради.

Хулоса қилиб айтганда, Конституция ва қонунларимиз фуқароларимиз онгида инсон, унинг шаъни, қадр-қимматини ҳимоя қилиш, мустақиллик, эркинлик, масъулият, ўз манфаатларини юрт манфаатлари билан уйғун ҳолда кўриш каби эзгу гояларни қарор топтиришга хизмат қилади. Зеро, Конституция эҳромининг чўққисига инсон, фуқаро ва унинг қонуний манфаатлари қўйилган.

¹ Каримов И. А. Асосий вазифамиз — жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат // Халқ сўзи. — 2015. — 6 дек.

² Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т., 2011. — Б. 16.

³ Каримов И.А. Асосий вазифамиз — жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат // Халқ сўзи. — 2015. — 6 дек.

⁴ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали тадбирдаги «Қонун устиворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови» номли маъруза // Халқ сўзи. — 2016. — 7 дек.

С. Б. Юсупов,

*Тошкент давлат юридик университетининг
мустақил тадқиқотчиси*

МУРОЖААТ ҚИЛИШ – ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ МУҲИМ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚИ

Аннотация. Мақолада жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишнинг энг юқори шакли бўлган конституциявий мурожаатларнинг юридик табиати, мақсади ва субъектлари таркиби таҳлил қилинган.

Таянч тушунчалар: жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаати, конституциявий мурожаат, конституциявий суд, субъектив конституциявий ҳуқуқ, конституциявий мурожаатнинг мақсади, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлар, мурожаатларни кўриб чиқишнинг конституциявий судлов тартиби.

Обращение в Конституционный суд – важное субъективное право физических и юридических лиц

Аннотация. В статье анализируется конституционное обращение как высшая форма рассмотрения обращений физических и юридических лиц, а также его юридическая природа, понятие, цели и субъектный состав. Раскрываются законодательные основы рассмотрения Конституционным судом конституционных обращений.

Ключевые слова: обращения физических и юридических лиц, конституционное обращение, конституционный суд, субъективное конституционное право, цель конституционного обращения, конституционные права и свободы, конституционно-судебный порядок рассмотрения обращений.

Address to the Constitutional court is an essential subjective right of natural persons and legal entities

Annotation. The article analyses constitutional address as a higher form of contemplation of address of natural persons and legal entities and its juridical nature, concept, purpose and subjective structure. The author reveals legislative basis of contemplation of address by Constitutional court.

Key words: address of natural persons and legal entities, constitutional address, Constitutional court, subjective constitutional law, purpose of constitutional address, constitutional rights and duties, constitutional-judicial procedure of contemplation of address.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига долзарб ижтимоий ҳамда шахсий масалалар юзасидан мурожаат қилиш – инсоннинг муҳим конституциявий ҳуқуқларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида: «Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт», – дейилган. Унга кўра, ҳар бир шахс (шу жумладан юридик шахс) ўзини қизиқтирган масалалар бўйича яқка

ўзи ёки кўпчилик бўлиб (жамоа шаклида) тегишли мутасадди давлат органларига, муассаса ва ташкилотларга, халқ вакиллари, яъни депутат ва сенаторларга ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилишга ҳақлидир. Бу конституциявий сиёсий ҳуқуқдан Ўзбекистонда яшовчи барча фуқаролар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эллик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам фойдаланишлари мумкин. Шу билан бирга, фуқароларнинг мазкур ҳуқуқларини амалга ошириши бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларига путур етказмаслиги керак.

Ушбу конституциявий субъектив ҳуқуқни реал амалга оширишни кафолатлаш ва тегишли ҳуқуқий-ташкилий механизмларни яратиш бугунги ислоҳотларнинг ҳам марказида турибди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида давлат органлари ва ташкилотларнинг эътибори «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, аҳоли билан очиқ мулоқотни йўлга қўйишнинг янги, самарали механизми ва усуллари жорий этиш, мансабдор шахсларнинг аҳоли олдида ҳисобот бериши тизимини амалда татбиқ этиш, шу асосда халқнинг давлат ҳокимиятига бўлган ишончини мустаҳкамлашга қаратилди»¹.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг демократлашуви, фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланиши, тадбиркорлик ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг фаоллашуви муносабати билан 2014 йил 3 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунига 2017 йил 3 январда ўзгартиш киритилди. Мазкур қонун давлат органлари ва муассасаларига жисмоний ва юридик шахслар мурожаат қилиши натижасида келиб чиқадиган муҳим ижтимоий муносабатларни тартибга солишга хизмат қилади.

Қонуннинг қабул қилинишига мамлакатимизда кейинги йилларда давлат органларига мурожаатлар сони ошаётганлиги ҳам туртки бўлди. Масалан, 2013 йилда «Давлат хизматлари кўрсатиш ягона интерактив портали» (ДХКЯИП)нинг Интернетдаги www.my.gov.uz манзилига давлат ва хўжалик бошқарув ташкилотларига фуқаролардан 600 дан зиёд мурожаатлар келиб тушди. 2014 йилда ДХКЯИП орқали 97 минг мурожаат йўланди. Улардан 67 фоизи (65 мингга яқини) ўрганилиб, жавоб берилди. Бу мурожаатларнинг 52 фоизи юридик шахслардан, 48 фоизи жисмоний шахслардан келиб тушди².

Яна бир эътиборли рақам. 2016 йил 24 сентябрдан Ўзбекистон Республикаси

Бош вазири виртуал қабулхонаси иш бошлаган бўлса, унга икки ой мобайнида 217 мингга яқин мурожаатлар келиб тушди³.

Шундан келиб чиқиб, 2016 йил 28 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чоратадбирлар тўғрисида»ги фармони чиқди⁴. Мазкур фармон билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари, унинг жойлардаги бўлимлари — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги, шунингдек, туман ва шаҳарлардаги Халқ қабулхоналари тизими жорий қилинди. Ушбу Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхоналарга келиб тушаётган мурожаатларни ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида қабул қилиш, жамлаш ва тизимлаштириш, уларни ўз вақтида ҳамда сифатли кўриб чиқиш кафолатлари яратилди.

Мурожаат қилиш жисмоний ва юридик шахсларнинг конституциявий субъектив ҳуқуқи бўлиб, у ихтиёрий равишда амалга оширилади. Мурожаат қилиш институтининг ривожланаётганлиги ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг тобора демократлашиб бораётганлигининг жиддий кўрсаткичидир. «Мурожаат» ибораси умумлаштирувчи тушунча бўлиб, у фуқаролар ва ташкилотларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини намоён қилишнинг муҳим воситаси, давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этишни таъминловчи таъсирчан воситадир⁵. Баъзи олимлар мурожаат қилишни давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш шакли ва давлат ҳокимияти ҳамда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш воситаси, деб ҳисоблайдилар⁶. Мурожаатлар аҳоли билан, фуқаролик жамияти институтлари билан давлат аппаратини боғловчи восита эканлиги, ўзида давлат бошқарувини такомиллаштиришга қаратилган муҳим ахборотни жамлаган бўлиши билан аҳамиятлидир. Уларда ижтимоий ҳаётдаги долзарб масала-

ларнинг ечимини илгари сурувчи таклифлар ҳам ифодаланиши мумкин. Мурожаатлар шахсий ёки ижтимоий манфаатларни акс эттирганлигига қараб, ариза, таклиф ёки шикоят шаклида бўлиши қонунда фарқланган.

Ариза — ҳуқуқларни, эркинликларни ва қонуний манфаатларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимос баён этилган мурожаат.

Таклиф — давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган мурожаат.

Шикоят — бузилган ҳуқуқларни, эркинликларни тиклаш ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб баён этилган мурожаат (Қонуннинг 5-моддаси).

Конституциямиз ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқини кафолатлайди (44-модда). Парламент томонидан 1995 йил 30 августда «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги қонуннинг⁷ қабул қилиниши юқоридаги конституциявий ҳуқуқни кафолатлаш механизмларини яратди.

Фуқаролар ва юридик шахсларнинг давлат органларига мурожаат қилиши барча мутасадди субъектлар қатори Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди фаолиятига ҳам тааллуқлидир. Жисмоний ва юридик шахсларнинг Конституциявий судга мурожаат қилиши энг юқори ва масъулиятли шакли (тури) бўлиб, уни «*конституциявий мурожаат*» деб аташ мумкин.

Хорижий ва миллий қонунчиликни ўрганиш асосида хулоса қилиш мумкинки, конституциявий мурожаат деганда Конституциявий судга фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг манфаати учун муайян норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг (унинг алоҳида қисмининг) конституциявийлигини аниқлашни ёки уни гайриконституциявий деб топишни сўраб, шунингдек, халқаро шартноманинг Конституцияга мослигини аниқлашни сўраб ёзма (электрон, оғзаки) тақдимнома киритилиши тушунилади.

Шунингдек, конституциявий мурожаат—бу фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда юридик шахслар ҳуқуқларини амалга оширишни таъминлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида Конституциявий судга мамлакат Конституцияси ва қонунларига расмий шарҳ беришни сўраб киритилган илтимосномадир⁸.

Конституциявий мурожаатларнинг асосий мақсади Конституциявий суд воситалари ёрдамида юқори давлат даражасида фуқароларнинг ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ, эркинлик ҳамда манфаатларига риоя этилишини таъминлаш, жамиятдаги социал низоларни бартараф этиш, улардан тушадиган давлат органлари фаолиятини такомиллаштиришга оид таклифларни инобатга олишдан иборат.

Конституциявий мурожаатнинг субъекти масаласи дунё мамлакатлари қонунчилигида турлича ҳал этилган. Масалан, «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги қонуннинг 19-моддасида Конституциявий судга масалаларни киритиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар санаб ўтилган: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери, Олий Мажлис Сенатининг Раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида тўртдан бир қисмидан иборат депутатлар гуруҳи, Олий Мажлис Сенати аъзолари умумий сонининг камида тўртдан бир қисмидан иборат сенаторлар гуруҳи, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси ва Бош прокурори Конституциявий судда кўриб чиқиш учун масалалар киритиш ҳуқуқига эга. Масала Конституциявий суднинг камида уч нафар судьяси ташаббуси билан ҳам киритилиши мумкин⁹. Фикримизча, шу юридик шахсларни конституциявий мурожаатнинг субъектлари деб ҳисоблаш мумкин.

Россия Федерацияси, Германия, Беларусь Республикаси ва бошқа қатор Европа

мамлакатларида Конституциявий судлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялашга оид муурожаатларини кўриб чиқади. «Қозоғистон Республикасининг Конституциявий кенгаши тўғрисида»ги қонуннинг 20-моддасига кўра, Республика Президенти, Сенат ва Парламент Мажлисининг раислари, парламент депутатларининг бешдан бир қисми, Бош вазир, судлар, ҳужжатларининг конституциявийлиги текшириладиган органлар ва мансабдор шахслар конституциявий иш юритишнинг субъекти (иштирокчиси) бўладилар. Фуқаролар ўз ариза ва шикоятларини Омбудсман орқали ёки муурожаат этиш ҳуқуқига эга субъектлар орқали Конституциявий судга юборишлари мумкин¹⁰.

Айтиш жоизки, 2015 йил 9 январда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланган¹¹. Унда таъкидланишича, Конституциявий судда муурожаатлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида»ги қонун ҳамда ушбу Низомга риоя этган ҳолда кўриб чиқилади. Конституциявий судга келиб тушган муурожаатлар (электрон ва қоғозга ёзилган ҳолда) Конституциявий суд девонида рўйхатга олинади ва расмийлаштирилади. Улар Конституциявий суд раиси ёки ўринбосари томонидан ўрганиб чиқиш учун ижрочиларга йўлланади.

Муурожаатлар Конституциявий суд ваколати доирасидаги масалаларни акс эттирган деб ҳисобланиши учун қуйидаги талаблардан бирига жавоб бериши лозим:

а) муурожаатда Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, ҳукумат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро шартномавий ва бошқа

мажбуриятларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини текшириш сўралган бўлса;

б) муурожаатда Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқлигини текшириш сўралган бўлса;

в) муурожаатда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг нормаларига шарҳ бериш сўралган бўлса;

г) муурожаатда Конституциявий суд томонидан қонунчилик ташаббуси тартибидан қонун нормаларини такомиллаштириш таклифи берилган бўлса;

д) муурожаатда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари ва бошқа ҳужжатларининг (индивидуал хусусиятга эга бўлган ҳужжатлар бундан мустасно) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлигини текшириш сўралган бўлса.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, қонунчиликда конституциявий муурожаатларнинг предметини белгилашга интилишлар мавжуд. Бу ерда энг асосийси, муурожаат конституциявий суд ваколатига кирувчи масалалар доирасида бўлиши лозим. Айниқса, шунга эътибор қаратиш муҳимки, муурожаат (ариза, шикоят) сиёсий, молиявий эмас, балки айнан ҳуқуқий мазмунда, юридик низоли масала хусусида бўлиши лозим¹².

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг юқоридаги Низомида белгиланишича, муурожаатлар Конституциявий суд судьяси томонидан ўн беш кун ичида, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади.

Муурожаатни ўрганиб чиқаётган Конституциявий суднинг судьяси муурожаатни тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқиш мақсадида:

— кўриладиган масалага аниқлик киритиш ва қўшимча материаллар тўплаш

учун мурожаат йўллаган жисмоний шахсни ёки юридик шахснинг вакилини Конституциявий судга таклиф қилиши;

– Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлиги шубҳа остига олинаётган қонун ҳужжатини ижро этиш амалиётини таҳлил қилиши;

– Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг шарҳ бериш сўралган нормасини қўллаш амалиётини ўрганиши;

– тегишли қонун ҳужжатининг ижросини таъминлаётган ёки нормасини қўллаётган мутасадди ташкилот вакиллари таклиф этиши;

– тегишли идора ва мансабдор шахслардан кўрилатган мурожаатга оид қўшимча маълумотлар талаб қилиши мумкин.

Мурожаатни ўрганиб чиқувчи судья мурожаатда кўрсатилган масалани Конституциявий судда кўриб чиқиш учун асос борлиги тўғрисида хулосага келса, бу ҳақда тегишли маълумотнома тузиб, уни Конституциявий суднинг раиси ёки унинг ўринбосарига тақдим этади.

Конституциявий суд раиси ёки унинг ўринбосарининг топшириғига мувофиқ ушбу мурожаат, маълумотнома ва унга тааллуқли бошқа материаллар Конституциявий суднинг бошқа судьялари томонидан ўрганиб чиқилади.

«Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги қонуннинг 19-моддасига мувофиқ, Конституциявий суднинг камида уч судьясининг ташаббуси билан мурожаатда кўрсатилган масала Конституциявий судда кўриб чиқиш учун киритилиши мумкин. Акс ҳолда мурожаатни дастлаб ўрганиб чиққан судья томонидан Конституциявий суднинг раиси ёки унинг ўринбосари билан келишилган ҳолда мурожаат этувчига масалани Конституциявий судда кўриб чиқиш учун асос топилмаганлиги тўғрисида хабар берилади.

Низомда Конституциявий суд ваколатига кирмайдиган масалалар акс эттирилган мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби ҳам белгиланган. Ҳал этилиши бошқа орган-

ларнинг ваколатига кирувчи масалалар акс эттирилган мурожаатлар Конституциявий суд раиси ёки унинг ўринбосари билан келишган ҳолда беш кунлик муддатдан кечиктирмай тегишли органларга юборилади ва бу ҳақда мурожаат этувчига хабар берилади.

Конституциявий судда фуқароларни ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиш чоғида оғзаки шаклда берилган мурожаатлари умумий тартибда кўриб чиқилади.

Конституциявий суд девонида мурожаатларнинг ҳисоби олиб борилади. Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари, шунингдек жамият ва давлат манфаатлари бузилишини келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлаш мақсадида мурожаатлар умумлаштирилиб, таҳлил этилади. Мурожаатларни ўрганиш натижалари бўйича Конституциявий суднинг ярим йиллик ва йиллик хизматга оид кенгашларига ёзма ҳисобот тақдим этилади.

Мурожаатлар билан ишлаш бўйича ҳисоботда мурожаатларнинг мавзуси ва улар келиб тушган ҳудуд бўйича таҳлили, мурожаатларнинг олдинги йилга нисбатан ўсиш динамикаси ва бошқалар кўрсатилади.

Фуқароларнинг мурожаатлари асосида уларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини Конституциявий суд томонидан ҳимоя қилиш борасида Германиянинг тажрибаси эътиборга лойиқ. Ушбу давлат Асосий қонунининг 92-моддасида Федерал Конституциявий суднинг ваколатлари мустаҳкамланган. Ушбу модданин 4-а-бандида қуйидаги қоида мавжуд: «Давлат ҳокимияти томонидан ҳар қандай шахснинг асосий ҳуқуқи ёки Асосий қонуннинг 20-моддаси 4-банди, 33, 38, 101, 103, 104-моддаларида белгиланган ҳуқуқларининг бузилиши юзасидан келтирилган конституциявий тусдаги мурожаат (шикоят)лар юзасидан Федерал Конституциявий суд ўз хулосасини беради¹³. Германия Конституциясининг 8-моддасига кўра, Федерал Конституциявий суд фуқароларни бир қатор ҳуқуқлардан (сўз, матбуот, таълим бериш, бирлашиш

эркинлиги, мулк ҳуқуқи, бошпана ҳуқуқидан) маҳрум этиши мумкин¹⁴. Федерал Конституциявий суд муайян орган ёки шахснинг мурожаати асосида гайри-конституциявий сиёсий партияни тақиқлаши ва фуқароларни асосий ҳуқуқлардан маҳрум этиш масаласини кўриб чиқиши мумкин¹⁵.

Хорижий конституциявий судлар тажрибасида ҳам, миллий қонунчиликда ҳам конституциявий мурожаатларни кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш тартиби белгиланган. «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги қонуннинг IV бўлими «Ишни Конституциявий суд мажлисида кўриб чиқиш» деб номланади. Унда мажлис ўтказиш, ишни (мурожаатларни) кўриб чиқиш, тегишли материалларни ўрганиш (текшириш), гувоҳлар, экспертлар ва мутахассисларни эшитиш, музокара ўтказиш тартиби ҳамда талаблари мустаҳкамланган. Қонуннинг V бўлими Конституциявий суднинг қарорлари (хулоса ва ажримлари)ни қабул қилиш тартибини бел-

гилайди. Қарорлар Ўзбекистон Республикаси номидан чиқарилади. Қарор учун овоз бериш судьялардан номма-ном сўраш орқали ўтказилади. Қарор иш материаллари олинган пайтдан бошлаб уч ой ичида қабул қилинади (мурожаатлар бўйича эса ўн беш кун ичида, қўшимча ўрганиш ва текшириш талаб этилганда — бир ойгача муддатда). Конституциявий суднинг қарори матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради. Қарор қатъий ва унинг устидан шикоят қилиш мумкин эмас.

Шундай қилиб, жисмоний ва юридик шахсларнинг Конституциявий судга мурожаат қилиши уларнинг муҳим конституциявий субъектив ҳуқуқи бўлиб, бундай конституциявий мурожаатлар орқали фуқароларнинг ва юридик шахсларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари ишончли ва кафолатли муҳофаза этилади. Бу институт жамиятда конституциявий қонунийликнинг қарор топишига хизмат қилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. — Т., 2017. — Б. 7—8.

² Юлдашев А. Гражданское общество и выборы: практические аспекты // Демократизация избирательной системы и законодательства: опыт Узбекистана и зарубежных стран. — Т., 2015. — С. 51.

³ Халқ сўзи. — 2016. — 29 нояб.

⁴ Халқ сўзи. — 2016. — 29 дек.

⁵ Қаранг: Козлова Е.И., Кутафин О.Е. Конституционное право России. — М., 1995. — С. 204—205.

⁶ Қаранг: Байлай М.В. Конституционное право Российской Федерации. — М., 2007. — С. 259—260.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. — 1995. — № 9. — 183-м.

⁸ Гуревич Ф.И. Что такое конституционное обращение? // Крымское время. — 2010. — 10 апр.

⁹ Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди (ҳужжатлар тўплами). — Т., 2015. — 16 б.

¹⁰ Қаранг: Указ Президента Республики Казахстан от 29.12.1995 № 2737 «О Конституционном Совете Республики Казахстан» // Ведомости Верховного Совета Республики Казахстан. — 1995. — №24. — Ст. 173.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди (ҳужжатлар тўплами). — Т., 2015. — Б. 55—58.

¹² Қаранг: Краткий конспект лекций по дисциплине «Конституционное правосудие». — Новочеркасск, 2011. — С. 19.

¹³ Қаранг: Адилқариева Ф.Х. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ҳуқуқий мақоми. — Т., 2012. — Б. 110—111.

¹⁴ Қаранг: Одилқариева Ф.Х. Германия Федератив Республикаси Конституциявий суди: ҳуқуқий мақоми ва ваколатлари. — Т., 2012. — 26 б.

¹⁵ Қаранг: Йоханнес К. Траут. Компетенции Федерального Конституционного суда ФРГ // Научные доклады и тезисы ученых МГУ им. М.В. Ломоносова. — М., 2002. — С. 53.

*М. И. Махсадов,
Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник
институтини умумназарий ҳуқуқий фанлар кафедраси ўқитувчиси*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯСИ — МАМЛАКАТИМИЗДА МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикаси миллий сиёсатининг хусусиятлари ҳамда кўп миллатли Ўзбекистонда миллатлараро тотувликни таъминлашнинг конституциявий асослари кўриб чиқилади.

Таянч сўзлар: миллий сиёсат, миллатлараро тотувлик, миллат, элат, миллий-сиёсий модел, сиёсий институтлар, байналмилаллик.

Конституция Республики Узбекистан — правовая основа обеспечения межнационального согласия

Аннотация. В статье рассматриваются особенности национальной политики Республики Узбекистан и конституционные основы обеспечения межнационального согласия в многонациональном Узбекистане.

Ключевые слова: национальная политика, межнациональное согласие, нация, народность, национально-политическая модель, политические институты, интернациональность.

Constitution of the Republic of Uzbekistan is rightful principles of ensuring international consent

Annotation. The article distinguishes peculiarities of national politics of the Republic of Uzbekistan and constitutional foundations ensuring international consent in multinational Uzbekistan.

Key words: national policy, international consent, nation, people, national-political model, political institutions, international.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгач мамлакатда инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларга муносиб турмуш шароитини яратиш, миллатлараро тотувликни таъминлаш ва ривожлантириш, ҳокимият тизимини демократлаштириш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларига айланди.

Ўзбекистон кўп миллатли давлат ҳисобланади. Мамлакатда яшовчи барча миллат ва элатларнинг тенг ҳуқуқчилигини таъминламай туриб барқарорликка эришиб бўлмайди.

Миллат ва элатларнинг жамият ҳаётида тенглигини таъминлашда кўплаб воситалар бўлиб, улар орасида барча миллат ва элатларнинг тилларини, анъаналарини ҳурмат қилиш ва уларнинг ривожланишига шароит

яратиш таъсирли, кучли ва самарали воситадир.

Мамлакатимизда турли (рус, қozoқ, тожик, туркман) тилларда ўқиш ташкил қилинган мактабларнинг мавжудлиги, турли тилларда оммавий ахборот воситалари (радио, телевидение, газета ва журналлар) фаолият кўрсатиши бунинг амалий ифодасидир. Фаолият кўрсатаётган турли миллатларнинг миллий-маданий марказлари камчиликни ташкил этаётган миллатларнинг миллий анъаналари сақланиб қолишига, миллат сифатида яшаб, ривожланишига ёрдам беради.

Ўзбекистонда бошқа миллат ва элатларнинг тили, урф-одатларини чеклашга қаратилган уринишлар йўқ, бундай чекловларни қонун ҳужжатларида ҳам учратмаймиз.

Ўзбекистон ўз тараққиётини мамлакатда яшовчи барча миллатларнинг тенглиги,

миллий маданиятларнинг ривожланишида кўради. Ўзбекистонда барча миллатларнинг тенглиги Конституцияда ўз ифодасини топган.

Ўзбекистоннинг миллатлараро тотувлик соҳасидаги миллий сиёсати халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган қоидаларига тўлиқ мос келади.

Биз бунини Конституциянинг мазмунида акс этган қуйидаги принципларда кўришимиз мумкин:

– инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенетети ҳолига содиқлик;

– халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган қоидаларининг устуңлигини тан олиш;

– республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш;

– инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш;

– фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш;

– миллий тил, урф-одат ва анъаналар ҳурмат қилинишини таъминлаш ва уларнинг ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

– миллати, жинси, ирқи, тили, дини, эътиқоди, шахси, ижтимоий келиб чиқиши ва мавкеидан қатъи назар, барча фуқароларнинг тенглиги;

– миллий мансублигидан қатъи назар, фуқароларнинг мамлакат сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги тенг ҳуқуқли иштирокини кафолатлаш, уларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши қаратилган миллий, ирқий, диний адоват ва низони тарғиб қилувчи фаолиятга йўл қўймаслик;

– Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт, сиёсий институтлар, мафкура ва фикрлар хилма-хиллиги асосида ривожланишини таъминлаш.

Булар Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган ва таъбир жоиз бўлса, «этник ранг» касб этган асосий қоидалардир. Аслида эса, «Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади»¹, – деган қоидадан келиб чиқилса, Асосий қонунимизда

белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлар барчага бирдек тегишли экани англашилади.

Демак, миллий сиёсатимизнинг асосий мақсади кишиларнинг, этник ва бошқа белгиларидан қатъи назар, ягона Ўзбекистон халқи сифатида жипслашуви ва бирлигига эришишдир.

Ўзбекистоннинг миллий сиёсат модели унинг ташқи сиёсий фаолиятида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Бу мамлакатимизнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамда бошқа халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг ҳамкорлик, тинчлик, этник низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш фаолиятига мос сиёсат олиб бораётганида ҳам яққол кўринмоқда.

Давлатимиз миллат ва элатларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишга, миллатлараро тотувликни таъминлашга доир халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни амалга ошириш, халқаро майдонда этник бирликларнинг ҳуқуқларини таъминлаш масаласига доир принципларни ишлаб чиқиш жараёнларида ҳам фаол қатнашиб келмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Ирқий камситишнинг барча шаклларини тугатиш тўғрисидаги халқаро конвенция, Геноцид жиноятининг олдини олиш ва унинг учун жазолаш тўғрисидаги конвенция, Миллати, элати, дини ёки тили нуқтаи назаридан кам сонли бўлган гуруҳга мансуб шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги декларация каби бир қатор халқаро ҳужжатларни ратификация қилгани ҳам мазкур йўналишдаги ҳаракатлар қўламини белгилаб беради².

Халқаро демократик принципларга мувофиқ келувчи, фуқароларнинг тенг ҳуқуқчилигини белгилаб берган қонунчилик базаси миллатлараро тотувликни сақлаш ва мустаҳкамлашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилаётган кам сонли миллат ва элатлар ҳуқуқларини ҳимоялашнинг давлат концепцияси

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасида аниқ акс эттирилган бўлиб, унга кўра, «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади».

Республикада яшовчи бошқа миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилиш уларни нисбатан ҳеч қандай чекловчи қоидалар белгиланмаслиги ҳамда уларнинг ҳимоя қилиниши ва ривожланишига олиб келувчи шароитларни яратиш, миллатлараро тотувликни тарғиб қилувчи маданий-ҳуқуқий тадбирлар белгилаш орқали амалга оширилади.

Диний қарашларнинг ҳурмат қилиниши либерал анъаналар билан боғлиқ. Либерал анъаналарни ҳурмат қилиш давлат томонидан диний ташкилотларга алоҳида эътибор қаратилиши бўлиб, у жамоат ва хусусий соҳада турлича қарашларга хизмат қилади³.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8-моддасида «Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади», деган қоида белгиланиб, унда «халқ» тушунчасига аниқ ва қисқа ҳуқуқий таъриф берилган.

«Халқ» тушунчасини таърифлаш ҳуқуқий муносабатларда муҳим ўрин тутади. Чунки, Ўзбекистонда кимлар яшашидан қатъи назар, давлат бошқарувида фақат халқ иштирок этади, халқ эса Ўзбекистон фуқароларидир.

Ўзбекистон фуқароси бўлмаган шахслар, яъни чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар давлат бошқарувида, идора ишларида иштирок этмайди.

Ўзбек халқининг давлатни бошқариш ишларидаги иштироки уларнинг сиёсий ҳуқуқлари ҳисоблангани учун сиёсий ҳуқуқларга тааллуқли Конституция нормаларида белгилаб қўйилган. Конституциянинг 32-моддасига асосан, фуқаролар давлат ва жамият ишларини бошқаришда бевосита

ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади. Бу ерда халқнинг давлат ҳаётида иштирок этиш йўллари аниқ белгилаб қўйилган.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикасининг «Сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни ҳам Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий мавқеи, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар тенг сайлов ҳуқуқини беради (3-модда). Ўзбекистон фуқароларнинг қонун олдида тенглиги қоидаси ўзбек халқининг республика ҳудудида яшовчи барча миллатлар вакиллари билан муносабатларни уйғун ҳолга келтиришнинг ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилади.

Бизнинг халқимиз расман социалистик республика деб ҳисобланган давлатда яшаган. У давлатда қонун ҳукмронлиги эмас, мафкура ҳукмронлиги ўрнатилган эди. Шу сабақлардан тўғри хулоса чиқариб, мустақил давлатчилигимизни шакллантиришда, унинг ҳуқуқий асоси бўлмиш Конституция қабул қилинганида мафкура ҳукмронлигига, яъни якка мафкуранинг жамиятда амал қилишига барҳам берилди.

Натижада Конституцияда қўйидаги қоида мустаҳкамлаб қўйилди: «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт, сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қандай мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас».

Сиёсий институтлар хилма-хиллигининг амалий ифодаси сифатида жамиятда кўппартиявийлик вужудга келди.

Давлат сиёсий институтлар учун нормал сиёсий макон яратиб бериши, улар эса ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини ифодалаши ва ҳимоя қилишга қодир бўлиши зарур. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг

«партиялар фуқароларимиз, айниқса, ёшларимизнинг ғоявий, мафкуравий эҳтиёжларини қондириши шарт. Агар партиялар бунга эришолмаса, бу бўшлиқни ғараз ниятли кучлар тўлдиришга ҳаракат қилиши шубҳасиз»⁴, деган сўзлари сиёсий партияларнинг конституциявий тузумдаги ўрнига берилган тўғри баҳодир.

Ўзбекистон Конституциясида мафкурага муносабат ҳам ҳуқуқий давлат назариясидан келиб чиқиб ҳал қилинган.

Мафкура жамиятдаги муайян сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, бадиий, фалсафий, илмий қоида, фикр ва ғоялар мажмуидир⁵ деб эътироф этсак, албатта, у турли-туман бўлиши керак, деган хулоса пайдо бўлади. Барчага ягона мафкурани сингдириш уларнинг қарашларига зид ҳолат бўлади. Шунинг учун Ўзбекистонда мафкура ва фикрлар хилма-хиллиги Конституция даражасида ўрнатилди. Бу ягона мафкуранинг ҳукмрон бўлишига йўл қўймайди. Бирон мафкуранинг давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши эса тоталитаризмга олиб келади.

Ижтимоий ҳаёт мафкуралар хилма-хиллиги асосида ривожланишининг белгила-ниши эса мафкуранинг ажралмас қисми бўл-миш фикрлар хилма-хиллигини таъминлайди.

Қадимги юнонлар плюрализмни фикр-лашнинг ташқи шакли сифатида эътироф этганлар. Сиёсий плюрализм — тили, дини, ирқи, маданиятидан қатъи назар, кўп сонли ва рақобатчи гуруҳлар томонидан ўз манфаатларининг инобатга олинишида иштирок этиш ва вакиллик қилинишидир⁶.

Жамиятнинг ривожини таъминловчи асосий воситалардан бири фикрлар хилма-хиллиги, баҳс-мунозаралардир. Сиёсий институтларнинг хилма-хиллиги фикрлар хилма-хиллигини таъминловчи воситалардан ҳисобланади.

Сиёсий, иқтисодий масалаларни тўғри ҳал қилишда турли фикрлар бўлиши шарт. Фикрлар хилма-хиллиги ҳамма соҳаларда фойдалидир. Плюрализм, айниқса, парламент фаолиятида муҳим роль ўйнайди. Бунинг натижасида мукамал қарорлар қабул қилинади.

Фикрлар хилма-хиллиги бўлмаган, бу принципга амал қилмаган жамият, давлат инқирозга маҳкум. Бу собиқ Иттифоқ мисолида ўз исботини топган. Қайси мамлакатда эркин фикрлаш бўлса, хилма-хил қарашлар бўлса, шу мамлакат ривожланаётганлигини кўрамыз. Шу боис Ўзбекистонда барча жабҳаларда, ҳокимият миқёсида, сиёсий фаолиятда фикрлар хилма-хиллиги бўлишига аҳамият берилмоқ-да. Бунинг натижасида фуқаролар ҳам жамиятда ўз ўрнига эга эканлигини ҳис қилади.

Ўзбекистонда сиёсий институтлар ва фикрлар хилма-хиллиги ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас деган қоида-нинг Конституцияда белгилаб қўйилганлиги билан кафолатланади.

Ижтимоий ҳаётда энг кўп қўлланадиган сўзлардан бири «демократия» бўлиб, юнонча *demos* — халқ, *kratos* — ҳокимият сўзларидан келиб чиққан бўлиб, луғавий маъноси халқ ҳокимияти демакдир. Ҳозирги вақтда у асл маъносига таъсир қилмайдиган тарзда турли тушунчаларга татбиқ қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов демократияга ҳозирги замон талабларидан, миллий хусусиятлардан келиб чиқиб қўйидаги таърифни беради: «...демократия фақат назария ёки сиёсий жараёнгина бўлиб қолмай, шу билан бирга халқнинг турмуш тарзи ва бутун руҳияти, анъаналари, маданияти, психологиясининг хусусиятлари ҳамдир»⁷.

Ўзбекистон Конституциясининг 13-моддасига мувофиқ, «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади».

Конституциянинг 18-моддасига асосан «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар». Бу шахснинг (биринчи

навбатда шахс фуқародир) мавқеини, тенглигини таъминловчи асосий ҳуқуқий нормадир.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2017 йилнинг юртимизда «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»⁸ деб эълон қилингани ҳамда 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш билан боғлиқ бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга

оширишга оид Давлат дастури⁹ ишлаб чиқилиб, мазкур соҳаларда туб ислоҳотлар амалга оширилаётгани мамлакатимизда инсон ва фуқаролар турмуш шароитлари фаровонлигини оширишга, уларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш механизмларини янада ривожланишга, жамиятда ҳукм сураётган ўзаро ҳурмат ва бирдамлик вазияти янада мустаҳкамланишига, миллатлараро тотувликни ва ҳамжиҳатликни таъминлашга муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – миллий бағрикенгликни таъминлаш, турли миллатларга мансуб кишиларнинг бир-бирларининг тилини, динини, турмуш тарзи, урф-одати ва анъаналарини, миллий-маданий меросини ҳурмат қилишнинг ҳуқуқий кафолати ҳисобланади. У турли миллат манфаатларини уйғун кўриш ва таъминлаш асосида мустаҳкамланиб боради.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2016. – Б. 5.

² Права человека. Вып. 1. – Т. 1997. – С. 5–6.

³ Religion, Tolerance and Intolerance: Views from Across the Disciplines // Russell Powell and Steve Clarke. – P. 5.

⁴ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т., 2017. – 559 б.

⁵ Қаранг: Миллий истиқдол ғояси. – Т., 2005. – Б. 35.

⁶ The Idea of Pluralism in the United States // Richard Norman, Ph.D. [urplural.history.stcc.edu /resources Curriculum / The Idea of Pluralism.pdf](http://urplural.history.stcc.edu/resources/Curriculum/The_Idea_of_Pluralism.pdf)

⁷ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т., 1997. – Б. 185.

⁸ Ўша жойда.

⁹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – № 6. – 70-модда.

Қ. А. Саитқулов,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кафедраси катта ўқитувчиси

КОНСТИТУЦИЯВИЙ НОРМА – ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИДА ФУҚАРОЛАР ИШТИРОКИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Аннотация. Мақолада ҳуқуқбузарликлар профилактикаси масалаларини тартибга солувчи бир қатор қонунчилик нормаларини такомиллаштириш муаммолари кўриб чиқилган ҳамда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда фуқаролар иштирокига оид конституциявий қонунда мустаҳкамлаш юзасидан аниқ таклифлар берилган.

Таянч иборалар: ҳуқуқбузарлик, профилактика, конституция, фуқаро, қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот.

Конституционная норма – основа участия граждан в профилактике правонарушений

Аннотация. В статье рассматриваются проблемы совершенствования ряда норм законодательства, регулирующих вопросы профилактики правонарушений, и даются конкретные предложения по законодательному закреплению конституционного права граждан на участие в обеспечении законности и правопорядка.

Ключевые слова: правонарушение, профилактика, конституция, гражданин, законность, правопорядок.

Constitutional provisions are the foundation of participation of citizens in prevention of offences

Annotation. The article distinguishes problems of improvement of regulatory norms regulating the prevention offences issues and the author gives specific proposals on lawmaking strengthening of constitutional rights of citizens for participation in ensuring rule of law and law and order.

Key words: offence, prevention, constitution, citizen, rule of law, law and order.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нормалари демократик жамиятдаги барча муносабатларни ижтимоий адолат ва инсонпарварлик принципларига асосланган ҳолда тартибга солишнинг асосий манбаи сифатида хизмат қилиши билан ҳар қандай ҳуқуққа хилоф қилмишнинг олди олиниши таъминлайди. Шунингдек, Конституциядаги бир гуруҳ қоидалар бевосита жиноятларнинг олдини олиш хусусиятига эга бўлиб, фуқароларни турли жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш ва жамиятдаги умуминсоний, ахлоқий нормалар асосида тарбиялашда асосий манба ҳисобланади. Мазкур нормалар ҳуқуқбузарликлар профилактикасида фуқаролар иштирокини ҳам белгилаб беради. Масалан, Асосий қонуннинг 121-моддасига мувофиқ, «қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва

эркинликларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ёрдам кўрсатишлари мумкин» бўлиб, мазкур нормада ҳуқуқбузарликлар профилактикасида фуқаролар иштироки назарда тутилган.

Маълумки, бугунги кунда ғайриҳуқуқий қилмиш содир этган шахсларга нисбатан қонунларда назарда тутилган жазо чораларини қўллаш билан бир қаторда, жиноятларнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик масаласи долзарб бўлиб бормоқда. Айниқса, мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, хусусан маҳалла, қишлоқ ва овулларда истиқомат қилаётган оддий фуқароларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасида иштирокини таъминлаш мазкур фаолиятни янада самарали ташкил этишнинг муҳим омилларидан бирига айланмоқда.

Охирги йиллар мобайнида ҳуқуқбузарликлар профилактикасида кенг жамоатчилик, айниқса фуқароларнинг иштирокини назарда тутувчи бир қатор қонун ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганлиги ҳам фикримизнинг исботидир.

Конституциянинг 121-моддаси талаблари ислоҳотлар жараёнида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида», «Ижтимоий шериклик тўғрисида», «Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида», «Сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида», «Терроризмга қарши кураш тўғрисида», «Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида», «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида», «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида», «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонунлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг бевосита ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштиришга доир фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларида тўлиқ аксини топган.

Шу ўринда айтиш керакки, халқаро тажрибадан дунёнинг кўпгина мамлакатларида ҳуқуқбузарликларга қарши курашда фуқароларнинг имкониятидан фойдаланиш ижобий натижа бераётганлигини кузатиш мумкин. Масалан, жиноятчиликка қарши самарали курашиш мақсадида Шотландия ва Швецияда фуқаролардан ташкил этилган «штатсиз ходим», Исроилда эса кўнгиллилар фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, уларнинг хизмат олиб боришлари мазкур давлатларнинг қонун ва қонуности норматив ҳужжатлари билан тартибга солинган.

Мамлакатимизда ҳам фуқаролардан ташкил топган жамоат тузилмалари фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, уларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ҳамкорлиги ўзига хос аҳамият касб этмоқда. Профилактика субъектларининг ҳуқуқбузарликлар профи-

лактикасида фуқаролар ҳамда улардан ташкил топган маҳалла фаоллари, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси аъзолари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, яраштириш ва бошқа комиссиялар аъзоларининг иштироки натижасида, республикамизда 2011 йилда 2703 та, 2012 йилда 2616 та, 2013 йилда 2230 та, 2014 йилда 2175 та, 2015 йилда 1967 та, 2016 йилда 746 та, 2017 йилнинг шу ўтган даврида 1243 та маҳалла, қишлоқ ва овулларда жиноят содир этилишига умуман йўл қўйилмаган. Бироқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасида фуқароларнинг иштирокини ташкил этишда муайян ютуқлар билан бирга, айрим камчилик ва муаммолар ҳам мавжуд. Мазкур муаммолар, *биринчидан*, тегишли қонунларда фуқароларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасида иштироки бўйича белгиланган ҳуқуқларини билмасликлари оқибатида профилактик жараёнларда бирдай иштирок этмаслигида; *иккинчидан*, замон талабидан келиб чиққан ҳолда фуқароларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасида иштирокини белгилаб берувчи айрим қонунларнинг тегишли нормаларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш зарурлигида намоён бўлмоқда. Шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикасида фуқароларнинг иштирокини таъминлашга оид муносабатлар жараёнида қонун ҳамда қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган талабларнинг қисман ёки умуман ижро этилмай қолиши оқибатида ҳам айрим муаммолар юзага келиши мумкин. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси жараёнида фуқароларнинг иштирокини белгилаб берувчи айрим қонунлардаги нормаларни, шунингдек қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги талабларни ўрганиш ҳамда тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг

органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар. Шунингдек, 121-модданинг иккинчи қисмида қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ёрдам кўрсатишлари мумкин, дейилган.

Мазкур конституциявий нормалар талабларига Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг 21-моддасида белгиланган фуқаролар ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасаларга кўмаклашиш ҳамда зарур ёрдамни кўрсатиш йўли билан ҳуқуқбузарликлар профилактикасида иштирок этиши мумкинлиги тўғрисидаги қоида мувофиқ келади.

Бизнингча, айрим қонун ҳужжатларига ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида фуқароларнинг иштирокини назарда тутувчи нормаларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарур. Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги «Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида»ги қонуни асосида илгари судланган шахслар устидан маъмурий назоратни ички ишлар органлари амалга оширади. Маъмурий назорат ўрнатилган шахснинг хулқ-атворини назорат қилиш ҳамда у томонидан содир этилиши мумкин бўлган салбий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида масъул этиб фақат маҳалладаги фаол фуқаролардан «Мураббий» бириктирилар эди. Ҳозирда Наманган вилоятининг «Орзу» маҳалласида илғор тажрибадан келиб чиққан ҳолда маъмурий назоратда турган шахсларнинг ҳар бирига маҳалладаги обрў-эътиборли, фаол фуқаролар билан бирга, давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, нодавлат-нотижорат ташкилотлари,

корхона, муассаса, ташкилотларнинг мансабдор шахсларидан иборат таркибда 10 нафардан мураббий бириктириш йўлга қўйилган. Ушбу амалиётнинг ўзига хослиги, биринчидан, мураббийлар фаолияти жамоатчиликка асосланади, иккинчидан, улар кўпчилик ва турли соҳа вакиллари бўлганлиги учун маъмурий назоратдаги шахсга тарбиявий таъсир кўрсатиш ҳамда ижтимоий, ҳуқуқий ва бошқа масалаларда зарур ёрдам кўрсатиш имконияти кўпроқ бўлади, натижада бу тоифа шахслар томонидан такроран ҳуқуқбузарлик содир этиш ҳолатлари камайишига эришилади.

Шундан келиб чиқиб, қонунга маъмурий назоратдаги шахсга мураббий бириктириш тўғрисида қўшимча нормани киритиш таклиф этилади.

Шунингдек, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 21-моддасида фуқаролар ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасаларга кўмаклашиш ҳамда зарур ёрдамни кўрсатиш йўли билан ҳуқуқбузарликлар профилактикасида иштирок этиши мумкинлиги тўғрисидаги қоида мустаҳкамланган бўлиб, ушбу нормага айрим тушунмовчиликларни бартараф этиш мақсадида тегишли ўзгартиш ва қўшимчаларни киритиш талаб этилади. Мазкур нормада фуқароларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасаларга ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикаси бўйича фаолиятларини амалга оширишда иштирок этиши назарда тутилган. Шунини алоҳида қайд этиш жоизки, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи субъектларга берилган махсус ваколатлар борки, уларда фуқароларнинг иштирок этиши мақсадга мувофиқ эмас.

Шундан келиб чиқиб, қонуннинг 21-моддаси иккинчи қисмига қуйидагича ўзгартиш киритиш таклиф этилади:

«фуқаролар ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасаларга кўмаклашиш ҳамда зарур ёрдамни кўрсатиш орқали ҳуқуқбузарликлар профилактикасида иштирок этиши мумкин. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасаларига берилган махсус ваколатлар бундан мустасно».

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасида фуқароларнинг иштирокини ташкил этишда, *биринчидан*, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонун нормаларига қатъий риоя қилиш; *иккинчидан*, юқори даражада ҳуқуқий маданиятли бўлиш; *учинчидан*, аҳолининг ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш борасидаги фикрларини инобатга олиш; *тўртинчидан*, жамоатчилик, хусусан фуқаролар ёрдамига доимий таяниш; *бешинчидан*, юридик ва жисмоний шахсларнинг ариза ва шикоятларига ҳамда хабарларига тезлик билан эътибор бериш ва қонуний чора-тадбирларни кўриш; *олтинчидан*, касб маданияти ва ахлоқ-одоб қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда хизматда ва оилада бенуқсон хулқ-атворга эга бўлиш каби ўзига хос талабларга амал қилиш зарур.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, ҳуқуқбузарликлар профилактикасида фуқароларнинг иштирокини таъминлаш ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, ушбу ҳамкорлик:

республикада истиқомат қилаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини юқори даражада ҳимоя қилишга хизмат қилади;

фуқароларнинг турли мазмундаги мурожаатларини миллий ва маънавий кадриятлардан, маҳаллий урф-одат ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда ҳал қилишни назарда тутди;

аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллигини ошириш орқали маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда, оилада ва маҳаллаларда тинчлик-осойишталик, ҳамжиҳатликни таъминлашда ёрдам беради;

фуқаролар ўртасидаги турли низоларни, шу жумладан оилавий жанжалларни тинч йўл билан ҳал этиш учун алоҳида аҳамият касб этади.

Зеро, бу аҳолининг барча қатламларига бирдай профилактик чора-тадбирларни қўллаш бўйича фаолиятда тезкорлик ва тежамкорликка эришиш учун муҳимдир.

*А. А. Худойбердиев,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
жамоат тартиби ва ҳавфсизлигини таъминлаш кафедраси ўқитувчиси*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯСИ АСОСИДА МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосида маъмурий жавобгарликни таъминлашни такомиллаштиришнинг айрим жиҳатлари ёритилган.

Таянч тушунчалар: маъмурий жавобгарлик, ички ишлар органлари, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги баённома.

Совершенствование законодательства об обеспечении административной ответственности

Аннотация. В статье раскрываются вопросы совершенствования законодательства об обеспечении административной ответственности на основе норм Конституции Республики Узбекистан.

Ключевые слова: административная ответственность, органы внутренних дел, профилактика правонарушений, протокол об административном правонарушении.

Improvement of law in ensuring administrative liability

Annotation. The article reveals issues concerning improvement of law in ensuring administrative liability on the basis of norms of the Constitution of the Republic of Uzbekistan.

Key words: administrative liability, organs of internal affairs, prevention of offences, protocol about administrative liability.

Ўтган давр мобайнида юртимизда амалга оширилган том маънодаги тарихий ишлар, мамлакатнинг қиёфаси ва ҳаётнинг маъномазмунини бутунлай ўзгартириб бораётган ислоҳот ва янгиланиш жараёнлари замирида, аввало асосий қонунимиз бўлмиш Конституциянинг принцип ва талаблари турибди.

Мустақилликка эришганимиздан буён мамлакатда миллий давлатчилик, эркин ва обод жамият қуриш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, Ватанимиз салоҳияти ва қудратини ошириш, халқнинг турмуш даражасини юксалтириш, халқаро майдонда ўзининг муносиб ўрнига эга бўлиш йўлида қандай улкан марралар қўлга киритилган бўлса, буларнинг барчасига Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгилаб қўйилган қоидаларга оғишмай риоя этиш натижасида эришилаётгани барчага маълум.

Шунинг учун ҳам вақт ўтиши билан Конституциянинг аҳамияти ва моҳиятини,

ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини, қадр-қимматини тобора чуқурроқ англашимиз ва унга бўлган ҳурмат-эътиборни янада юксалтиришимиз лозим.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида республика раҳбариятининг асосий эътибори янги Конституция ва қонунларни замон талабига мос тарзда ишлаб чиқишга қаратилди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг: «Инсон аввало Конституция, қонунлар ва ҳуқуқий мезонлар асосида яшаши керак»¹, — деган сўзлари алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси бугунги қонунларимизнинг ҳуқуқий асосидир. Шунингдек, ҳуқуқ тармоқлари тизимида ҳам конституциявий ҳуқуқ барча ҳуқуқ тармоқларининг ўзаги бўлиб, улар билан чамбарчас боғлиқдир. Жумладан, маъмурий ҳуқуқ давлат бошқаруви соҳасида

юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган бўлса, ушбу давлат бошқарувининг ҳуқуқий асоси аввало Конституциявий нормалар билан мустаҳкамланган. Давлат бошқарувида ижро этиш ва фармойиш бериш фаолиятини ташкил этиш ва бошқарувни амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган турли-туман ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси *маъмурий ҳуқуқ* тармоғини ташкил этади.

Мустақил мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўтган йиллар маъмурий қонунчиликда улкан ислоҳотлар даври бўлганлиги барчага маълум. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси негизида 1994 йил 22 сентябрда тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси бошқарув ва маъмурий фаолият соҳасидаги демократик ўзгаришларнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилди. Айни вақтда, ислоҳотларга ҳамоҳанг тарзда мазкур кодекс ҳам либераллаштириш тамойиллари асосида янада такомиллашиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февралдаги фармонида қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга йўналтирилган суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарасини ошириш, суд жараёнида тортишув принципини тўлақонли жорий этиш, юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар сифатини тубдан яхшилашга қаратилган йўналишлар белгилаб олинди ҳамда ушбу ҳужжат асосида бир қанча қонунларни такомиллаштиришга қаратилган ислоҳотлар амалга оширилди². Жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга охириги

йилларда кўплаб ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишига қарамай, унда ҳозирги кунда ҳам бир қатор ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар мавжуд. Юқоридагиларни инobatга олиб, амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг айрим нормаларидаги муаммоларни ҳал этишга қаратилган фикр-мулоҳазаларни билдириш мумкин.

Маълумки, маъмурий ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, давлат бошқарувини модернизациялаш ҳамда маъмурий қонунчиликни янада такомиллаштиришдан иборат мазкур жараёнлар ўзида назарий ғояларни мужассам этадиган концептуал ёндашувни талаб этади.

Маъмурий ҳуқуқ Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимининг йирик, салмоқли, ривож топган ва мураккаб тармоқларидан биридир. Унинг бу мақоми маъмурий ҳуқуқ тартибга соладиган кучли ижтимоий муносабатлар мазмуни ва аҳамияти билан боғлиқ. Маъмурий ҳуқуқ оммавий ҳуқуқнинг таркибий қисмларидан бири бўлиб, конституциявий ҳуқуқ, меҳнат ҳуқуқи, молия ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи каби соҳалар билан чамбарчасдир. Шу боис маъмурий ҳуқуқ оммавий ҳуқуқнинг бир тури сифатида аввало ҳокимият муносабатлари, шу жумладан, давлат бошқаруви ва жамоат тарибини сақлаш соҳасидаги муносабатларни, қолаверса, давлат ҳокимияти билан фуқаро ўртасида юзага келадиган муносабатларни тартибга солади. Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 280-моддаси маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузишга ваколати бўлган шахсларга бағишланган бўлиб, унда бузилиши маъмурий жавобгарликни келтириб чиқарадиган қоидаларга риоя этилишини текшириш ва назорат қилиш қонун ҳужжати билан зиммасига юклатилган тегишли органнинг ваколатли мансабдор шахси маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани тузиши белгиланган. Лекин, ушбу моддада баённома тузишга ваколати бўлган шахслар доираси аниқ кўрсатилма-

ганлиги боис, амалиётда аниқланган турли соҳалардаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун процессуал ҳужжатларни расмийлаштиришда муаммолар мавжуд. Шунинг учун ушбу моддага Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда белгиланган маъмурий ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқишга ва жазо қўллашга ваколатли органлар каби баённома тузишга ваколатли органлар ҳам аниқ белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқ. Бугунги кунда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузишга ваколати бўлган шахслар айрим

МДХ давлатларининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунларида ҳам мустақамлаб қўйилган. Масалан: Россия Федерацияси Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексининг 28.3-моддасида³ ҳамда Қозоғистон Республикаси Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексининг 636-моддасида⁴ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузишга ваколати бўлган шахслар ва уларнинг қандай ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий баённома тузиш ваколатига эга эканлиги белгилаб қўйилган.

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. — Т., 2002.

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2017. — №-6. — 70-м.

³ Кодекс Российской Федерации об административных правонарушениях от 30.12.2001 № 195-ФЗ (принят ГД ФС РФ 20.12.2001) (ред. от 07.02.2011) <http://www.admkodeks.ru/>

⁴ Кодекс Республики Казахстан об административных правонарушениях от 30.01.2001 N 155-II // <http://www.pavlodar.com/zakon/?dok=00524&ogl=all>.